

ТОШПУЛАТОВ ДАВРОН АКРОМОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ
ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Монография

**“Lesson Press”
ТОШКЕНТ-2022**

УЎК: 336.77.066(575.1)

КБК: 65.290-09

Тошпулатов Д.А.

Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш / Монография – Т.: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022. – 193 бет.

Мазкур монография олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги бакалавр ва магистратура мутахассисликлари, банк-молия тизими мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, унда банк рискларнинг моҳияти, юзага келиш сабаблари, банк рискларининг турлари, уларни идентификация қилиш, баҳолаш ва бошқаришнинг зарурлиги, банк рисклари билан ишлашни ташкил этилиши, рискларнинг алоҳида турларини баҳолаш ва бошқариш каби масалалар баён этилган.

Тақризчилар:

Б.Т.Бердияров – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси муdiri и.ф.д., профессор

З.А.Умаров – Тошкент молия институти “Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси муdiri и.ф.н., профессор

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2022 йил 29 мартдаги № 8 сонли Қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-8153-2-2

© “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш¹ белгиланганлиги банкларда рискларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш усуллари бўйича ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни Ўзбекистон банк тизимида қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон банк тизими тараққиётининг янги босқичи, валюта либерализацияси амалга оширилиши, янги ва масофавий банк хизматларининг жорий этилиши, банк фаолиятининг либераллаштирилиши, давлат банкларини хусусийлаштирилишига қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан ўз аксини топади. «2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади»². Шу нуқтаи назардан, банкларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишда риск менежментининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Банк амалиётидан маълумки, инвесторлар банкка киритган инвестициясидан асосий мақсад фойда олиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун инвесторлар мазкур банкнинг риск менежменти фаолияти тўғри йўлга қўйилганлигига алоҳида эътибор қаратади.

Халқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони 2020 йил 12 январь

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш³ зарурлигининг белгиланиши рискларни идентификация қилиш, баҳолаш ва бошқариш бўйича замонавий ёндашувларни қўллаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Рискларни бошқариш молия бозорида бизнес юритишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Тижорат банкларида рискларни бошқариш бўйича турли ёндашувлар мавжуд, лекин рискларни самарали бошқаришнинг мақсади уларнинг мақбул даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, ушбу даражадан юқори рискларни назорат қилиш керак бўлади.

Банк рискларини бошқариш жараёнида банк рисклари сифатли аниқланиши ва миқдорий ўлчаниши керак, яъни уни баҳолашимиз зарур. Рискни баҳолаш уни бошқариш ва тартибга солишда асосий ўринни эгаллайди. Ноаниқлик шароитида банк рискларини маълум бир мезонлар асосида ўлчаш орқали уни баҳолаш риск-менежменти тизимида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Асосий риск кўрсаткичларини бошқаришда қарорларни қабул қилиш жараёнини батафсил ва аниқ ҳужжатлаштирилган таҳлил қилиш, харажатлар ва фойдаларни ҳисобга олиш, эркин ва очиқ алоқа, ўз вақтида асосланиш ва амалга оширилиш ҳолатини даврий назорат қилиш асосида қарорлар қабул қилинишини таъминлаши керак.

Ҳар бир банк операциялари ва жараёнларида адекват назорат кўрсаткичларини ўрнатиш ва тегишли кўрсаткичларни ҳисоблаб бориш керак бўлади. Рискни турига кўра баҳолаш механизми ва методологияларини ишлаб чиқиш ҳамда асосий кўрсаткичларни аниқлаб, уларни ҳисоблашни автоматлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш старегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу монографик тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур монографияда тижорат банкларида юзага келиши мумкин бўлган рискларни идентификация қилиш, баҳолаш ва бошқариш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ қилинган, уларни бартараф этиш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИНГ МОҲИАТИ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банкларда рискларнинг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари

Банклар бозор муносабатлари тизимида хўжалик субъектларини, жисмоний шахсларни, давлатнинг иқтисодий муносабатларини боғлаш учун хизмат қилади. Ҳақиқий бозор механизмининг фаолиятини банк тузилмаларини шакллантирмасдан ва ривожлантирмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Тижорат банкларининг кўп функциялилиги улар бозорнинг турли соҳаларида фаолият юрита олиши билан изоҳланади. Агар тижорат банкларни иқтисодий нуқтаи назардан қаралса, бозор муносабатларини амалга ошириш жараёнида уларни молиявий воситачилар гуруҳига киритиш мумкин. Уларнинг фаолияти капитални жалб қилиш, иқтисодий фаолият натижасида бўш турган маблағларни жамғариш, шунингдек, ушбу молиявий маблағларни қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёжи бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этишдан иборат.

Банкларда янги мажбуриятлар ва талаблар шаклланади, улар кейинчалик пул бозорида товарга айланади. Шунини қайд этиш керакки, банкларнинг асосий вазифаси пул маблағларини сақлаш учун биноларни ва уларни бериш ёки кредитлаш учун кассаларни тақдим этиш эмас. Дарҳақиқат, тижорат банклари молияни қайта тақсимлаш, капитални тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган инвестициялар учун банк кредитлари кўринишида қайта тақсимлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва бу орқали иқтисодий сиёсатни олиб бориш ва иқтисодиётни тартибга солишда алоҳида муҳим ролни ўйнайди.

Банк тижорат ташкилоти эканлигидан келиб чиқиб, унинг асосий вазифаси мумкин бўлган энг юқори рентабеллик кўрсаткичларига эришишдир, бунинг натижасида унинг молиявий барқарорлиги ва мавжудлиги, ишончилиги таъминланади. Бундан ташқари, фойдани

максималлаштириш банк томонидан ўз фаолиятини кенгайтириш учун ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, банкларнинг фойдани кўпайтиришга қаратилган фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар хил турдаги рисклар юзага келиши билан чамбарчас боғлиқ. Агар банк бундай рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимини ишлаб чиқмаса ва ишлатмаса, уларнинг оқибатлари фойданинг ошишига ҳам, йўқотишларнинг кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин. Рискни тўғри бошқариш банк учун жуда муҳим ҳисобланади.

Замонавий шароитда тижорат банкининг фаолиятини таваккал қилмасдан амалга ошириш мумкин эмас, уни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Одатда риск даражаси юқори бўлган банк потенциал фойдани юқори деб қабул қилинади. Банк амалиётида операцияларни амалга оширишда "риск - фойда"ни мақбул комбинацияси учун риск суғуртаси қўлланилади, унинг асосий мақсади кутилмаган ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ўзгаришларни юмшатишдир⁴.

Шундай қилиб, банк ишида рискни бартараф этиш мумкин эмас. Максимал иқтисодий самарага эришиш учун ҳар қандай ташкилот, шу жумладан тижорат банки, рискларни бошқариш бўйича ишларни, яъни рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва рисклар содир бўлишининг оқибатларини оптималлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнини ташкил қилиши керак⁵.

Ушбу ҳолатлар банкларда рискларни таҳлил қилиш, олдини олиш, баҳолаш ва бошқариш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Қадимги замонлардан риск фойдани шакллантириш омили ҳисобланади. Ж.Б.Сей ва Курсель Сенейлар фикрича риск фойданинг фақат бир қисмини шакллантириш омили ҳисобланади⁶. Ўтган асрларда одамларнинг риск қилишга тайёрлиги улар фойдасининг шаклланиши ва ўзлаштирилишига олиб

⁴Магзумова В., Федотов В. "Управление рисками в коммерческих банках" <https://doi.org/10.31775/2305-3100-2018-3-68-73>

⁵ Zakharova E.N., Prokhorova V.V., Shutilov F.V., Klochko E.N. Modern tendencies of cluster development of regional economic systems // Mediterranean Journal of Social Sciences. 2015. Т.6. № 5 S3. С. 154-163.

⁶ Найт Ф.Х. Риск,неопределённость и прибыль. Пер.с англ. - М.: Дело, 2003. – С. 35

келиши билан изоҳланган. Бугунги кунда келаётган фойданинг асосий қисми рискни тўғри бошқаришдан келади.

Олимлар рискни исталмаган ҳодисалар юз берганда хавф ёки йўқотиш эҳтимоли сифатида таърифлайдилар. Риск келажакдаги ноаниқлик туфайли келгусидаги молиявий натижаларнинг ноаниқлигини тавсифлайди. Таъкидланишича, риск – бу йўқотишларга олиб келадиган эҳтимолий ҳодисанинг қиймати ёки пул йўқотиш эҳтимоли. Риск йўқолган фойда ўлчови сифатида аниқланади ва уни вазият ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлган ҳаракатларнинг кутилган натижаси ва ноаниқлик шароитида мумкин бўлган натижа ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблашни таклиф қилади⁷. Бу шуни кўрсатадики, риск баҳоланиши керак, зарур бўлса, қийматда ифодаланиши зарур.

Смирнов А.В. банкнинг асосий стратегик мақсадларининг қуйи бўғини рентабеллик ва риск ўртасидаги мақбуллиқни таъминлашдан иборат⁸лигини қайд этади. Юқори рискли операциялар билан боғлиқ стратегия йўқотишларга ва ликвидликнинг пасайишига олиб келади. Аксинча, агар рентабеллик бозор даражасидан паст бўлса, банк маълум даражадаги харажатларни талаб қиладиган ресурсларни жалб қилишда қийинчиликларга дуч кела бошлашини таъкидлайди.

Банк rischi, биринчи навбатда, фаолиятнинг алоҳида туридир. Риск бу ноаниқликнинг ўзи эмас, балки ноаниқлик шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти. Риск – бу ноаниқлик мавжуд бўлганда муваффақиятга эришиш учун мўлжалланган, иқтисодий субъектдан салбий ҳодисаларни қандай енгиш қобилияти ва билимини талаб қиладиган фаолият⁹. Риск бу фақатгина жуда сирли ноаниқлик, у ёки бу ҳодисанинг хавфи эмас,

⁷ Юшкова С.Д. Адаптация Базельских соглашений для целей внутренних стандартов деятельности банка // Аудитор. 2013. №4. С. 29-36

⁸ Смирнов А.В. “Риск-менеджмент и управление ресурсами коммерческого банка” <https://forinsurer.com/public/04/05/20/1199>

⁹ Банковские риски: учебник / коллектив авторов; под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой. - М.: КНОРУС, 2021. - 362 с.

балки субъектнинг ноаниқлик шароитида салбий омилларни енгиб ўтиш ва керакли натижага эришишда ишонч билан ҳаракатидир.

Риск – бу ҳар қандай субъектнинг, шу жумладан банк фаолиятининг ҳолат тавсифи бўлиб, унинг натижаси ноаниқлигини ва муваффақиятсизликка учраганда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини акс эттиради¹⁰. Е.Мацкевич ва И.Кузьмичевалар бу орқали рискни юзага келишини субъектнинг фаолият турига боғлайди ҳамда риск натижаси салбий оқибатларга олиб келишини қайд этади.

В.Белых, С.Виниченко, Д.Гаврин ва бошқалар банк рискини кредит ташкилоти фаолияти учун ноқулай мулкый оқибатларга олиб келган ҳодисанинг (ҳодисалар тўпламининг) юзага келиши ёки бўлмаслиги эҳтимоли¹¹ сифатида тавсифлайди.

Шу ўринда проф. Ш.Абдуллаеванинг фикрларини келтириб ўтсак: риск – бу хавф-риск ва иккиланиш кабу тушунчалардан фарқ қилиб, унинг мақсади доимо ижобий натижага: даромад, фойда кўриш, бирор жараённи ижобий ҳал қилишга йўналтирилган бўлади¹².

Нафасов Д.Б. банк рискини банкнинг алоҳида актив ва пассив операциялари бўйича келажакда асосий сумма ва даромадни йўқотиш ёки тўлиқ ололмаслик эҳтимоли билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий воқелик¹³ сифатида тадқиқ қилган.

Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларида банк таваккалчилиги – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни

¹⁰ Мацкевич Е.Д., Кузьмичева И.А. Риски коммерческого банка // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2015. – № 6-2. – С. 313-317; <https://applied-research.ru/ru/article/view?id=6896>

¹¹ Банковское право: учебник / В. С. Белых, С. И. Виниченко, Д. А. Гаврин [и др.]; под ред. В. С. Белых. М.: Проспект, 2011. С. 241.

¹² Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: «Молия», 2002. 304 б.

¹³ Нафасов Д.Б. "Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, -Т.: 2017, 49 б.

тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлиги¹⁴ни қайд этади. Ушбу таърифда банк рискни банк таваккалчилиги сифатида талқинини кўриш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк риси – бу банк ўзининг стратегик ва бизнес мақсадларига эришишда кутилаётган ёки кутилмаган ҳолатлар натижасида банк фойдасига бўлган салбий таъсир деб тариф беришимиз мумкин.

Умуман олганда, банк рисклари иқтисодий рисклар тизимига киради, шунинг учун у табиатан мураккаб тузилишга эга. Ҳар қандай иқтисодий тизимда банклар иқтисодий рисклар таъсирини сезади, чунки иқтисодиётнинг ҳар қандай соҳасида юзага келган риск тижорат банки фаолиятида намоён бўлади. Қайси соҳа бўлмасин, унда фаолият олиб бораётган субъект тижорат банки мижози ҳисобланади, иқтисодий субъектлар бевосита банклар билан иқтисодий муносабатларга киришади.

Иқтисодий луғатларда риск – хавф-риск, зарар ва йўқотиш эҳтимоли, хавф эҳтимоли ёки муваффақият умидида хавф томон бориш маъносида келиши кўрсатилган. Жумладан, луғатшунос С.И.Ожеговнинг рус тили изоҳли луғатида “риск” – бу муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодисага умид”¹⁵ деган маъно англатади дейилса, Вебстер луғатида риска “хавф, зарар ва талафот эҳтимоли¹⁶” деб қаралган.

Риск бу иқтисодий категория ҳисобланади. Шу сабабли риск даражаси ҳамда қиймати молиявий механизми орқали ҳам таъсир қилиш мумкин. Бундай таъсирларни молиявий менежмент техник ёрдами ҳамда махсус стратегияси орқали амалга оширилади. Демак, риск менежмент, молиявий менежментнинг бир қисми ҳисобланади. Риск менежментининг асосий мақсади фойда билан хавфни оптимал даражада сақлаш, мақбул даражада фойдани қўлга киритишдан иборатдир. Риск объектни бошқариш функцияси –

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

¹⁵ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. –М.: Мир и Образование, Оникс, 2011. — 736 с.

¹⁶ Webster's dictionary of English usage. English language—Usage—Dictionaries. 1989 by Merriam-Webster Inc. p. 974

бу рискнинг пайдо бўлиши, банк капиталига рискнинг таъсирини ва таъсир доирасини камайтириш бўйича муносабатларни очиб беради. Риск субъектни бошқариш функцияси – бу рискларни таҳлил қилиш, йўналишларини аниқлаш, бошқариш, камайтириш, олдини олиш ва назорат вазифаларини бажаради.

Банклар рискларни бир транзакция бир қатор рискларга дуч келиши мумкин бўлганлиги учунгина эмас, балки бир турдаги риск бошқа турдаги рискларни келтириб чиқарганлиги учун ҳам бир-биридан ажратилмаган ҳолда биргаликда кўриб чиқиши ва баҳолаши керак. Турли рискларнинг бир бирига таъсири рискнинг ошишига (ёки пасайишига) олиб келиши мумкин бўлганлиги сабабли, рискларни бошқариш жараёни рискларнинг ўзаро таъсирини банк фаолиятининг барча турларида ҳисобга олиши керак.

Ўзбекистон банк тизимида юзага келаётган рискларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бошқаришда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Банк рискларини аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш учун уларни риск хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш лозим бўлади. Бу таснифлашлар банк рискнинг юзага келиши, қамрови, алоҳида белгилари, таъсир доираси, банк операциялари билан боғлиқлиги, таъсир қилувчи омиллар ва бошқа хусусиятларга қараб амалга оширилиши мумкин.

Қоида тариқасида барча турдаги рисклар ўзаро боғлиқ бўлиб, банкнинг фаолиятига таъсир қилади. Шу билан бирга, бир турдаги рискнинг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Рискларни таснифлаш рисклар тўпламини баъзи белгилар ва мезонлар асосида тизимлаштиришни англатади, бу эса риск тўплamlарини янада умумий тушунчаларга бирлаштиришга имкон беради.

Мутахассислар банк рискларининг турли ҳил турларини ажратиб кўрсатади. Масалан, Ш.Абдуллаева банк рискларини таснифлашни қуйидаги асосий тамойиллар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқлигини қайд этади:

– пайдо бўлиши сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича;

- намоён бўлиш шакллари бўйича;
- бошқариш имкониятига қараб рискларни бўлиб чиқиш;
- ҳисоблаш усулига қараб рискларни ажратиш;
- юзага келиш ва таъсир вақтига қараб рискларни ажратиш;
- юзага келиш соҳасига қараб рискларни таснифлаш ва ҳ.к.¹⁷

Ушбу тамойиллар банк рискларини таснифлашнинг умумий вариантини ишлаб чиқиш имконини беради. Шу асосда банк рискларининг маълум бир белгиларига қараб алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ж.Бессис молиявий рискларни ноаниқлик манбаларига қараб белгиланишини қайд этиб, молиявий рискларнинг кенг тоифалари кредит rischi, бозор rischi, ликвидлик rischi, фоиз rischi, валюта rischi, тўловга лаёқатсизлик rischi, операцион рисклар бўлиб, улар йўқотишларни келтириб чиқарадиган муайян ҳодисаларга нисбатан кичик синфларга бўлади¹⁸.

О.Лаврушин ва Н.Валенцевалар банк рискларини риск даражаси, банк маҳсулоти, хизматлари ва операцияларининг характери, банк барқарор ривожланишининг таъминланганлик даражаси, рискни ташкил этувчи омиллар, рискнинг кўлами ва таъсири, юзага келиш вақти, банкнинг рискга боғлиқлик даражаси, банк тури, рискнинг катталиги, миқдорлар базасининг таркиби, операцияларни ҳисобга олишнинг хусусияти¹⁹га қараб ажратиш маъқуллигини таъкидлайдилар.

Банк фаолиятидаги асосий рисклар қаторига кредит rischi, фоиз ставкаси rischi, бозор rischi, ликвидлик rischi ва операцион рискни киритиш мумкин²⁰. Бунда кўпроқ регулятор томонидан банк рискларини назорат қилиш нуқтаи назаридан ёндашув бўлганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк рискларини тартибга солиш ва назорат қилиш юзасидан уларни қуйидаги турларга бўлади:

¹⁷ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: «Молия», 2002. 304 б.

¹⁸ Joël Bessis Risk Management in Banking, 4th Edition Wiley 2015, 384 p.

¹⁹ Банковские риски: учебник / коллектив авторов; под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой. - М.: КНОРУС, 2021. - 362 с.

²⁰ Nguyen, Quang & Gan, Christopher. (2019). Bank Risk Management: A Regulatory Perspective. 10.5772/intechopen.79822.

- а) кредит рисқи;
- б) бозор рисқи: фонд рисқи, валюта рисқи, фоиз рисқи;
- в) ликвидлилик рисқи;
- г) операцион риск;
- д) мамлакат рисқи;
- е) ҳуқуқий риск;
- ж) бизнесда обрў-эътиборни йўқотиш рисқи;
- з) фирибгарлик рисқи²¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам банк рисklarини тартибга солиш ва назорат қилиш учун бу риск турларини ажратиб кўрсатган.

Банк рисklarига оид ёндашувлардан келиб чиқиб, биз уларни маълум бир мезонлар бўйича гуруҳлашга ҳаракат қиламиз ва банк рисklarини таснифлашга ўзимизнинг ёндашувимизни тақдим этамиз.

Ушбу тадқиқот мақсадларида биз банк рисklари тизимини замонавий банк фаолияти билан боғлиқ рисklarни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш билан боғлиқ элементлар мажмуи сифатида кўриб чиқамиз.

Банк рисklarининг кўплаб таснифлари мавжуд. Бизнинг фикримизча, банк рисklarини самарали бошқариш учун уларни умумий хусусиятлар ёки белгиларга кўра маълум синфларга гуруҳлаш имконини берадиган таснифлаш зарур.

Банк рисklари мавзусига оид адабиётларни ўрганиб чиқиб, биз банк рисklarини таснифлашнинг муаммоли жиҳатлари ушбу рисklarнинг ягона таснифини яратишга тўсқинлик қилишига амин бўлдик, бу эса рисklarни бошқариш соҳасида муҳим илмий ютуқ бўлиши мумкин. Банк рисklarини янада самарали баҳолаш ва бошқариш имконини беради.

Банк рискининг моҳиятини аниқлаш каби, унинг таснифи ҳам кўплаб саволларни туғдиради. Ушбу тадқиқот давомида ўрганилган турли манбалар асосида шаклланган хулосалардан сўнг, биз ҳозирда қўлланилаётган

²¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

ёндашувларни тизимлаштириш ва таснифлашни таклиф қиламиз. Бизнинг фикримизча, банк рискларининг барча мавжуд таснифларини асосан учта ёндашувга бўлиш мумкин:


- 1) илмий-назарий;
- 2) тартибга солувчи;
- 3) аралаш.

Илмий-назарий ёндашувда банк рискларини таснифлашга илмий ёндашиш тадқиқот объекти, яъни банк рисклари ҳақида янги билимларни олишнинг асосий усуллари мажмуасидан фойдаланишни назарда тутлади. Бу ҳолда хулосалар объект ҳақидаги эмпирик маълумотларга асосланган тадқиқот қоидалари ва тамойиллари ёрдамида амалга оширилади.

Тартибга солувчи ёндашувда банк рискларини тартибга солиш ва назорат қилиш нуқтаи назаридан банк рисклари таснифланади.

Аралаш ёндашувда ҳам илмий-назарий, ҳам тартибга солувчи ёндашувдан фойдаланган ҳолда банк рисклари таснифланади.

Ўзбекистон банк тизимида юзага келадиган асосий рискларни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин. Банк рискларининг қуйидаги турларини ажратса бўлади: молиявий рисклар: ликвидлилик рисклари, фоиз rischi, валюта rischi, инвестицион риск, концентрация rischi, капитални бошқариш rischi; кредит рисклари: кредит таъминот rischi, миждознинг тўлов қобилияти rischi; операцион рисклар: фирибгарлик rischi, технологик риск; репутация rischi; регулятор rischi; стратегик риск. Мазкур рисклардан ташқари банкларда яна кўплаб рискларни келтиришимиз мумкин. Уларнинг аксарияти ушбу рискларнинг ичига киради. Кредит rischi ҳам аслида молиявий риск турига киради бироқ банклардаги асосий риск тури бўлганлиги учун уни алоҳида ажратиб кўрсатишни мақбул топдик.



1.1-расм. Банк rischi турлари²²

Ҳар бир риск турини тадқиқот давомида алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг ҳар бирини баҳолаш ва бошқариш масаласи ҳам ўрганилади.

1.2. Банк рискларини баҳолашнинг назарий асослари

Бугунги кунда молиявий рискларни баҳолаш қуйидаги концептуал ёндашувларга:

-вазиятли ёндашув (у ҳодисалар оқибатида йўқотишларни аниқлаш ва баҳолаш);

-жараёнли ёндашув (кўп шаклли, яъни вариативлик кўрсаткичларидан фойдаланиш);

-сценарийли ёндашув (пессимистик, реалистик ва оптимистик каби сценарийлар таҳлилидан фойдаланиш);

-комплекс ёндашувга (кутилаётган фойдалилик концепцияси) асосланган²³.

Ушбу ёндашувлар риск-менежмент тизимини яратиш ва молиявий рискларни баҳолашда қўлланилиши мумкин. Рискларни баҳолаш

²² Муаллиф томонидан тайёрланган

²³ Баймуратов Т.М., Баймуратова Г.Т. Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар ва тизимлилик. Молия ва банк иши электрон илмий журнали III сон. Май - июнь, 2020. 49-60 б.

ёндашувлари бошқарилаётган объект хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим.

Риск менежментда рискларни баҳолаш усуллари баҳолаш ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

Ҳозирги кунда айрим муаллифлар банкнинг молиявий рискларини миқдорий баҳолашнинг асосий усуллари сифатида қуйидаги усуллари келтиришади:

1) Статистик: Монте карло усули, Z-Альтман усули, Чесер усули, Дюран усули, VAR усули;

2) Эксперт баҳолаш усули: Дельфи усули, шажара қарор қабул қилиш усули, Коэффициент таҳлили ёки рейтинг усули;

3) Таҳлилий усул: дюрация усули, стресс-тест усули, GAP – таҳлил усули;

4) Аналогик усул;

5) Комбинациялашган усул²⁴.

Банк рискларини статистик усулда баҳолаш ҳодисанинг юзага келиш эҳтимолини ва риск даражасини аниқлаш учун маълум ёки шунга ўхшаш банкда содир бўлган йўқотишлар ва фойдалар статистикасини ўрганишдан иборат. Бунда дисперсион, регрессион, омилли ва кластер таҳлил усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу усул қўлланишининг асосий камчилиги сифатида узоқ муддатли статистик маълумотлар бўлишини талаб этади, чунки у динамик қаторларни ўрганишда маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради.

Эксперт усулда банк рискларини баҳолашда турли даражадаги йўқотишларнинг юзага келиш эҳтимоли бўйича ички ёки ташқи экспертлар томонидан қилинган баҳолашларни тўплаш ва ўрганишни ўз ичига олади. Ҳисоб-китоблар барча молиявий риск омилларини ҳисобга олишга, шунингдек, статистик маълумотларга асосланади.

²⁴ Бобыль В.В. Финансовые риски банка: классификация, оценка, управление. Современный взгляд на проблемы экономики и менеджмента, / Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции. № 3 г. Уфа, 2016. 124 с.

Банк рискларини баҳолашда мавжуд маълумотлар чекланган ва микдорий риск таҳлили зарур бўлганда аналитик усуллар қўлланилади. Аналитик усулларга Гаусс тақсимоти, Пуассон тақсимоти каби стандарт тақсимот функциялари киради. Шунингдек, дюрация, стресс-тест, GAP – таҳлили усуллари ҳам аналитик усуллари қаторида кенг қўлланилади.

Аналогия усули одатда янги лойиҳанинг рискларини таҳлил қилишда қўлланилади. Аналогия усули бўйича лойиҳанинг ривожланиш босқичи, ишга тушириш босқичи, ўсиш босқичи, етуклик босқичи ва пасайиш босқичларини ажратган ҳолда банк рисклари баҳоланади.

Комбинацияланган усулда бир нечта алоҳида усуллар ёки уларнинг алоҳида элементларининг комбинацияси орқали банк рисклари баҳоланади.

Банк рискларини баҳолаш усуллари банк бошқаруви мақсади, стратегияси, маълумотларнинг мавжудлиги, иқтисодий вазият ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда танланади.

Рискнинг асосий кўрсаткичлари ташкилотдаги операцион таваккалчилик даражасини ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни бошқариш ва мониторинг қилишда кенг тарқалган восита. Шу билан бирга, асосий риск кўрсаткичлари тизими банкдаги операцион таваккалчилик профилини тўлиқ кўриш имкониятини берадиган кенг қамровли мониторинг воситасидир²⁵.

Ушбу ҳолатлар банкларда асосий риск кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш, олдини олиш ва бошқариш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Н.Катилова “Асосий риск кўрсаткичлари барча рискларни бошқариш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Ушбу кўрсаткичлардан турли операцион ходисаларни кузатиб бориш ва прогноз қилиш учун фойдаланилади. Улар назорат самарадорлигини доимий равишда кузатиб бориш орқали баҳолаш жараёнини қўшадилар”²⁶.

²⁵ Сизикова В., Гаврилина В., Битюцкий М. Риск-менеджмент в кредитной организации № 4 (24) \ 2016

²⁶ Катилова Н.В., Энгел С. Практика ключевых индикаторов для операционных рисков // Управление финансовыми рисками. — 2006. — No2. — С.190–204. URL: <https://grebennikon.ru/article-5vct.html>

С.Миронова “Операцион риск даражаси тўғрисида визуал ҳисоботни шакллантириш учун банкдаги операцион риск даражасини тавсифловчи бир қатор параметрларни аниқлаш ва уларнинг динамикасини кўриб чиқиш зарур. Ушбу кўрсаткичлар асосий риск кўрсаткичлари бўлади. Бизнинг фикримизча, қуйидаги кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: ҳисобот маълумотларига кўра, операцион риск тадбирларини амалга оширишда ҳақиқий йўқотишларни; кадрлар хатоларидан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар; тизимдаги носозликлар туфайли юзага келадиган йўқотишлар; хавф остида бўлган қиймат; операцион рискларни бошқариш билан боғлиқ харажатлар; ходимлар харажатлари; кадрлар алмашинуви²⁷” каби фикрларни билдирган.

В.Минаков, О.Лобанов, А.Артемов рискнинг асосий кўрсаткичлари, уларнинг номидан кўриниб турибдики, банк дуч келадиган асосий рискларнинг кўрсаткичлари. Улар банкнинг у ёки бу турдаги таваккалчиликка дучор бўлишининг кўрсаткичи бўлиб, хизмат қиладиган маълумотларнинг бир қисмидир²⁸, деб тарифлайди. Бундан кўриниб турибдики, рискнинг асосий кўрсаткичи маълум бир частотада ҳисобланган ва ҳозирги хавф даражасини баҳолаш, жорий даражани мақбул қиймати билан ўзаро боғлаш, муаммоли жойларни аниқлаш ва мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олишда профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун ишлатиладиган миқдорий кўрсаткичлардир.

Ҳақиқий ҳаётда банкда юз берадиган асосий жараёнлар, фаолият йўналишлари, йўқотишлар ва ҳодисаларга мос келадиган минглаб асосий риск кўрсаткич турлари мавжуд, шунинг учун баҳолаш жараёни тарихий маълумотлар асосида ва маълумотлар ўртасидаги муносабатларни

²⁷ Миронова С.Ю. “Система управления операционным риском в российских коммерческих банках и ее совершенствование” Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва 2014

²⁸ Минаков В. Ф., Лобанов О. С., Артемов А. В. Кластеры потребителей телекоммуникационных сервисов // Международный научно-исследовательский журнал = Research Journal of International Studies. – 2014. – № 6-1 (25). – С. 60-61

аниқлайдиган статистик методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак²⁹.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, асосий риск кўрсаткичлари – бу рискларни назорат қилиш учун рақамли ўлчовлар тўплами бўлиб, камчиликлар ва меъёрдан оғишиш вақтини олдиндан аниқлаш ҳамда бошқарувнинг тузатув харакатлари натижасини назорат қилиш учун хизмат қилади.

Асосий риск кўрсаткичларини ўз ичига олган асосий риск, самарадорлик ва назорат кўрсаткичларининг биргаликда ишлатилиши умумий ҳолатни яққол тасвирлашга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

1.1-жадвал

Асосий риск кўрсаткичлари³⁰

Риск қамрови	Риск кўрсаткичлари	Риск эгаси (Банкнинг таркибий бўлинмалари)
Кенг қамровли	Рўйхатга олинган юқори рискли ходисалар сони, содир бўлган муҳим воқеликлар сони	Рискларни бошқариш бўлинмси
	Рўйхатга олинган тўғридан-тўғри йўқотиш	Бухгалтерия бўлинмаси
Фирибгарлик	Фирибгарлик ҳолатлари сони	Рискларни бошқариш бўлинмси
Ҳуқуқий	Банк томонидан суд қарори асосида тўланган маблағлар миқдори	Юридик хизмат
Мижозлар	Мижозлар шикоятлари сони	Ижро аппарати
Ходимлар	Ходимлар алмашинуви даражаси (кўнимсизлик)	Ходимларни бошқариш бўлинмси
Ахборот технологиялари	Тизимларнинг ишламай қолиши даражаси	Ахборот технологиялари бўлинмси
Хавфсизлик	Ахборот хавфсизлигини бузиб ўтишлар сони	Хавфсизлик бўлинмси
Ички назорат	Норматив санкциялар ва жарималар сони	Ижро аппарати

Рискнинг асосий кўрсаткичлари рискларни аниқлашнинг аниқ ёки ноаниқ асосий параметрларини тавсифлайди – йўқотиш билан боғлиқ бўлган ходисаларни маълумотлар базасида ёки бошқа маълумотлар регистрларида

²⁹ Дятлов С.А. , Шугорева В.А. , Лобанов О.С. Оценка средств управления эффективностью банковского риск-менеджмента// Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. — №5 (77). Номер статьи: 7704. 2017-05-30 <https://sovman.ru/article/7704/>

³⁰ Муаллиф томонидан тайёрланди.

берилган маълумотларга асосланиб, мунтазамлик, талабчанлик ва таъсир килиш доирасига кўра акс эттиради.

Асосий риск кўрсаткичларининг биринчи гуруҳи йўқотиш ходисалари тўғрисидаги маълумотлар базаси ёки бошқа бизнес регистрлари маълумотларига асосланиб, аниқ ёки ёпиқ шаклдаги риск ходисаларининг даврийлиги, жиддийлиги ва таъсирини тасвирлайди.

Рискнинг асосий кўрсаткичлари банк фаолияти кўламига мос келадиган ресурсларнинг мавжудлигини, шунингдек, жараёнлар, одамлар, тизимлар ёки ташқи хавфлар сабаб бўлиши мумкин бўлган салбий молиявий ёки операцион кўрсаткичларни тавсифлайди.

Иккинчи гуруҳ самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, бу банк фаолияти кўлами ва бир-бирига идеал тарзда боғланиши керак бўлган ресурсларнинг мавжудлигини билдиради. Ушбу кўрсаткичлар биринчи гуруҳдан фарқли ўлароқ, рискли вазиятлар тўғрисида огоҳлантирмайди, аммо мавжуд камчиликлар таъсирини намойиш этади. Жумладан:

1.2-жадвал

Асосий самарадорлик кўрсаткичлари³¹

Риск камрови	Риск кўрсаткичлари	Риск эгаси (Банкнинг таркибий бўлинмалари)
Харажатлар	Харажатларнинг активларга нисбати	Бухгалтерия бўлинмаси
	Харажатларнинг даромадларга нисбати	
	Ходимлар харажатларининг операцион харажатларга нисбати	
Ходимлар	Битта ходимга тўғри келувчи жами активлар	Ходимларни бошқариш бўлинмаси
	Битта ходимга тўғри келувчи (солиқ тўловидан олдинги) фойда	
	Битта ходимга тўғри келадиган ходимлар харажатлари	
Мижозлар	Битта ходимга тўғри келувчи миқдорлар сони	Иқтисодий таҳлил бўлинмаси
	Битта кичик ва ўрта бизнес миқдори амалиётларининг ўртача ҳажми	
	Битта ходимга тўғри келувчи чакана транзакциялари сони	Чакана бизнес бўлинмаси
Тизимлар	IT харажатлари операцион даромаднинг фоизи сифатида	Бухгалтерия бўлинмаси
		Ахборот технологиялари бўлинмаси

³¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

Асосий назорат кўрсаткичлари – менежмент асоси бўлиши мумкин бўлган рискларни бошқариш тизимидаги камчиликларни аниқлашга ёрдам берадиган бошқариш механизмларининг кўлами ва самарадорлигини баҳолайди.

Бошқариш воситаларининг асосий назорат кўрсаткичлари бўлган учинчи гуруҳ рискларни бошқаришдаги камчиликларни аниқлашга ёрдам берадиган бошқариш механизмларининг самарадорлигини баҳолайди.
Жумладан:

1.3-жадвал

Асосий назорат кўрсаткичлари³²

Риск қамрови	Риск кўрсаткичлари	Риск эгаси (Банкнинг таркибий бўлинмалари)
Рискни аниқлаш	Маълум қилинмаган риск ҳодисалари сони	Рискларни бошқариш бўлинмаси
	Кечикиб маълум қилинган риск ҳодисалари сони	
Рискни бошқариш ва уларга жавоб бериш	Асосий риск индикаторлари чегараси бузилишлари сони	
	Қутилаётган бошқарув ҳаракати билан боғлиқ ҳаракатлар фоизи (Мухим ёки юқори риск)	
Ички назорат	Аниқланган (жиддий) камчиликлар сони	Ички назорати бўлинмаси
	Аниқланган ноодатий масалалар фоизи	
Ички аудит	Ички аудит аниқлаган камчиликлар сони	Ички аудит хизмати
	Ички аудит томонидан режага нисбатан кечиктирилган текширишлар	
Тартибга солиш органлари	МБ томонидан аниқланган камчиликлар сони	
	Мавжуд тартибга солинмаган муаммолар фоизи	

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар банк иш фаолияти даражасини тавсифлайди ва банк бошқарув жамоаси учун банкнинг умумий кўринишини ифода эта олади. Муайян бизнес функцияларининг бажарилиш жараёнлари тўғрисида етарли миқдорда маълумот мавжуд бўлмаса, банк муайян бизнес йўналиши ёки ёрдамчи функцияларга бириктирилган асосий хавф кўрсаткичларини ўрнатиши керак. Уларнинг таркиби бир нечта кенг қамровли ўлчовларни, жумладан рўйхатга олинган хавфлар сони, қайд қилинган

³² Муаллиф томонидан тайёрланган

тўғридан-тўғри йўқотишлар миқдори, тўғридан-тўғри йўқотишларни қайтариш даражасини ўз ичига олиши ва хавфларнинг жараёнлар, одамлар, тизимлар, ташқи ҳодисалар каби асосий йўналишларини қамраб олиши лозим.

Рискнинг асосий кўрсаткичлари ўрнатилган бизнес функцияларининг таркиби операцион рискларни бошқаришнинг бошқа воситалари билан ҳам мувофиқлаштирилиши мумкин.

Банк қуйидаги тамойиллар асосида турли функционал/бизнес бўлинмаларда асосий риск кўрсаткичлари учун лимитларни ўрнатади.

Чегаралар доираси.

Риск кўрсаткичларининг сони катта бўлиши мумкинлиги, мақсадга мувофиқлиги ва мазмунли таҳлил қилиниши учун банк тегишли режалаштириш даври учун асосий риск кўрсаткичлари рўйхатига киритилган ва корпоратив, таркибий бўлинмалар ва филиаллар тармоғини бошқариш даражасини қамраб оладиган риск кўрсаткичлари бўйича асосий риск кўрсаткичлари лимитларини белгилайди.

Асосий риск кўрсаткичлари лимитлари чегараси битта асосий риск кўрсаткичи, режалаштириш даври ва бошқариш даражасига мувофиқ ўрнатилган хавф чегараси ва чегара буферининг комбинацияси сифатида тузилган:

Риск чегараси – бу банкка ушбу қоидабузарликларни барқарор равишда баргараф этиш учун тузатув ишлари олиб бориши керак бўлган аниқ таваккалчиликларни қабул қилиш ва ўтказишга нисбатан чидамлилиқни акс эттиради.

Чеклов буфери – маълум фоиз миқдорида риск даражасида белгиланган бўлиб, қарор қабул қилиш учун чегарани таъминлайди ва қоидабузарликларнинг олдини олишни чеклайди.

Банк асосий риск кўрсаткичлари чегараларини риск аппетити параметрлари, тарихий кўрсаткичлар, тенденциялар таҳлили, ташқи ва ички таққослашлар асосида белгилайди. Асосий риск кўрсаткичлари чегаралари

риск кўрсаткичининг максимал, минимал ёки ҳар иккала даражаси учун чегараларни ўрнатадиган шаклда ишлаши мумкин.

Асосий риск кўрсаткичларини бошқариш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:



1.2-расм. Асосий риск кўрсаткичларини бошқариш жараёни босқичлари³³:

Танлов жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан юзага келаётган рискларни, янги бизнес жараёнларини ёки риск эгаларини аниқлаш ва риск кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш зарурияти ва қарорини аниқлаш; риск кўрсаткичларининг янги рўйхатини ишлаб чиқиш, риск эгалари билан йиғишнинг қиймати ва мақсадга мувофиқлигини муҳокама қилиш ва Рискларни назорат қилиш қўмитасига ўз таклифларини тақдим этиш; Рискларни назорат қилиш қўмитаси асосий риск кўрсаткичлари таклифларини кўриб чиқиш, асосий риск кўрсаткичлари эгаси тегишли бўлинмалар ва бошқа аъзоларнинг фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва таклифни қабул қилиш, рад этиш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат.

Танлаш жараёни муҳим рискларни аниқлашга имкон беради, улар аҳамиятга эга, ўлчаб бўладиган, башорат қилинадиган, кузатилиши осон, таққосланадиган асосий риск кўрсаткичлар билан таъминланади.

Тўплаш жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

Рискларни бошқарувчилар маълумотларни тўплаш, асосий риск кўрсаткичларини ҳисоблаш ва маълумотларни Рискларни бошқариш бўлинмасига ўз вақтида топшириш; Рискларни бошқариш бўлинмаси

³³ Муаллиф томонидан тайёрланган

томонидан асосий риск кўрсаткичларини кўриб чиқади, мантикий текширувларни амалга ошириб, муҳокама қилади ва керакли тузатишларни киритиб боради; Рискларни бошқариш бўлинмаси асосий риск кўрсаткичлари эгаларидан олинган маълумотларни кейинчалик таҳлил қилиш учун жамлайди.

Танлов жараёни асосий риск кўрсаткичлари маълумотларини методологияга мувофиқ тўлиқ ҳисобланишини ва ўз вақтида истисносиз тўпланишини таъминлаши керак.

Текшириш жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

Рискларни бошқариш бўлинмаси асосий риск кўрсаткичлари рақамларини текшириш ва тасдиқлаш учун қўшимча маълумот олиш; Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан рақамларни кўриб чиқиш, оғишларни тушунтириш, муҳокама қилиш ва зарур тузатишларни киритиш; Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан янги рақамларни кейинчалик таҳлил қилиш учун асосий риск кўрсаткичларини маълумотлар базасига киритиш.

Мониторинг жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан аввалги босқичларда тўпланган ва тасдиқланган Асосий риск кўрсаткичлари маълумотларини таҳлил қилиш; Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан ўзгаришлар ва тенденцияларни таҳлил қилиш, таққослаш ва натижаларни изохлаш; Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан рисклар профилининг тўлиқ шаклини олиш учун маълумотлар ва кузатувларни бирлаштириш.

Чекловларни бошқариш жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

Рискларни бошқариш бўлинмаси асосий риск кўрсаткичлари чегаралари бузилганлигини кузатиб бориш ва мавжуд чегара буферини аниқлаш; Рискларни бошқариш бўлинмаси бу чегара буферларини аниқлаш, ҳар қандай камайиш ва ўсиш чегараларини бошқарувга тушунтириш; Рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан хавф чегараларини аниқлаш ва бошқариш ҳаракатларини кучайтириш.

Ҳисобот бериш жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади.

Рискларни бошқариш бўлинмаси бу барча кузатувлар ва хулосаларни ҳисобот тўпламида акс эттириш; Рискларни бошқариш бўлинмаси ҳисобот тўпламини ўз вақтида Рискларни назорат қилиш Қўмитаси ва асосий риск кўрсаткичлари ижрочиларига тақдим қилиш; Рискларни назорат қилиш Қўмитаси рисклар тўғрисидаги ҳисобот тўпламини кўриб чиқиши ва мавзу бўйича мунозараларни ўтказиши керак.

Ҳисобот жараёни рисклар тўғрисидаги ҳисобот пакетини ҳар томонлама, ўз вақтида, тегишли таҳлил, асослар ва хулосалар билан ижро этувчи бошқарув жамоасига тақдим этилишини таъминлаши керак.

Қарор қабул қилиш жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади.

Рискларни бошқариш бўлинмаси ва риск ижрочилари чеклов қоидабузарликларини бартараф этишга ёрдам берадиган профилактика ёки тузатиш чоралари бўйича таклифлар ишлаб чиқишлари ва рискларни қабул қилишнинг мумкин бўлмаган даражаларини олдини олиш; Рискларни бошқариш бўлинмаси таклифлар, қўллаб-қувватловчи далиллар ва амалга ошириш харажатларини Рискларни назорат қилиш Қўмитасига тақдим этиш; Рискларни назорат қилиш Қўмитаси таклифни кўриб чиқиб, муҳокамани ўтказиш ва мажбуриятлар ва вақтни кўрсатган ҳолда таклифни қабул қилиш, рад этиш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат.

Асосий риск кўрсаткичлари лимитлари тўғрисида қарор ҳар доим режалаштириш даври билан бир хил бўлган амал қилиш муддатини белгилаган ҳолда қабул қилиниши лозим. Асосий риск кўрсаткичлари чегаралари камида ҳар йили қайта кўриб чиқиши керак.

Банк фаолиятини ҳар томонлама текшириш учун асосий риск кўрсаткичлари ўлчовлари турли хил таҳлиллардан ўтказилиши керак. Улар ўзгаришларни таҳлил қилиш тамойиллари, даражаларни кузатиш, кейинги ҳисобот даври учун прогноз қилиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва назорат сифатини баҳолаш учун ўзгаришларни таҳлил қилиш тамойиллари асосида кўриб чиқиш лозим.

Омиллар таҳлили асосий риск кўрсаткичлари даражасидаги ўзгаришларнинг таркибий қисмларини тушунишга ёрдам беради. Бошқа банклар ёки филиаллар ўртасидаги ўзаро таққослаш, икки ўлчовни биргаликда таҳлил қилиш ёки қиёслаш таҳлили каби ҳар хил турдаги таққослаш таҳлиллари ўтказилиши қўшимча рискларни намойиш қилиш ва баҳолаш учун хизмат қилиши лозим.

Асосий риск кўрсаткичларини бошқаришдаги мониторинг жараёни кейинги босқичларга ўтишдан олдин мониторинг натижалари рисклар профилидаги барча муҳим ўзгаришларни аниқ тушунтириш ва хулосалар билан олишини таъминлаши керак.

Асосий риск кўрсаткичларини бошқаришдаги лимитларни бошқариш жараёни барча мумкин бўлган бузилишларни аниқ тушунтириш ва хулоса чиқариш билан аниқланиши, асосий риск кўрсаткичлари ижрочилари, Рискларни бошқариш бўлинмаси ва Бошқарув гуруҳи томонидан ҳал қилиниши керак.

1.3. Банк рискларини бошқаришнинг зарурлиги

Банк рискларини бошқариш банк бошқарувининг ажралмас қисми сифатида ҳар бир банк операциясида юзага келадиган рискларни бошқаришни назарда тутди. Банк рискларини бошқаришни тизим сифатида қараш мақсадга мувофиқ, чунки рискларни бошқариш ўзаро бир-бири билан боғланган бир қанча унсурларни ўз ичига олади.

Банк рискинни бошқариш тизими рискни юзага келиши олдиндан хомчўт қилиш, риск туфайли юзага келадиган ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади³⁴. Бундан кўриниб турибдики, банк рискларини бошқариш бир қанча босқичларда амалга оширилади.

³⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: «Молия», 2002. 304 б.



1.3-расм. Рискни бошқариш жараёни бошқичлари³⁵

Ш.З.Абдуллаева томонидан таклиф этилган банк рискларини бошқариш бошқичларида рискни идентификациялашдан бошлаб уни таҳлил қилиш, баҳолаш, қарорларни қабул қилиш, таъсир қилиш усуллари, қўлланилган чоратadbирларнинг натижаларини ўрганиш ва шу каби бошқа бошқичлар кўриб ўтилган.

Хориж банк амалиётида банк рискларини бошқаришда самарали қўлланиб келинаётган рискни олдини олиш, рискни меъёрлаш, рискни диверсификациялаш ва рискдан ҳимояланиш каби усуллари³⁶ мавжуд.

Фикримизча, банк рискларини бошқаришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- рискларни идентификация қилиш;
- рискларни баҳолаш ва ўлчаш;
- рискларнинг таъсирини баҳолаш ва ўлчаш;

³⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: «Молия», 2002. 304 б.

³⁶ Нафасов Д.Б."Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, -Т.: 2017, 49 б.

- рискни бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш;
- рискларни назорат қилиш;
- рисклар мониторингини олиб бориш;
- рисклар таъсирини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича чоралар қўллаш.

Бу усуллар банк рискларининг барча турларини бошқариш имконини беради, лекин ҳар бир босқичда рискни аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришда риск хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш лозим бўлади.



1.4-расм. Банк рискларини бошқаришнинг мақсад ва вазифалари³⁷

Банк рискларини бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

рискларни бошқариш усуллари ва процедураларига ягона стандартлаштирилган ёндашув асосида банк фаолиятини бошқариш ва такомиллаштириш элементи сифатида рискларни бошқаришнинг интеграциялашган жараёнини яратиш; банкда рискларни бошқаришнинг самарали комплекс тизимини яратиш; илғор халқаро амалиёт ва стандартлардан фойдаланган ҳолда шу жумладан рискларни бошқариш тизимини Базель II ва Базель III стандартларига яқинлаштириш;

банк рискларини мониторинг қилиш тизимини ва унинг алоҳида бизнес-жараёнларини шакллантириш, бу эса рискларни жорий назорат қилиш имконини беради; Банк Бошқаруви органларига банк фаолиятида риск

³⁷ Муаллиф томонидан тайёрланган

даражаси тўғрисида ўз вақтида ахборот бериш; инқирозли вазиятларнинг олдини олиш ҳамда инқироз юзага келган тақдирда банкнинг нормал ишлашини таъминлаш; барча даражаларда ва банкнинг барча бизнес-жараёнлари доирасида рискларни бошқариш тизимининг ишлашини комплекс мониторинг қилиш.

Банк рискларини бошқариш тизими қуйидаги принципларга асосланади:
тизимлик принципи - барча турдаги рискларни бошқариш барча фаолият йўналишлари ва жараёнларида, Банк Бошқарувининг барча даражаларида амалга оширилади;

интеграция - Банкнинг ҳар бир ходими ўз вазифаларидан бири сифатида ўз ваколатлари, билимлари ва мавжуд ахборотлари доирасида рискларни бошқаришни кўради. Рискларни бошқариш жараёни Банкнинг бизнес жараёнларига интеграциялашган ва “учта ҳимоя чизиги” ни таъминлаш орқали Банк Бошқаруви органлари томонидан рискларни комплекс ўрганишни таъминлайди;

рискларни қабул қилиш (1-ҳимоя чизиги)- рискларни тўғридан-тўғри тайёрлаш ва амалга ошириш, идентификациялаш ва баҳолаш жараёнларида, шунингдек, рискларни мониторинг қилишда, уларни бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатларнинг талабларини билиш ва уларга риоя қилиш, операцияларни амалга оширишда риск даражасини ҳисобга олиш лозим;

рискларни бошқариш (2-ҳимоя чизиги) – Банкнинг риск менежмент бўлинмаси рискларни бошқариш механизмларини, методологиясини ишлаб чиқади, баҳолашни амалга оширади ва риск даражасини мониторинг қилади, рисклар бўйича ҳисоботларни тузади, банкнинг риск даражасини текширади, маслаҳатлар беради, моделлаштиради ва умумий профилини тўплайди, иқтисодий капиталга бўлган талаб миқдорини ҳисоблайди.

ички аудит (3-ҳимоя чизиги) - *ички аудит хизмати* мавжуд рискларни бошқариш жараёнлари сифатини мустақил баҳолашни амалга оширади, бузилишларни аниқлайди ва рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

хабардорлик – рискларни бошқариш объектив, ишончли ва долзарб маълумотларнинг мавжудлиги билан бирга бўлиши керак. Ҳар қандай операцияни бажариш тўғрисида қарор қабул қилиш фақат рискларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашдан сўнг амалга оширилади;

ўз вақтида – рискларни бошқариш тизими, рискларни бошқариш тизимининг муҳим танқидий камчиликлари тўғрисида ахборотнинг ўз вақтида тўлақонли ва ишончилигини таъминлайди;

узлуксизлик – рискларни бошқариш жараёни доимий равишда амалга оширилиши ва операцияларни назорат қилишни ўз ичига олади;

мустақиллик – Рискларни бошқариш бўлинмаси банк операцияларини амалга оширадиган бўлинмаларидан мустақил бўлиб, банк ўз бизнес мақсадларига эришиш учун зарур бўлган рискларни бошқариш тизими ва жараёнларини амалга оширадиган асосий бўлинма ҳисобланади;

актуаллик – рискларни бошқариш жараёни стратегик вазифаларни, ички ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда барча рискларни бошқариш воситаларини, шу жумладан стандартлар ва методларни, ахборот тизимларини доимий такомиллаштиришни талаб қилади ва ташқи муҳит, халқаро амалиётларда инновациялар ва рискларни бошқариш стандартларини ўз ичига олади;

ишлаб чиқариш – рискларни бошқариш жараёни замонавий ахборот технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, уларни ўз вақтида аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, бошқариш имконини беради ва таваккалчиликларни назорат қилади;

циклилик – рискларни бошқариш жараёни унинг асосий таркибий қисмларини амалга оширишнинг доимий такрорланадиган давридир.

ваколатларни тақсимлаш – операцияларни амалга ошириш, рискларни бошқариш ва ҳисобга олиш учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар ва ходимларни ташкилий ажратишдан иборат;

қарор қабул қилиш даражасининг риск даражасига мувофиқлиги – битимлар/лимитларини тасдиқлаш бўйича даражаси битимлар/лимитлар ҳажмига ва қабул қилинган риск даражасига қараб белгиланади;

қабул қилинадиган риск даражасини чеклаш – барча операциялар Банк Бошқаруви органлари ёки коллегиял ишчи органларнинг алоҳида қарорлари доирасида амалга оширилиши керак.

Банк рискинни бошқаришда объект ва субъект бўлади. Бошқарув объекти албатта банк рисклари ҳисобланади. Бошқарув субъекти банк рискларини бошқаришда иштирок этаётган бошқарув органлари, кўмиталар ва таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Банкда рискларни бошқаришда банкнинг бошқарув органлари, кўмиталар ва таркибий бўлинмалари томонидан қуйидаги вазифалар бажарилиши рискларни олиншига ва камайтирилишига хизмат қилади.

1. Банк Кенгаши:

рискларни бошқариш соҳасида Банк сиёсатини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш шарт-шароитларини таъминлаш;

банк рискларини бошқаришнинг асосий тамойилларини белгилаш ва ҳар йили Банк Бошқаруви томонидан тақдим этилган рискларни баҳолаш/бошқариш тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш;

белгиланган мақсадларга эришишга таъсир қиладиган рискларни баҳолаш ва ўзгарувчан шароитларга жавоб берадиган чоралар кўриш ишларини ташкил этиш ҳамда Банк рискларини баҳолаш самарадорлигини таъминлаш шартларини яратиш;

самарадорликни назорат қилиш ва яхшироқ аниқлаш учун Банкнинг ички назорат тизимини ташкил этишни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш ва янги ёки олдиндан назорат қилинмаган банк рискларини мониторинг қилиш;

банкнинг молиявий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашган тақдирда молиявий барқарорликни тиклаш режаларини, фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлашга ёки банк фаолиятини тиклашга қаратилган ҳаракатлар режаларини ва ностандарт ҳамда фавқулодда вазиятларда режаларини ишлаб чиқади.

2. Банк Кенгашининг Рискларни назорат қилиш кўмитаси:

Қўмита Банк Бошқаруви органи ҳисобланмайди ва Банк Кенгашининг маслаҳат органи ҳисобланади. Ўз фаолияти доирасида Қўмита:

Банк Кенгашининг самарали назоратини таъминлашда рискларни бошқариш тизими фаолияти устидан тавсиялар бериш ва кўмаклашиш;

Банкнинг молиявий rischi кредит, валюта, фоиз, бозор ва операцион рискларга тегишли қўмиталар, идораларнинг таклифларини кўриб чиқади ва рискларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар бериш;

таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича Банк чоратадбирларини тасдиқлаш;

рискларни камайтириш учун банклараро чегараларни белгилаш бўйича ва муайян ўзгаришларни амалга ошириш (янги хизматлар ва воситалар, янги бозорлар) билан банкнинг умумий фаолиятида потенциал риск билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқиш;

Базел Қўмитасининг банк назорати талабларига мувофиқ рискларни баҳолаш методларини Банк томонидан босқичма-босқич жорий этилишини назорат қилиш;

Банк фаолиятида юзага келадиган молиявий рискларни минималлаштириш бўйича Банк Кенгаши учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

3. Банк Бошқаруви:

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини амалга ошириш йўллари потенциал рискларни турларини ва даражасини инобатга олган ҳолда белгилаш;

рискларни бошқариш соҳасида Банк сиёсатини самарали амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлайди, рискларни бошқариш жараёнини ташкил қилади, рискларни бошқариш учун масъул бўлинмаларни белгилаш;

кредит таваккалчилигининг консолидацияланган чегараларини белгилайди (молиявий бозорларда операцияларни амалга ошириш учун сублимитларни ҳисобга олган ҳолда) берилган ваколатлар билан чегараларни қайта тақсимлашни амалга ошириш;

4. Риск Бош директор (CRO):

Банкнинг асосий рискларини бартараф этиш ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш учун рискларни камайтириш чораларини ишлаб чиқишда риск эгалари билан ҳамкорлик қилиш;

Банк Бошқарув Раиси ва Банк Бошқаруви органларига капитал ва ресурсларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам бериш;

коллегиал ишчи органлар томонидан турли хил рискларни бошқаришда, жумладан капиталнинг етарлилиги, кредит таваккалчилиги, бозор таваккалчилиги, операцион риск, обрў-эътибор таваккалчилиги, ликвидлик рискларни баҳолашда ва қарорлар қабул қилишда иштирок этади;

Банк Бошқарувининг стратегик режалаштириш жараёнида рискларни бошқаришни интеграциялашда ёрдам бериш;

бизнесни режалаштиришда ва инвестицион қарорларни қабул қилишда мустақил “юқоридан пастга” қарашни таъминлаш;

Ички аудит хизмат ва Бош молиявий директор (CFO) билан биргаликда рискларни бошқариш ва уларни молиялаштиришда ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш;

рискларни бошқариш, ички назорат, Қонунчилик ва маъмурий қоидаларга риоя қилиш, ички меъёрий ҳужжатлар ва инсофсиз ҳаракатлар фактларини текшириш амалиётини жорий этишни доимий мониторинг қилиш учун Ички назорат бўлинмаси раҳбари билан ишлаш;

ҳалқаро стандартлар ва илғор амалиётларга мувофиқ умумий ташкилий тузилма ва рискларни бошқариш тизимини жорий этиш.

5. Кредит қўмитаси:

Банк мижозлари билан кредит ажратиш ва кредит таваккалчилигига эга бўлган бошқа операцияларни ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Банкнинг кредит портфели мониторинг натижалари сифатини кўриб чиқишни амалга ошириш;

Берилган ваколатга мувофиқ Бошқарув томонидан контрагентлар учун белгиланган лимитларда кредит таваккалчилиги сублимитларини белгилайди ва кредит риск сублимитларини қайта тақсимлашни амалга ошириш;

Кредит қарорларини қабул қилиш ваколати берилганлиги тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш;

муаммоли активлар билан ишлаш усулларини ва мақсадларини белгилаш.

6. Филиалларнинг кредит комиссиялари:

Банк Бошқаруви томонидан белгиланган лимитлар доирасида кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Банк Бошқаруви томонидан белгиланган лимитлар доирасида кредит рискларини бошқариш.

7. Банк Бошқарувининг активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси (КУАП):

Банкнинг активлари ва мажбуриятларини бошқариш, ликвидлик ва бозор рискларининг мақбул даражаси сақланган ҳолда банкнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ресурсларни рискларсиз нархини белгилаш; Банкнинг бозор, шу жумладан валюта, фоиз ва фонд рискларини бошқаришни амалга ошириш;

Банкнинг ликвидлик таваккалчилигини бошқариш;

белгиланган талаблар ва чекловлар доирасида Банкнинг тузилиши ва капиталнинг етарлилигини бошқариш;

Банкнинг молия бозоридаги операциялари учун бозор рискларини белгилаш;

Банкнинг молиявий бозорлардаги операциялари ва бозор рисклари лимити қўлланилишини назорат қилиш;

Танланган риск гуруҳларини бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан валюта, фоиз ва фонд рискларни, шунингдек ликвидлик рискларини кўриб чиқиш.

8. Рискларни бошқариш бўлинмаси:

қабул қилинган кредит, бозор, операцион ва бошқа рискларни таҳлил қилади ва баҳолайди, ушбу рискларни бошқариш тартибини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

банкнинг рискни бошқариш тизимини, шу жумладан хавфларни аниқлаш жараёнларини, риск даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни, рискларни баҳолаш моделлари ва процедураларини, рискларни бошқариш жараёнлари ва воситалари (технологик регламентлар, рискларни тақсимлаш ваколати тизимлари, лимит тизимлари, воситалар)ни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

банк рискларини бошқариш тизимига оид ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; рискларни бошқариш билан боғлиқ масалалар бўйича банкнинг ички меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш;

Банкнинг Бошқарув органлари томонидан Риск менежмент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорларни қабул қилиш жараёнига таҳлилий ва маслаҳат ёрдамини тақдим этади (таркибий бўлинмалар томонидан Банк Бошқарув органларига тақдим этилган масалаларни экспертизадан ўтказиш, хавфларни бошқариш эгалари томонидан яратилган материалларни тасдиқлаш);

банкнинг рискларини бошқариш тизимини ташхис қилишни (риск аудити, ўзини баҳолаш) ўтказди ва илғор халқаро тажриба ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

рискларнинг айрим турларини минималлаштириш бўйича ҳаракатлар режаларини, риск эгалари билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

рискларни бошқаришни автоматлаштириш тизимини шакллантириш бўйича техник топшириқларни бериш ва бажарилишини назорат қилиш;

9. Банкнинг таркибий бўлинмалари:

Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ рискларни идентификация қилиш, уларнинг бўлинмаларига берилган функциялар доирасида уларни баҳолаш;

Риск менежмент бўлинмаси билан биргаликда рискларни минималлаштириш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Риск менежмент бўлинмасига риск тўғрисида банкни ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ маълумот тақдим этиб бориш;

Риск менежмент бўлинмасига рискларни бошқариш бўйича тадбирларни амалга оширишда ёрдам бериш.

10. Ички аудит хизмати ички назорат тизимининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ваколатларга ва мажбуриятларга эга:

Кредит рискларини бошқаришда банк қонунчилиги доирасида бажарилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлигини текшириш;

рискларни бошқариш тизимини кузатади ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

Банк рискларни баҳолаш методологияси ва рискларни бошқариш жараёнларининг тўлиқлиги ва самарадорлигини текшириш;

рискларни бошқариш фаолияти йўналишларини белгиланган тартибларга мувофиқлигини текшириш;

Банк Бошқарувини юқорида кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари, шунингдек аниқланган муаммолар, рисклар, қоидабузарлик ва камчиликлар тўғрисида ҳабардор қилиш.

11. Ички назорат бўлинмаси қуйидагиларни амалга оширади:

Банк томонидан жорий этилган янги банк маҳсулотлари, хизматлари ва режалаштирилган усулларини таҳлил қилади, тартибга солади ҳамда рискни аниқлаб, мониторингни амалга ошириш;

ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва тартибга солувчи рискларни бошқаришга қаратилган тадбирларни ташкиллаштиришда қатнашиш;

банк рискларини бошқариш ва назорат қилиш соҳасидаги ички меъёрий ҳужжатлар талабларига ва улар томонидан кўзда тутилган тартибларга риоя этилишини назорат қилиш.

Фикримизча, рискларни бошқариш жараёни учта йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим:

биринчи йўналиш – кредит бериш учун жавобгар бўлган банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари, кредитлаш жараёнини тўғри расмийлаштирилишида керак бўлган ҳужжатлар таркибини белгилайдиган ва назорат қилувчи бўлинмалар, минтақавий ва қуйи филиалларнинг кредит комиссиялари ҳамда кредит қўмитаси қуйидаги мажбуриятларга эга: рискларни аниқлаш ва баҳолашда бевосита иштирок этиш; кредит рискинни баҳолаш учун ички меъёрий ҳужжатлар талабларини билиш ва уларга риоя қилиш, операциялар пайтида рискларни ҳисоблашда қатнашиш; миқдорнинг кредит буюртмаларини кўриб чиқиш ва қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ кредит ҳужжатларини тайёрлашни назорат қилиш; кредит рискларини ўрганиш ва баҳолаш; дастлабки мониторинг ўтказиш; кредитларни тасдиқлаш ёки рад этиш; Банкда кредит рискининг ягона маълумотлар базаси мавжуд бўлган тақдирда тегишли дастурлар орқали маълумотларни киритиш; кредит рискинни бошқариш, таркибий бўлинмалар томонидан юборилган буюртмаларни масъулиятли ва сифатли бажариш.

иккинчи йўналиш – Муаммоли активлар билан ишлаш бўлинмаси, Риск менежмент бўлинмаси ва Ички назорат бўлинмаси қуйидаги ваколатларга эга: рискларни бошқариш методологиясини ва баҳолаш механизмларини ишлаб чиқади, риск даражасини назорат қилади, рисклар тўғрисидаги ҳисоботларни тузади, банкнинг риск даражасини текширади, умумий риск профилини йиғади ва иқтисодий капиталга талабни ҳисоблайди; керак бўлса банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларига кредит рискинни камайтириш тўғрисида буйруқ бериш; Банк фаолиятида кредит рискларини бошқариш учун қабул қилиниши керак бўлган чоралар, талаблар ва стандартларни кўриб чиқиш учун Банк Кенгашига тақдим этиш; кредит рискинни бошқариш бўйича умумий фаолиятни мувофиқлаштиради, банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш ва иш узлуксизлигини таъминлаш; ўз ваколатлари доирасида у кредит рискларни бошқаришни тартибга солувчи ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

учинчи йўналиш – Банкнинг ички аудит хизмати кредит рискинни бошқариш бўйича қуйидаги ваколатлар ва мажбуриятларга эга: ижро этувчи органлардан ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган исталган маълумотларни сўраш, маълумотлар базаларига кириш, компьютер тизим маълумотларини олиш; жорий ва келажакдаги фаолият режалари ва дустурларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар билан таништириш ва мониторинг қилиш; мавжуд бўлган тизимлар, жараёнлар, стандартлар, иш юритиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифларни Банк Кенгашининг Рискларни назорат қилиш қўмитасига етказиш, шунингдек ҳар қандай масалалар бўйича тушунтириш бериш; белгиланган тартибда текширишлар ва бошқа вазифаларни бажариш учун банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари ходимларини жалб қилиш; ҳар қандай активларга, ҳужжатларга, бухгалтерия ёзувларига ва бошқа маълумотларга (электрон шаклда) тўсиқсиз киришни сўраш ва олиш; текширилаётган объектларнинг хизмат хоналарига эркин кириш; Инспекциялар ва бошқа назорат текширишлари доирасида ходимлар билан суҳбатлар ўтказиш; белгиланган тартибда ички аудит мақсадлари учун ахборот ресурсларининг дастурий таъминот базасидан фойдаланиш; аудитнинг бир қисми сифатида, мавжуд ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда кредит портфелининг тўлиқ ёки қисман инвентаризациясини талаб қилиш; аудит пайтида ўрганиш ва баҳолаш учун сўралган барча тегишли маълумотлар ва ҳужжатларни Ички аудит хизмати раҳбарига юбориш; текширув ўтказиладиган филиал ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш ҳамда уларга ёрдам бериш.

Ваколатларнинг тақсимланиши ва қарорларни қабул қилиш тизими риск менежмент тизимини тўғри ишлашини таъминлайди. Қарор қабул қилиш ва ваколат даражаси риск даражасига мос келиши керак.

Банк фавқулодда, аммо эҳтимолий воқеаларга мос келадиган салбий сценарийларни амалга ошириш натижасида етказилиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун, талаб қилинадиган капитал миқдорини аниқлаш мақсадида стресс-тестдан ўтказиб бориши лозим.

Рискларни бошқариш тизимининг ҳар бир даражаси учун қарор қабул қилиш чегараси мавжуд бўлиб, агар бу чегарадан ортганда юқори бошқарув органига тақдим этиш. Шу нуқтаи назардан рискларни бошқаришда банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларига тегишли вазифаларни бириктириш лозим.

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси раҳбари банкнинг актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси азоси бўлиши лозим.

Банқда банк рисклари тўғрисида консолидацияланган ҳисоботни тузиш ва рисклар юзага келишида аниқланган ҳодисалар юзасидан келиб чиққан зарарлар тўғрисида маълумотларни Банк кенгашига тақдим этиб бориш зарур.

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси банк рискларини аниқлаб уларни бошқариш, баҳолаш ва таҳлил қилиш, риск эгаларига уларнинг даражасига берилган рискларни аниқлаш, бошқариш ва баҳолаш бўйича услубий ва маслаҳат ёрдамини тақдим этиш, банкнинг иқтисодий капиталида кутилаётган эҳтиёжларни баҳолаш, банкнинг рисклар реестрини шакллантириш ва юритиш.

Банк рискларини бошқаришда риск аппетити ва лимитлар жадвалига қаттиқ риоя қилиш, риск маданиятини ривожлантириш ҳамда риск менежмент функциясига 100 % мустақиллик яратиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Риск менежменти бўлинмаси ходимларининг мукофот пуллари банкнинг даромад келтирувчи бўлимларидан фарқли ўлароқ, банкнинг бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиш ҳолатига боғлиқ бўлмаслиги лозим.

Риск реестри тизимини ташкил қилиш ва ҳар бир рискларни унда киритиб бориш, алоқадор риск лимитлари ва аппетитига боғлаш лозим бўлади.

Банк рискларини бошқариш бўлинмасининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида ушбу бўлинма банк бошқарувига эмас, тўғридан- тўғри Банк кенгашига бўйсунити мақсадга мувофиқ.

Албатта ушбуларга амал қилиш банк рискларини бошқаришда маълум бир ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ

2.1. Тижорат банкларида ликвидлик рисклари таҳлили ва уларни бошқариш

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар ва банк гуруҳлари ҳисоблаб чиқариш тартиби ва йўл қўйиладиган қийматлари Марказий банк томонидан белгиланадиган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт³⁸лиги белгиланганлиги ҳамда ушбу пруденциал нормативлардан бири ликвидлик коэффициентлари эканлиги банкларда ликвидликни таъминлашнинг ишончли тизимини йўлга қўйиш зарурлигини белгилайди.

Банклар ликвидлик таваккалчилигини мониторинг ва назорат қилиш мақсадида кўзда тутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган кирим ва чиқим маблағларини, шу жумладан форвард-битимлар, репо операциялари, ижрога олинган кафолатлар, девальвацияланган аккредитивлар, молиявий ҳолати қониқарсиз бўлган қарздорларга берилган аккредитивлар ва кафолатларни ҳисобга олишлари лозим³⁹.

Банклар кредит rischi, фоиз ставкаси ва операцион рисклар каби кўплаб рискларга дуч келмоқдалар. Ушбу рисклар ликвидлик rischi кўринишида акс этади⁴⁰.

Ушбу ҳолатлар банкларда ликвидлик рискларини таҳлил қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, олдини олиш ва бошқариш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Марказий банк ликвидлик riskини – банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида банкда

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (05.11.2019йил ЎРҚ-580-сон)

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2709-сонли низом. 2015 йил 13 август

⁴⁰ Brunnermeier, M. K. & Y, Motohiro. (2009). A note on liquidity risk management. American Economic Review, 99(2): 578-583

юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик. Банкнинг ликвидлилик таваккалчилиги асосан, актив ва пассивларнинг сўндирилиш муддатларининг ўзаро номувофиқлиги оқибатида юзага келиши⁴¹да деб кўради.

Профессор Ю.Ю.Русанов ликвидлик рискени банк томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки активларнинг талаб қилинадиган ўсишини таъминлай олмаслик риски⁴² билан боғлайди. Ушбу иқтисодчи олим банк нафақат тўлов қобилиятини йўқотиш, балким унинг натижасида банкнинг бизнес режа кўрсаткичларига эриша олмаслик билан боғлайди.

Rose P.S “ликвидлик хавфи – бу банкнинг ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун етарли миқдордаги нақд пул ёки қарз маблағларига эга бўлмаслиги эҳтимоли.”⁴³ деб таърифлайди. Ушбу олим бирламчи мажбуриятларини ўз маблағидан ташқари кўшимча қарз маблағларини жалб қилиш орқали қоплай олмаслик рискени билан боғлайди.

Профессор Смирнов А.Д. Пулнинг мақбул даражасидан сезиларли даражада четга чиқиши, активлар ва пассивларнинг энг яхши комбинациясининг бузилиши, салбий оқибатларни келтириб чиқаради: ликвидлик етишмаслиги ва ликвидлик инқирози ёки кредит кенгайиши молия тизимининг тўлиқ бузилиши билан яқунланади⁴⁴.

Дедова М.С., Малахов Д.И., Пильник Н.П. “Банк муассасаларининг ишлаш қобилиятига путур етказадиган асосий таҳдидлар орасида тўлов қобилиятининг йўқолиш хавфи мавжудлиги – бу банк баланси активларининг уларнинг бозор қийматига мувофиқ пассивлар билан таққослаганда етишмаслиги ва ликвидлилик етишмаслиги – бу жорий талабларни

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликлари бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

⁴² Rusanov Yu. Yu. Bank risk-management: theoretical problems and practice of formation and development in Russia. Moscow, 2005

⁴³ Rose P.S. Bank management. Moscow: Delo Ltd., 2007

⁴⁴ Смирнов А.Д. “Оптимальная ликвидность и безрисковый портфель активов” Экономический журнал ВШЭ 2021 Т. 25 № 2. С. 196–226

қондиришга пул маблағлари ва қисқа муддатли активларнинг етишмасилиги” деб ликвидлилик тўғрисида фикр юритган⁴⁵.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим О.Сагтаров “банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келгуси мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича миқдорлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндисидир⁴⁶” деб таъриф берган.

Банк ликвидлиги – бу банк томонидан ўзининг жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича миқдорларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан ликвид маблағларни жалб қила олиш қобилиятларининг йиғиндисидир⁴⁷. Б.Бердияров банк ликвидлигини мажбуриятларни бажариш учун етарли маблағ мавжудлиги билан тавсифлайди.

Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик rischi икки ҳолатда, яъни банкнинг вакиллик ҳисоб рақамларида ортиқча пул маблағларининг тўпланиб қолиши ва унинг вакиллик ҳисоб рақамларида пул маблағларининг етмай қолишида намоён бўлади⁴⁸. С.Гадоев ликвидлилик riskини асосан тўловларни амалга ошириш учун вакиллик ҳисоб варағида маблағ мавжудлиги билан тавсифлайди.

Банк ликвидлиги банк фаолиятига миқдорий баҳо ва сифатий тавсиф берувчи кўрсаткич бўлиб, зарур пайтда молия бозоридан ликвидли маблағларни арзон нархларда депозитларга жалб қилиш, активлар ўсишини ресурслар билан таъминлаш, банк riskларини камайтириш, юқори ликвидли ва ликвидли активлар ҳажмини мақбул даражада мустаҳкамлаш, муддати келган барча реал ва шартли мажбуриятларни ўз вақтида ва келгусида

⁴⁵ Дедова М.С., Малахов Д.И., Пильник Н.П. “Измерение риска ликвидности системы кредитных организаций на примере банковской системы России” Вестник СПбГУ. Экономика. 2017. Т. 33. Вып. 1

⁴⁶ Сагтаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. –Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2010. – 112 б.

⁴⁷ Бердияров Б.Т. Халқаро талаблар асосида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш. Молия ва банк иши электрон илмий журнали 2-сон. январь, 2016. 11-22 б.


⁴⁸ Гадоев С.Ж. “Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришни такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, -Т.: 2020, 52 б.

йўқотишларсиз, тўлиқ бажариш имкониятидир⁴⁹. Ушбу орқали А.Абдуллаев банк ликвидлиги банк мажбуриятларини бажариш, шунингдек, банк фаолиятига баҳо бериш имкони беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ликвидлилик rischi деб мажбуриятларни муддатида бажара олмаслик натижасида жорий ёки прогноз қилинаётган молиявий ҳолатга ва барқарорликка нисбатан юзага келадиган riskка айтилади.

Ликвидлилик rischi бозор шароитидаги ўзгаришларни тан олмаслиги ёки уларни ҳисобга олмаслиги банкнинг ўз активларини тезда ва минимал йўқотишлар билан пул маблағларига айлантириш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиш оқибатида ҳам юзага келади.

Ликвидлилик riskини бошқаришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:



2.1-расм. Ликвидлилик riskини бошқаришнинг асосий йўллари⁵⁰

Ликвидлиликни самарали бошқариш қуйидаги элементларни ўз ичига олади: операцион ликвидликни бошқариш, фавқулодда ликвидликни бошқариш.

Операцион ликвидликни бошқариш: доимий равишда, банкнинг маблағга жорий ва келгусида кутилаётган талабини баҳолаш ва керак бўлган

⁴⁹ Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш. мавзусидаги иқтисодий фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати – Т.: 2018. – 74 б.

⁵⁰ Муаллиф томонидан тайёрланган

вақтда шу талабларни қондириш учун етарли миқдорда пул маблағлари ёки шундай маблағларни қўлга киритиш мумкинлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Фавқулодда ликвидликни бошқариш: кундалик операцияларда юз бериши мумкин бўлган кам эҳтимолли ва юқори таъсирли ҳодисалардан бошлаб, кам учраса-да банкнинг хавфсизлиги ва бардошлилигини сезиларли даражада камайтириши мумкин бўлган, юқори эҳтимолли ва кам таъсирли ҳодисалар юз бериши натижасида туғиладиган қутилмаган пул оқими талабларини қондириш учун етарлича “ёстиқ” яратиш.

Банк томонидан ликвидлик рискинни ўлчаш ва бошқариш учун фойдаланиладиган воситалар булар – ликвидлик рискиннинг умумий даражаси, ликвидлик рискиннинг асосий кўрсаткичлари, йирик миқдордаги кирим ва чиқим пул оқимлари, йирик қарз олувчилар ва депозиторлар, муддатидан олдин кредитларни қайтариб олиш ва қайтариб бериш, барқарор депозитлар ва ўзгарувчан ресурсларнинг ҳаракати ликвидлик инқирози аломатларидир.

2.1-жадвал

Риск аппетити орқали амалга ошириладиган ликвидлик рискинни бошқариш стратегияси ва риск аппетитининг бардошлилик даражаси⁵¹

Кўрсаткичлар	Риск стратегияси	Риск ўлчови
Лаҳзали ликвидлик	Пул оқими бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланишини ва талаб қилинган вақт учун тўлиқ миқдорни таъминлаш	юқори ликвид активларнинг талаб қилиб олинганча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади
Ликвидликни ўзгариши	Жалб қилинган маблағлар ҳамда жойлаштириладиган активлар муддатини мувофиқлаштириш	Статик ва динамик ГЭП таҳлилинини ўтказиш орқали аниқланади.
Ликвидликни қоплаш	Юқори ликвидли активларнинг нобарқарор маблағлар чиқиш эҳтимоли миқдорига ҳамда кейинги 30 кун ичидаги жами соф	Марказий банкнинг ликвидлик коэффициенти (Юқори ликвидли активлар+30 кунда муддати келадиган активлар / нобарқарор

⁵¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

Кўрсаткичлар	Риск стратегияси	Риск ўлчови
	чиқимга нисбатини мақбул даражада таъминлаш	маблағларнинг маълум миқдори +30 кунда муддати келадиган мажбуриятлар)
Пруденциал нисбатлар	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати тенглигини таъминлаш	Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси/барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси
Ликвидли активларнинг мезони	Ликвидли активларнинг миқдори мақбул миқдорга тенг эканлигига ишонч ҳосил қилиш	Ликвидли активлар коэффиценти (Юқори ликвид активлар/жами активлари)
Ликвидлилик буфери	Мавжуд ва қутилмаган иш шароитларига нисбатан етарли ликвидлилик буферини сақлаш	Нақд пул буфери (кассадаги нақд пуллар ва Марказий банкдаги маблағлар)

Ликвидлилик танқислигини келтириб чиқариши мумкин бўлган асосий операциялар – хусусан, талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобидан кредитлаш, кредитларни ресурс муддатларидан узоқ муддатга ажратиш, депозит ва кредитлар “концентрация” бўлиши юқори ликвидли активларнинг меъёрида бўлмаслиги каби ҳолатлар.

Биз қуйида “А” банка мисолида банкнинг активлари ва мажбуриятларининг муддатлари мутаносиблигини ГЭП таҳлилидан ўтказамиз.

2.2-жадвал

Активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари мутаносиблиги бўйича ГЭП таҳлили⁵²

Кўрсаткичлар	Муддат-сиз	1–7 кун	8–30 кун	31–90 кун	91–180 кун	181–365 кун	366–730 кун	2 йил <
Актив	6 401	103	1 059	2 484	4 093	5 110	7 267	22 369
Мажбурият	2 891	1 089	633	2 392	2 614	4 828	3 263	20 293
Даврий ГЭП	3 510	-987	426	92	1 479	282	4 004	2 076
Кумулятив ГЭП	3 510	2 524	2 950	3 042	4 520	4 802	8 806	10 882

Мазкур жадвалдаги муддатсиз активларга банкнинг юқори ликвидли активлари олинган. Мажбуриятига эса жами муддатсиз мажбуриятларнинг 50

⁵² Муаллиф томонидан тайёрланган

фоизи олинган. Даврий ГЭП актив ва мажбуриятларнинг айирмаси бўлса, кумулятив ГЭП даврий гэплар йиғиндиси ҳисобланади. Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, даврий манфий фарқ 1–7 кун оралиғида кузатилган. Бироқ юқори ликвидли активлар ҳисобига қопланиши натижасида юзага келадиган ликвидлилик тақчиллиги қопланган. Хулоса қилишимиз мумкинки, мазкур банкда деяри баланслашмаган ликвидлилик rischi мавжуд эмас. Бироқ муддатлари бўйича активларнинг мажбуриятларга нибатан кўплиги фоиз рикини келтириб чиқариши мумкин.

Ликвидлилик танқислиги ҳолати учун банк банк ҳисобварақларидаги мавжуд маблағларни сафарбар қилиш, қисқа муддатли валютада конвертацияни амалга ошириш, банклараро бозор ва Марказий банкнинг қарз маблағларини (таъминланган ва таъминланмаган ҳолда) жалб қилиш, катта пул чиқимларини кечиктириш (агар иложи бўлса 1-2 кун) каби чораларни амалга ошириш лозим.

Агар ушбу ҳаракатлар самарасиз бўлса, банк қарзларни қисқартириш ва фаол қарздорликни кўриб чиқиш юзасидан қуйидагиларни амалга оширади:

кредит маблағлари ажратиш ҳажмини камайтириш, омонатларни жалб қилиш бўйича самарали ишларни амалга ошириш;

филиалларни молиялаштириш чекловларни камайтириш, қарз олувчиларга бўлган талабларни қатъийлаштириш;

омонат ва кредитларнинг фоиз ставкаларини ошириш;

захира воситаларини ишлатиш, операцион харажатларини камайтириш;

фавқулодда вазиятларни молиялаштириш режасида белгиланган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Фавқулодда вазиятларни молиялаштириш режаси (ФВМР) банкни йил давомида ликвидлилик рисклари учун қилинган стресс-тест ҳисоб-китоб тахминларига биноан молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади.

Фавқулодда вазиятларни молиялаштириш режасини ликвидлилик rischi даражасига қараб 3 даражада ишлаб чиқиш мумкин:

- 1-даража – ликвидлилик ҳолатининг ёмонлашиши;
- 2-даража – янги бозорда қарзлар олиш қийинчилиги;
- 3-даража – ликвидлилик инқироз вазияти.

1-даража. Ликвидлилик ҳолатининг ёмонлашуви

Банкда сезиларли даражада ликвидлиликнинг минимал даражадасидан тушиб кетиш эҳтимоли, қайсики ўртача жалб қилинаётган депозитларга нисбатан маблағларнинг чиқиб кетиши ёки кредитларнинг агрессив равишда берилиши билан изоҳланади.

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш учун омиллар.

Фавқулодда вазиятни ликвидлик риск аппетити коэффиценти 10 % дан пастроққа тушиши, омонат қолдиғи 1 ой ичида 10 % дан кўпроққа камайиши, энг йирик депозитор 1 ой муддат ичида банкдан маблағини олиб чиқиб кетиши, энг йирик қарздор 1 ой муддатда кредит тўловини тўламаслиги, ойлик кредит қайтиш миқдори белгиланган бюджет прогнозидан 10 % дан кўпроққа камайиши, ойлик кредит ажратилиш миқдори белгиланган бюджет прогнозидан 10 % дан кўпроққа ортиши, ойлик жами депозит жалб қилиш миқдори белгиланган бюджет прогнозидан 10 % дан кўпроққа камайиши, ойлик жами операцион харажатлар белгиланган бюджет прогнозидан 10 % дан кўпроққа ортиши каби огоҳлантириш белгилари орқали аниқлаш керак:

Чора-тадбирлар режасидан кутилаётган натижалари

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш ликвидлилик риск аппетити даражасининг минимал чегарадан барқарор тикланиши, депозитларнинг камайиши янги маблағларни жалб қилиш орқали қопланиши, йирик депозиторларни бошқа бир нечта молиялаштириш манбалари билан алмаштириши ва янги кредитлар ажратиш маблағлари миқдори янги молиялаштириш маблағлари миқдори билан мутаносиб бўлиш имконини беради.

1-даража. Чора-тадбирлар режаси⁵³

1-даража. Чора-тадбирлар режаси	
Харакат талаб этилади	Қачон
1. Биринчи даражали ҳаракатлар режаси ишга туширилганлиги ҳақида ички алоқа	Дарҳол
2. Ликвидлик ҳолатини кузатиш учун ишчи гуруҳ тузиш (мажбурий аъзолар – Бошқарув Раиси, Ғазначилик, Бухгалтерия, Рискларни бошқариш бўлинмалари, Актив ва Пассивларни бошқариш қўмитаси)	Дарҳол
3. Ликвидлик талабларига муҳтожлигини кўрсатадиган маълумотлар тайёрлаш	Дарҳол
4. Контрагентлар қарз маблағларининг фойдаланилмаган қисмини таҳлил қилиш ва қисқа муддатли молиялаштириш режаси бўйича таклифлар киритиш	Дарҳол (ҳафталик янгиланиш)
5. Кредит беришни ва депозитларни жалб қилишни диққат билан кузатиб бориш: ўсиш суръати, ой давомидаги муддатлари, бошқа келишувлар.	Дарҳол (ойлик янгиланиш)
6. Кредит портфелининг қайтарилишини назорат қилиш, катта суммадаги муддати келаётган кредитлар ва саналарига эътибор қаратиш	Кунлик
7. Нархларни ошириш ёки муддатларини қисқартириш орқали кредит ажратилишини қисқартириш ёки депозит жалб қилиш	Зарурият туғилганда
8. Ишчи гуруҳнинг кўрсатмаси билан жорий ликвидлик эҳтиёжларини қондириш учун катта операцион харажатларни кечиктиришни ўрганиб чиқиш	Ишчи гуруҳ томонидан бошқарилади
9. Ташқи алоқа - бу босқичда йўқ	мавжуд эмас

2-даража. Янги бозорда қарзлар олиш қийинчилиги

Банк қисқа муддатли мажбуриятларни кўпайтиришни ёки янги улгуржи ва чакана молиялаштиришга киришни чеклашни кутмоқда, чунки бозорда ишончли қарз олувчи сифатида банкка ишончининг йўқлиги сабабли.

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш учун омиллар

Фавқулодда вазиятни банкнинг фаолияти жиддий равишда ёмонлашиши ва ҳаммага маълум бўлиши мумкинлиги, банкда пруденциал меъёрлар ёки молиявий ковенантларни бузилиши мумкинлиги, молиялаштириш концентрацияси риск аппетити чегарасидан ошиб кетиши, контрагент лимитлар ҳажми тўлиқ ишлатилиши, камайиши ёки олиб қўйилиши мумкинлиги, омонат қолдиғи 1 ҳафта давомида 10 % дан кўпроқ камайиши мумкинлиги, энг йирик омонатчи банкни 1 ҳафта муддатда тарк этиши

⁵³ Муаллиф томонидан тайёрланган

мумкинлиги, банк муҳим операцион ҳодисаларни бошдан кечириши мумкинлиги (масалан, массив тизимларнинг бузилиши), банкка нисбатан Марказий банк пруденциал ҳаракатларни жорий қилиши мумкинлиги, банк обрўсига салбий оммавий ахборот воситалари жиддий зарар етказиши мумкинлиги, банкнинг кредит рейтинги пасайтирилиши ёки салбий кўриниш олиши мумкинлиги каби огоҳлантириш белгилари орқали аниқлаш керак.

Чора-тадбирлар режасидан кутилаётган натижалар.

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш битта қарз бериш таваккалчилиги риск аппетитининг энг паст даражасидан паст бўлиши, банк янги узоқ муддатли молиялаштиришни таъминлаш имкониятига эга бўлиши керак, чакана депозитнинг чиқиши тезда тўхтатиб қолиниши зарур ва янги пул маблағларининг кўпайиши, катта омонатчига нисбатан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши, банкка нисбатан барча эҳтиёткорлик чоралари ҳал қилиниши, нархларнинг шартлари, таъминотга бўлган талаб ва кредит рейтинги аста-секин яхшиланиши имконини беради.

2.4-жадвал

2-даража. Чора-тадбирлар режаси⁵⁴

2-даража. Чора-тадбирлар режаси	
Ҳаракат талаб этилади	Ким томонидан
1. Иккинчи даражали ҳаракатлар режаси ишга туширилганлиги ҳақида ички алоқа	Актив ва пасивларни бошқариш кўмитаси Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси
2. Ишчи гуруҳ ташкил қилиш (агар ҳали бошланмаган бўлса)	Актив ва пасивларни бошқариш кўмитаси Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси
3. 1-даражали ҳаракатлар режаси бўйича зарур бўлган барча ҳаракатларни бошлаш (агар ҳали бошланмаган бўлса)	Ишчи гуруҳ
4. Янги контрагентлар билан алтернатив улгуржи молиялаштириш манбаларини ўрганиш	Ишчи гуруҳ
5. Нархлар ва депозитор ташаббуслари орқали улгуржи молиялаштиришни кенгайтиришни рағбатлантириш	Ғазначилик бўлинмаси Ишчи гуруҳ
6. Жозибадор нархлаш ва реклама компанияси орқали чакана омонатларни жалб қилиш бўйича мақсадларни ошириш	Чакана бизнес бўлинмаси Ишчи гуруҳ

⁵⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган

2-даража. Чора-тадбирлар режаси	
Харакат талаб этилади	Ким томонидан
7. Янги молиялаштириш таъминланмагунча кредит беришни тўхтатиш имкониятини ўрганиш	Ишчи гуруҳ
8. Фавқулодда вазиятларни молиялаштириш учун бошқарув органлари ва манфаатдор томонлар билан алоқани бошлаш	Ишчи гуруҳ
9. Ички алоқа — фавқулодда маблағни молиялаштириш режасини тушунтириш учун асосий мижозлар, шериклар, рейтинг агентликлари билан учрашувлар ўтказиш	Ишчи гуруҳ
10. ОАВ баёнотларини ва ташқи алоқа стратегиясини тайёрлаш	Ишчи гуруҳ

3-даража. Ликвидликнинг инқироз ҳолати

Банк бозор фаолиятининг қисқариши, пул маблағлари қолдиқларининг камайиши, пул тушумларининг камайиши, пул оқимларининг кўпайиши ёки молия секторида молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги ёки босимига таъсир этувчи маълум бир бозор ҳодисасини кузатишни кутмоқда.

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш учун омиллар

Фавқулодда вазиятни бир ой давомида товар нархларининг 20 % дан кўпроқ пасайиши, бир ой давомида миллий валютанинг 10 % дан ортиқ қадрсизланиши, бир ой давомида 10 % дан ортиқ нархнинг тез ўсиши сарф-харажатларга қараганда камроқ жозибадор бўлиши, улгуржи бозорларда фоиз ставкаларини 300 дан ортиқ базавий пунктларга кескин кўтарилиши, пул бозоридаги операцияларнинг камайиши ва тарқалиши стандарт ҳажмининг 50 % дан ошиши, энг йирик банклар томонидан контрагентларнинг чекловларини олиб қўйиш, банкнинг бозордаги муваффақиятсизликлари, банкнинг чакана мижозлари ўртасидаги ишонч инқирози, тезкор депозитларнинг тугаши, мобилизация сустлиги, банк операцияларига янги тартибга солувчи чекловлар киритилиши каби огоҳлантириш белгилари орқали аниқлаш керак.

Чора-тадбирлар режасидан кутилаётган натижалари.

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш кредит ажратишни қисқартириш ва узоқ муддатли молиялаштириш жалб қилиш, молиялаштириш китобида қисқа муддатли ва жамланган мажбуриятларини қайтариш, заиф

саноат концентрациясини четлаб ўтиб, кредит портфелини қайта баланслаш, банк операциялари бузилишининг олдини олиш учун бизнеснинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда мижозлар, ликвидлик таъминловчи ва акциядорлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш имконини беради:

2.5-жадвал

3-даража. Чора-тадбирлар режаси⁵⁵

3-даража. Чора-тадбирлар режаси	
Ҳаракат талаб этилади	Ким томонидан
1. Учинчи даражали ҳаракатлар режаси ишга туширилганлиги ҳақида ички алоқа	Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси Банкнинг рискларни бошқариш бўлинимаси
2. Ликвидликни бошқариш бўйича инқироз гуруҳини ташкил этиш (мажбурий аъзолар – Бошқарув Раиси, Ғазначилик бўлинимаси, Актив ва пассивларни бошқариш бўлинимаси ва Риск бош директори)	Бошқарув Раиси Банкнинг рискларни бошқариш бўлинимаси
3. 1-даража ва 2-даражали ҳаракатлар режаларида талаб қилинган барча ҳаракатларни бошлаш (агар ҳали бошланмаган бўлса)	Инқироз гуруҳи
4. Ликвидликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни назорат қилиш ва АПҚ томонидан маъқуллаш	Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси
5. Стрессли ликвидлик буферидан фойдаланишнинг захира имкониятларини тартибга солиш	Ғазначилик бўлинимаси Инқироз гуруҳи
6. Йирик мижозлар, қарз берувчилар ва инвесторлар билан алоқа қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш	Корпоратив бизнес бўлинимаси Инқироз гуруҳи
7. Янги ва амалдаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш	Инқироз гуруҳи
8. Тегишли тартибга солиш органлари билан мулоқот қилиш	Инқироз гуруҳи
9. Ташқи алоқа – оммавий ахборот воситалари учун баёнотлар ва жамоатчилик билан алоқалар стратегиясини тайёрлаш ва амалга ошириш	Инқироз гуруҳи
10. Бозорнинг бузилиши учун бизнеснинг узлуксизлиги режаси бўйича талаб қилинадиган барча ишларни бошлаш	Инқироз гуруҳи Банкнинг рискларни бошқариш бўлинимаси

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинимаси Актив ва Пассивларни бошқариш Қўмитаси кўмагида чора-тадбирлар режасини амалга ошириш омилларини кузатиб боради, вазиятнинг эҳтимоллиги ва интенсивлигини таҳлил қилади, ҳаракатларни юмшатиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва

⁵⁵ Муаллиф томонидан тайёрланган

рахбариятга ҳисобот беради. Фавқулудда вазиятлар ҳолати ва чора-тадбирлар режаси бўйича мониторингни ҳар ойда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Банк одатда “нормал” шароитларда ликвидлиликни бошқаради, шу билан бирга қийин шароитларда ликвидлиликни бошқаришга тайёр бўлиши керак. Банк доимий равишда юзага келиши мумкин бўлган ликвидликка таъсир ўтказувчи омиллар ва унинг миқдорини аниқлаш, пул оқимлари, ликвидлилик ҳолати, рентабеллик ва тўлов қобилятига таъсирини таҳлил қилиш учун доимий равишда стресс-тест синовларини ўтказиб бориш лозим.

ГЭП таҳлили 2 хил бўлади, яъни статик ва динамик ГЭП. Статик ГЭПда ҳисобот кунидаги баланс маълумотларига асосан жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган мажбуриятларнинг муддатлари мутаносиблиги таҳлил қилинса, Динамик ГЭП таҳлилида келгусида яна қанча маблағ жалб қилиниши ва жойлаштириши бўйича банкнинг бизнес режа кўрсаткичлари ва прогнозлари ҳам инобатга олинади. Шу нуқтаи назардан, банк ликвидлигини бошқариш учун ушбу ГЭП таҳлилинини доимий ўтказиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ликвидлилик рискининг огоҳлантирувчи белгиларини ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин. Ташқи белгилар сирасига миллий валютанинг сезиларли даражада қадрсизланиши, Марказий банкнинг асосий фоиз ставкасини ошириш, пул бозорида фоиз ставкаларининг кескин кўтарилиши, қимматли қоғозлар бозорида нархларнинг сезиларли даражада пасайиши, қимматли қоғозлар бозорида ликвидлиликнинг йўқлиги, бошқа банкларда депозит ва омонатларнинг камайиши, банкнинг бозордаги муваффақиятсизликлари, Марказий банкнинг янги чекловчи регламенти, салбий оммавий ахборот восита нашрлари (банк ҳақида) ва ташқи операцион риск омиллари ва тизимнинг ишдан чиқиши киради.

Ички омилларга доимий лимитларни бузилиши ва чекланган буферлар, пул бозорида қарз олишнинг қийинлиги ёки мумкин эмаслиги, омонатларни ғайриоддий олиш (депозитни қайтариш ҳолати), Валюта позициясининг ёмонлашиши ва қисқа муддатли ликвидлилик даражаси, активлар сифати ёки

рентабелликнинг ёмонлашиши, кредит рейтинги пасайиши ва салбий прогноз, банкнинг обрўсига путур етказадиган бизнесдаги узилишлар, банк обрўсига путур етказадиган корпоратив ҳаракатлар, Марказий банк томонидан банк операцияларининг чекланиши киради.

Мазкур белгилар банкларнинг доимий эътибор марказида бўлиши юзага келиши мумкин бўлган ликвидлилик рискларини барвақт аниқлаш имконини беради.

2.2. Банкларда фоиз рискларни баҳолаш ва бошқариш

Фоиз rischi банк рисклари тизимида алоҳида ўрин тутади. Фоиз ставкаси рискнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у банк маҳсулотларининг кенг доирасига (масалан, кредит, қимматли қоғозлар, депозитлар) хосдир. Фоиз rischi банк фаолиятининг асосий операциялари билан чамбарчас боғлиқдир, банк ресурсларни жалб қилиш орқали уларга ҳақни фоиз кўринида тўлайди, худди шундай ресурсларни жойлаштирганда ҳам фоиз кўринишида ҳақ олади.

Фоиз rischi фоиз ставкаларининг ўзгариши ҳисобига юзага келиб, банкнинг молиявий ҳолатига таъсир қиладиган рискдир.

“Фоиз rischi доимий рўй берадими ёки ундан қочиш мумкинми?” деган савол туғилади. Назарий жиҳатдан мумкин, агар активлардан олинадиган даромаднинг (кредит фоиз ставкасини) муддатлари ва миқдорлари бўйича жалб қилинган маблағлар муддат ва миқдорига мос равишда баланслаштириб турилса, риск йўқолади. Аммо амалий жиҳатдан ҳар қандай вақтда барча кредитларни бундай баланслаштириб бўлмайди, банклар ҳам бундай сиёсат олиб боришга иштиёқманд эмас. Шунинг учун ҳам банклар доимо фоиз рискига дуч келишади, бу эса фоиз рискдан қочишга эмас, аксинча уни бошқариб туришга олиб келади⁵⁶.

⁵⁶ Рустамов Д.Р. “Иқтисодийни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари” “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

Республикамиз банк амалиётида сузиб юривчи фоиз ставкаларидан депозитлар ва кредитлар учун деярли ишлатилмайди, ишлатилса ҳам жуда кам миқдорда ишлатилади. Бунинг натижасида тижорат банкларининг фоиз рискига учраш хавфи кузатилади⁵⁷.

Халқаро банк амалиётида фоиз риски қуйидаги молиявий воситалар учун таҳлил қилинади: қарз қимматли қоғозлари; қарз қимматли қоғозларига айлантириш ҳуқуқига ега бўлган қимматли қоғозлар; дивидендлар миқдори аниқланган конвертация қилинмайдиган имтиёзли акциялар; фоизли даромад келтирадиган молиявий воситалар; шартномалар шартлари бўйича банкнинг тегишли талаблари ёки мажбуриятлари фоиз ставкалари асосида ҳисоблаб чиқилган битимлар⁵⁸.

Умуман банк фаолиятида юзага келадиган асосий рисклардан бири фоиз риски бўлиб, ушбу риск туридан кўриладиган йўқотиш аниқ кўзга ташланмаганлиги сабабли уларни аниқлашда мутахассислардан маълум зарурий билим ва тажриба керак бўлади. Шу сабабли фоиз рискларини баҳолаш ва бошқариш бўйича назарий ва амалий жихатдан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Базель кўмитаси фоиз рискини банк фоиз ставкаларининг салбий ҳаракатларига таъсири сифатида қарайди. Банкда фоиз риски жорий ёки истиқболда банк капитали ва даромадига фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида юзага келадиган риск ҳисобланади⁵⁹. Фоиз ставкалари ўзгарганда, келажакдаги пул оқимларининг жорий қиймати ва вақти ўзгаради. Бу ўз навбатида банк активлари, пасивлари ва балансдан ташқари воситаларининг асосий қийматини, шунинг учун унинг иқтисодий қийматини ўзгартиради. Фоиз ставкасидаги ўзгаришлар банкнинг даромадига таъсир қилади, бу эса фоизли даромад ва харажатларни ўзгартириб, банкнинг соф фоизли даромадига таъсир қилади.

⁵⁷ Бердияров Б.Т “Тижорат банклари фоиз сиёсатининг ликвидликка таъсири” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил

⁵⁸ Бобыль В.В. “Процентный риск банка: методы оценки и управление» Финансовая Аналитика: проблемы и решения 11 (245) – 2015

⁵⁹ Basel Committee on Banking Supervision Interest rate risk in the banking book Issued for comment by 11 September 2015 (www.bis.org)

Г.Ахмадеев ва Д.Шакировларнинг хулосасига кўра, тижорат банклари ҳар доим фоиз рискига дучор бўладилар, чунки банклар томонидан берилган кредитларни ҳар доим мувозанатлаштиришнинг иложи йўқ. Бу эса, фоиз рискинни бошқаришни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради⁶⁰.

К.Курилов ва А.Куриловалар фоизли маржани бошқаришда фойда келтирадиган активлардан олинadиган фоизли даромадлар билан мажбуриятлар бўйича харажатлар ўртасидаги маржани назорат қилиш фоиз рискинни бошқаришнинг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайдилар⁶¹.

Т.Макшанованинг фикрига кўра, активлар ва пассивларни муддатларига кўра мувофиқлаштириш фоизли спрэдни қатъий белгилаш имконини беради. Бу эса, фоиз рискинни нейтраллаштириш имконини беради⁶².

Питер Роуз тижорат банклари томонидан тўқнаш келадиган рисклар орасида фоиз рискиннинг хавфлилик даражасини юқори⁶³ деб таъкидлаган, чунки фоиз риски банк балансининг барча барча бўлинмасига таъсир қилади.

Фоиз таваккалчилиги – активлар, пассивлар ва кўзда тутилмаган ҳолатлардаги инструментлар бўйича фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик⁶⁴. Марказий банк бу орқали фоиз рискинни тартибга солиш ва назорат қилиш нуктаи-назаридан ёндашган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фоиз рискига фоиз ставкалари ўзгариши сабабли банк активлари ва мажбуриятлари (шу жумладан, балансдан ташқари) нархининг салбий ўзгариши оқибатида йўқотиш (зарар) ёки режалаштирилган даромадларни ололмаслик хавфи деб таъриф беришимиз мумкин.

⁶⁰ Ахмадеев М. Г., Шакиров Д. Т. Экономическая безопасность в банковском секторе//Актуальные проблемы экономики и права. 2011. № 2. С. 39–45

⁶¹ Курилов К. Ю., Курилова А. А. Формирование эффективной структуры организации как средство преодоления негативного влияния цикличности экономических процессов//Аудит и финансовый анализ. 2013. № 4. С. 248–253

⁶² Макшанова Т. В. Развитие нормативно-правового регулирования рынка деривативов в России//Экономика и социум. 2013. № 1 (6). С. 452–458

⁶³ Питер Роуз. Банковский менеджмент: Предоставление финансовых услуг. Пер. с англ. -М: ДЕЛЮ, 1997. - 768 с

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйилadиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

Риск аппетити кўрсаткичлари орқали амалга ошириладиган фоиз ставкаларини бошқариш стратегияси⁶⁵

Номи	Риск стратегияси	Риск ўлчови
Рискли даромад	Фоиз ставкалари салбий таъсирининг банк даромадларига белгиланган риск аппетити чегарасига мос келадиган даражада таъсирини камайтириш.	Риск нисбати бўйича даромад (рискли даромад ва Умумий капитал)
Капиталнинг асосий қиймати	Фоиз ставкалари бўйича салбий ўзгаришлари банкнинг ўз капиталининг иқтисодий қиймати, белгиланган риск аппетити чегарасига мос келадиган даражаси таъсирини камайтириш.	Капиталнинг иқтисодий қиймати ва риск даражаси (капиталнинг иқтисодий қиймати ва умумий капитал)
Номувофиқликларни қайтариш	Белгиланган риск аппетити билан фоиз ставкаси сезувчан активлар ва пассивлар ҳамда фоиз ставкаси турларининг оптимал балансини сақлаб туриш.	Бўшлиқ нисбати (GAP) (Бўшлиқни қисқартириш ва умумий капитал)

Банк фоиз рискларини бошқаришда рискларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, риск аппетити бардошлилик даражаси ва чегараларини белгилаш, доимий равишда бозор конъюктурасини мониторинг қилиб, соф фоизли даромадлар ва лимитлардан фойдаланиш, индивидуал фоиз ставкалари бўйича битимлар ёки йирик битимларни тасдиқлаш учун банк Бошқарувига мурожаат қилиш, лимитлар, стресс-тест ва бозордаги бузилишлар учун фавқулодда режа тартибига эга бўлиш шунингдек, Бошқарув учун маълумотларнинг ошкоралигини ва пруденциал лимитларга риоя қилинишини таъминлаш лозим бўлади.

Фоиз ставкалари рискинни ўлчашда банк томонидан қўлланиладиган асосий методология қайта баҳолашда бўшлиқни таҳлил қилишдир. Банк фоизларни сезувчан активлари ва пассивлари таркибини вақт оралиғи бўйича баҳолайди ва даврий, кумулятив асосда қайта таққослаб номуваносибликлар (GAP)ни ҳисоблаб чиқади. Таҳлил ҳар бир валютада ва жамланган асосда амалга оширилади.

Банк рискларни қайта ҳисоблашда бўшлиқни таҳлил қилиш натижаларини риск остида бўлган даромад миқдорини ва капиталнинг иқтисодий қийматидаги ўзгаришларни миқдорий баҳолаш учун фойдаланади. Ушбу таҳлил ҳар бир валютада фоиз ставкаларининг статик ва динамик

⁶⁵ Муаллиф томонидан тайёрланган

параллел ва параллел бўлмаган силжишлари бўлиши мумкин бўлган баъзи бир тахминлар асосида амалга оширилади.

Рискларни ҳисоблашдан келгуси 12 ойгача бўлган даврда банк даромадларига фоиз ставкасидаги салбий ўзгаришларнинг таъсирини ўлчаш учун фойдаланилади. Олинган натижага кўра, соф фоизли даромадни ва Банкнинг капиталини таққослаш мумкин.

ГАРларни ҳисоблашда нархларни қайта тақсимлаш ёндашуви фоизларни ҳисобга олган ҳолда активлар, мажбуриятлар ва балансдан ташқари позицияларни фоизларни қайта тўлашнинг кейинги даврига қараб даврий жадвалига ажратади.

Қайта баҳолаш бўшлиқларини ўлчаш учун қуйидаги давр интервалидан фойдаланилади: 1 ой; 1–3 ой; 3–6 ой; 6–12 ой; 12 ойдан юқори.

Тақсимлаш учун активлар ва пасивларнинг сезувчанлигини аниқлашда қуйидагилардан фойдаланилади:

ўзгармас фоиз ставка – кутилаётган муддат тугаши билан тақсимланадиган;

сузувчи фоиз ставка – кейинги баҳолаш даврига қараб тақсимланадиган;

ўзгарувчан фоиз ставка – фоиз ставкаларини кейинги тuzатиш орқали тақсимланадиган;

фоиз ставкасиз – фоизлар ҳисобланмайдиган муддатсиз ажратилади.

Фоизга таъсирчан бўлмаган элементларга банк капиталли, асосий воситалар, нақд пуллар, дебиторлик қарзлар ёки асосий воситалар каби фоизсиз активлар, талаб қилиб олинадиган депозитлар ва кредиторлик қарзлар каби фоизсиз мажбуриятлар киради.



Бир хил муддатлар учун мажбуриятларга нисбатан активларнинг умумий ҳажмига қараб ГЭП ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. ГЭПларни тўлдириш ҳар бир асосий валютада рискларни давр ва кумулятив асосида ўлчайди. Битта валютадаги фарқни, миллий валютани қайта баҳолаш орқали жами позицияси бирлаштириш мумкин.

Қайта баҳолашдаги фарқ, фоиз ставкалари ўзгаришига нисбатан сезгирлиги даромадларнинг қисқартириш умумий белгиси ҳисобланади:

Қайта баҳолашдаги ижобий фарқ, даромаднинг ошиши ушбу даврда фоиз ставкаларининг ошиши ёки даромаднинг камайишини, фоиз ставкаларининг пасайишини тахмин қилади. Бунинг асосий сабаби, ушбу даврда активларнинг аксарият катта қисми курс фарқи сезувчанлигига, мажбуриятларнинг курс фарқи сезувчанлигига нисбатан ўзгаришини англатади.

Қайта баҳолашдаги салбий фарқ, фоиз ставкалари ошганда даромаднинг пасайишини ва фоиз ставкалари пасайганда даромаднинг кўпайишини тахмин қилади. Бунинг асосий сабаби, ушбу даврда қайта баҳолашдаги мажбуриятларнинг катта сезувчанлик қисми, активлар ставкасининг сезувчанлигига нисбати орқали ифодаланади.

“А” банк мисолида ушбу банкнинг фоизга таъсирчан 1 йилда қайтадаиган активлар ва қайтариладиган мажбуриятларини кўриб чиқамиз:



2.2-расм. Фоизли GAP таҳлили⁶⁶

⁶⁶ А банкнинг маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланган

Фоизли ГЭП таҳлили натижалари асосида банкнинг фоизли активлари ва фоизли мажбуриятлари белгиланган чегаралар доирасида мувозанатлаштирилади. 1 йилгача бўлган оралиқда максимал (2021 йил апрел) фоизли муддатли ГЭП +1 932 млрд.сўм, ёки капиталнинг 26,1 %ни, 1 йилгача бўлган муддатда максимал (2021 йил июнь) фоизли кумулятив ГЭП 3 070,4 млрд.сўм ёки капиталнинг 41,7 %ини ташкил этади. Миллий ва хорижий валюталарда фоизли ГЭП йил давомида белгиланган чегара даражасидан ошмайди.

Максимал интервални қайта ҳисоблаш орқали хоҳлаган аниқ давр учун капиталга нисбатан фоиз ставкалари учун лимитлар билан чекланиши мумкин. Чеклов бузилган тақдирда банк активлари ва мажбуриятларни қайта баҳолаш давр оралиғида нарх сиёсатини ўзгартириш орқали қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Рискли даромад (EaR) методологияси бозор фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши сабабли даромаднинг ўзгаришини ўлчайди. Рискли даромад(EaR) 12 ойлик давр ичида фоиз ставкалари рискни баҳолаш орқали йўқотишлар моделини ишлаб чиқади. Бунга банкнинг янги имкониятлар яратиши, мавжуд имкониятлар ва мажбуриятларни қайта тузиш ҳамда умумий рискларни оқилона бошқариш мумкин бўлган давр сифатида қаралади.

Рискли даромад ўлчови ҳар бир номуносивликни янги ўзига хос фоиз ставкаси бўйича қайта кўриб чиқишини тахмин қилиш йўли билан ҳисоблайди. Бу ўлчов даври қолган вақтидаги соф фоизли даромад ўзгаришини баҳолайди. Шунинг учун ҳисоблаш қуйидагича бўлади.

Фоизсиз даромад давр ўзгариши = Давр оралиғи * Фоиз ставкаси ўзгариши * Қолган вақт оралиғи (ойлар) / 12

Ушбу ҳисоблаш ҳар бир муддат учун амалга оширилади. 12 ойгача бўлган соф фоиз даромади ўзгариш даврининг йиғиндиси Рискли даромад миқдорини таъминлайди:

Риск бўйича даромад = Фоизсиз даромаднинг кумулятив ўзгариши = Σ Фоизсиз даромад давр ўзгариш



2.3-расм. А банкнинг актив ва мажбуриятларини қайта баҳолашдан олинган молиявий натижа⁶⁷

«Базавий» сценарийда, яъни фоиз ставкаси актив ва мажбурият бўйича 1 фоизга ошса, максимал соф фоизли даромадга таъсири 25,3 млрд.сўм ёки регулятив капиталнинг +0,34 %ини ташкил этади. Агар «Салбий» сценарийда, яъни фоиз ставкаси актив ва мажбурият бўйича 2 фоизга ошса максимал соф фоизли даромадга таъсири 50,5 млрд.сўм ёки регулятив капиталнинг +0,7 %ини ташкил этади. Соф фоизли даромадларнинг ўзгариш rischi ўрнатилган риск лимитларидан ошмайди. Бироқ, фоиз ставкаси 1 ва 2 фоизга пасайиши кузатилса, мос равишда соф фоизли даромадга таъсири -25,3 млрд.сўм ва -50,5 млрд.сўмни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан иложи борича фоизга таъсирчан актив ва мажбуриятларнинг муддатларини мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Капиталнинг иқтисодий қиймати (EVE) методологияси бозор ставкаларининг салбий ўзгариши сабабли капиталнинг иқтисодий қийматидаги ўзгаришини ўлчайди. Капиталнинг иқтисодий қиймати фоизларга боғлиқ бўлган активлар ва пасивлар муддатининг бутун спектри учун фоиз ставкалари рискин баҳолайди. Фоиз ставкаларига таъсирчан

⁶⁷ А банкнинг маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланган

активлар ёки пассивларнинг муддати қанча узок бўлса, фоиз ставкаларининг ўзгаришига ва капитал қийматига таъсирчанлик шунчалик юқори бўлади.

Капиталнинг иқтисодий қиймати метрикаси икки босқичда ҳисобланади. Биринчи босқич – Капиталнинг иқтисодий қиймати даврининг ўзгаришини қайта ҳисоблаш оралиғи, сезгирлик коэффиценти ва маълум вақт оралиғи учун фоиз ставкаси ўзгариши сифатида ҳисоблаш:

Капиталнинг иқтисодий қиймати ўзгариш даври = гар даври х таъсирчанлик омили х фоиз ставкасининг ўзгариши

Ушбу ҳисоблаш ҳар сафар муддат бўйича амалга оширилади. Соф фоизли даромадининг давр ўзгаришини йиғиш иккинчи босқич бўлиб, капиталнинг иқтисодий қиймати миқдорини таъминлайди:

Капиталнинг иқтисодий қиймати = Капиталнинг иқтисодий қийматининг кумулятив ўзгариши = Σ Капиталнинг иқтисодий қийматининг даврий ўзгариши

Капиталнинг иқтисодий қиймати максимал миқдорини умумий капиталга нисбатан фоиз сифатида чеклаш мумкин. Капиталнинг иқтисодий қиймати лимити – фоиз ставкалари рисклари лимити. Чекловлар бузилган тақдирда, Банк қайта баҳолашни таққослаш бўлимида айтиб ўтилганларга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширади.

ЖАМИ ВАЛЮТА											
Давр оралиғи	Ўртача вақт оралиғи	Ўзгарувчан дурация прокси	Даромаднинг прогнози ўзгариши, б.п.	Коэффициент оғирлиғи	Фоизга таъсирчан активлар (RSA)	Фоизга таъсирчан мажбуриятлар (RSL)	Қайт баҳоланадиган ГЭП	Капитал ўзгаришининг иқтисодий қиймати (ΔEVE)	ΔEVE, % Капитал	ΔEVE Лимит, % капитал	Лимит бузилиши, % Капитал
1	2	3	4	5	6	7	8=6-7	9=8*5	10=9/капитал	11	12
<1m	0.5m	0,04	100	0,04	1 017 380	1 660 369	-642 990	257	0,00%	10,00%	0,00%
1-3m	2m	0,16	100	0,16	2 449 501	2 415 129	34 372	-55	0,00%	10,00%	0,00%
3-6m	4.5m	0,36	100	0,36	3 796 521	2 382 242	1 414 279	-5 091	-0,07%	10,00%	0,00%
6-12m	9m	0,71	100	0,71	5 108 719	4 875 981	232 738	-1 652	-0,02%	10,00%	0,00%
1-2y	1.5y	1,38	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
2-3y	2.5y	2,25	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
3-4y	3.5y	3,07	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
4-5y	4.5y	3,85	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
5-7y	6y	5,08	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
7-10y	8.5y	6,63	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
10-15y	12.5y	9,92	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
15-20y	17.5y	11,21	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
>20y	22.5y	13,01	0	0,00	0	0	0	0	0,00%	10,00%	0,00%
ЖАМИ					12 372 121	11 333 721	1 038 400	-6 542	-0,09%	10,00%	0,00%
RSA дурацион ўзгариши				0,44							100
RSL дурацион ўзгариши				0,42							-6 542
ГЭП дурацион ўзгариши				0,05							-0,09%
Параллел силмиш, базис нуқтаси											
Базис нуқтанин жорий қиймати (1%)											
Базис нуқтанин жорий қиймати (1%), % Капитал											
ЖАМИ											
RSA дурацион ўзгариши											
RSL дурацион ўзгариши											
ГЭП дурацион ўзгариши											
Параллел силмиш, базис нуқтаси											
Базис нуқтанин жорий қиймати (1%)											
Базис нуқтанин жорий қиймати (1%), % Капитал											

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА											
Давр оралиғи	Ўртача вақт оралиғи	Ўзгарувчан дурация прокси	Даромаднинг прогнози ўзгариши, б.п.	Коэффициент оғирлиғи	Фоизга таъсирчан активлар (RSA)	Фоизга таъсирчан мажбуриятлар (RSL)	Қайт баҳоланадиган ГЭП	Капитал ўзгаришининг иқтисодий қиймати (ΔEVE)	ΔEVE, % Капитал	ΔEVE Лимит, % капитал	Лимит бузилиши, % Капитал
1	2	3	4	5	6	7	8=6-7	9=8*5	10=9/капитал	11	12
<1m	0.5m	0,04	100	0,04	444 613	1 035 460	-590 847	236	0,00%	15,00%	0,00%
1-3m	2m	0,16	100	0,16	1 327 527	299 946	1 027 581	-1 644	-0,02%	15,00%	0,00%
3-6m	4.5m	0,36	100	0,36	2 030 389	328 310	1 702 079	-6 127	-0,09%	15,00%	0,00%
6-12m	9m	0,71	100	0,71	1 916 954	621 069	1 295 885	-9 201	-0,13%	15,00%	0,00%
1-2y	1.5y	1,38	100	1,38	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
2-3y	2.5y	2,25	100	2,25	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
3-4y	3.5y	3,07	100	3,07	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
4-5y	4.5y	3,85	100	3,85	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
5-7y	6y	5,08	100	5,08	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
7-10y	8.5y	6,63	100	6,63	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
10-15y	12.5y	8,92	100	8,92	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
15-20y	17.5y	11,21	100	11,21	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
>20y	22.5y	13,01	100	13,01	0	0	0	0	0,00%	15,00%	0,00%
ЖАМИ					5 719 482	2 284 784	3 434 698	-16 736	-0,24%	15,00%	0,00%
RSA дурацион ўзгариши				0,41							100
RSL дурацион ўзгариши				0,28							-16 736
ГЭП дурацион ўзгариши				0,29							-0,24%
Параллел силмиш, базис нуқтаси											
Базис нуқтанин жорий қиймати (1%)											
Базис нуқтанин жорий қиймати (1%), % Капитал											

2.4-расм. А банкнинг фоизли дурацион GAP таҳлили⁶⁸

⁶⁸ А банкнинг маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланган

Максимал фоизли ГЭПнинг капитал қийматига таъсири -6,5 млрд.сўмни ёки капиталнинг -0,09%ни, шу жумладан миллий валютада салбий -16,7 млрд.сўмни ва хорижий валютада ижобий 0,97 млрд.сўмни ташкил этди. Сценарийли ҳисоб-китобларга кўра фоиз ставкаларининг параллел ўзгариши (ошиши, пасайиши) капиталга таъсири миллий валютадаги -0,24% га, хорижий валюталарда эса 0,01% га тенг. Якуний натижаларга кўра капитал қийматининг салбий ўзгаришлари миқдори бўйича белгиланган чегаралардан ошмайди, ўз навбатида фоизли активлар ва пассивларнинг ҳажми ва муддат структурасида ўзгаришлар киритиш талаб этилмайди.

Фоиз ставкалари рискинни камайтириш учун банк фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш, мавжуд операцияларни муддатидан олдин қайтариш, янги молиялаштириш тўғрисида музокаралар олиб бориш ёки мавжуд бўлган хеджинг воситаларини сўраш орқали фоиз ставкаларига таъсирчан активлар ва мажбуриятлари ҳажми ва таркибини қайта мувозанатлаштириши лозим.

Фоиз ставкалари ва бозордаги ўзгарувчанликнинг ноаниқ даврида Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси активлар ва пассивларни муддатларини қисқартиришга имкон берадиган қарорлар қабул қилиш керак.

Рискларни камайтириш стратегиясини амалга ошириш учун Ғазначилик, Бухгалтерия ҳамда Рискларни бошқариш бўлинмалари томонидан амалга ошириш ва бошқарувда қайта кўриб чиқиш ҳамда тузатиш чораларини кўриш учун ҳар ойда Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитасига тақдим этиши лозим.

Банк фоиз ставкалари мумкин бўлган ўзгаришларини фоиз ставкаларини моделлаштириш асосида ҳар бир валютада турли сценарийларда стресс-тест ўтказиб бориши лозим.

Ҳар бир банкда кредитлаш фоиз ставкасини ўрнатишда ҳисобга олиниши зарур бўлган молиялаштириш харажатлари, операция харажатлар, кредит рисқи мукофоти (премия), банк маржаси ва бошқа омиллар таъсирини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

2.3. Банкларда валюта рискени баҳолаш ва бошқариш

Бозор рискени даражасини баҳолашнинг асосий масаласи ва вазифаси йўқотишларнинг маълум бир критик даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, унга қарши ресурсларнинг рискли инвестициялари баҳоланади.

Бозор рискени баҳолаш ва бошқариш бўйича талаблар белгиланганлиги банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг методологик асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади⁶⁹.

Бозор рискени банкнинг даромадлари ва капитал етарлилигига таъсир қилиши мумкин бўлган юқори риск сифатида қаралади. Банк бозор рискени енгиш учун рискларини бошқариш жараёнини амалга оширади.

2.7-жадвал

Бозор рискларини бошқаришнинг асосий мақсадлари⁷⁰

Банкда бозор рискени бошқариш бўйича тегишли ташкилий тузилмани яратиш	Бозор рискларини бошқариш стратегиясини ҳамда риск аппетитининг чегараларини белгилаш	бозор ҳолати, позициялар, фойда ва зарарлар ҳамда лимитлардан фойдаланишни доимий мониторинг қилиш	бозор рискени профилини ўзгартириши мумкин бўлган йирик битимларни тузишни коллегиял асосда кўриб чиқиш	стресс-тест натижалари ҳамда бозор рискени лимитларнинг бузилиши ҳолатларида фавқулодда вазиятлар режасини тузиш	пруденциал лимитларга риоя қилинишини таъминлаш
--	---	--	---	--	---

Бозор рискени бошқаришда банкнинг тегишли ташкилий тузилмалари томонидан қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади: бозор рискларини бошқариш тизимини жорий этиш; бозор рисклари бўйича аппетит лимитларини белгилаш ва мониторинг қилиш; риск аппетити бардошлилик даражаси бузилишини текшириш ва рискларни чеклаш бўйича қарорлар қабул қилиш; бозор рискларини аниқлаш учун ўтказилган стресс-тест сценарий натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш; бозор рисклари билан боғлиқ

⁶⁹ Бердияров Б.Т. “Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари” мавзусидаги иктисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати, -Т.: 2020, 74 б.

⁷⁰ Муаллиф томонидан тайёрланган

позицияларни бошқариш бўйича кунлик ишларни мувофиқлаштириш; хар ойда бозорнинг ҳақиқий ҳолатини, очик позицияларни, молиявий кўрсаткичларни кўриб таҳлил қилиш; бозор рисклари бўйича пруденциал ва ички риск лимитларига ҳамда бардошлилик даражаларига риоя қилинишини назорат қилиш; молия бозорларидаги вазиятни таҳлил қилиш ҳамда қимматли қоғозлар нархлари ва валюта курсларини аниқлаш; қимматли қоғозлар портфелини бошқариш ва бозор rischi билан боғлиқ операциялар бўйича таклифлар бериш; реал вақт режимида бозор рисклари омилларининг ўзгаришини мониторинг ва прогноз қилиш; савдодан фойда олиш мақсадида тузиладиган битимларда бозор рискларини инобатга олиш; Бошқарув қарорлари бозор rischi лимитларига мос келишини ўрганиш; банкнинг молиявий режаси ва бюджети ижросини назорат қилиш ва оғишларни текшириш; мажбурий коэффициентлар ёки молиявий ковенантларни ҳисоблаш ва уларнинг узоқ муддатли прогнозини таҳлил қилиш; хорижий валютадаги активлар ва пассивлар қиймати ва рентабеллик таҳлилинини ўтказиш; бозор рискларини бошқариш тартибини ва унинг лимитларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш; бозор рискларини аниқлаш, баҳолаш, ўлчаш ва мониторинг ўтказиш; бозор рискларини турли сценарийлар бўйича стресс-тестдан ўтказиш; лимитлар бузилганлигини текшириш, уларни бартараф этиш ҳамда бозор рискларини юмшатиш бўйича чораларни таклиф қилиш, шунингдек бозор rischi билан савдо операцияларини амалга оширишда мумкин бўлган фирибгарлик фаолиятини аниқлаш.

Бозор rischi – банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги инструментлари нархларининг, шунингдек, чет эл валютаси ва қимматбаҳо металллар курсларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик⁷¹.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

Риск аппетити орқали амалга ошириладиган бозор рискларини бошқариш стратегияси ва риск аппетитининг бардошлилик даражаси⁷²

Риск тури	Риск стратегияси	Риск кўрсаткичлари
Фоиз ставкаси риси (савдо китоби)	Ойлик рискли даромадга эришиш учун қимматли қоғозлар билан савдо операцияларини амалга ошириш	Позиция лимити, фойда ва зарарларни таргетлаш, зарарни тўхтатиш чегараси, битта йўқотишга лимит чегараси,
Фонд rischi (савдо китоби)	Ойлик фойда олиш мақсадига эришиш учун чераланган лимит доирасида қимматли қоғозлар билан савдо операцияларини амалга ошириш	
Товар rischi (савдо китоби)	Ойлик даромадга эришиш учун белгиланган риск даражаси доирасида товар воситалар билан савдо операцияларини амалга ошириш	Позиция лимити, фойда ва зарарларни таргетлаш, зарарни тўхтатиш чегараси, битта транзакция лимити
Хорижий валюта rischi (савдо китоби)	Ойлик фойда олиш мақсадига эришиш учун белгиланган риск чегараси остида хорижий валютада савдо операцияларини амалга ошириш	
Хорижий валюта rischi (Банк китоби)	Хорижий валютадаги активлар ва пассивлар ўртасида мақбул мувозанатни сақлаб қолиш, бозор имкониятларидан фойдаланиш ва валюта курсининг салбий таъсирини мақбул даражага тушириш	Позиция лимити, фойда ва зарарларни таргетлаш, зарарни тўхтатиш чегараси, битта йўқотишга лимит чегараси, ягона таъсир қилиш чегараси

Банк томонидан бозор рискини ўлчашда фойдаланадиган асосий методология риск таҳлили ҳисобланади. Банк молиявий воситалар таркибини куйидаги риск турлари бўйича баҳолайди ва таҳлил қилади. Булар портфель, валюта, қайтариш муддатлари, кредит сифати ва эмитентининг номларидир. Ушбу таҳлиллар рискларни камайтириш, риск концентрациясини баҳолаш ва таъсир қилиш лимитларини таққослашга қаратилган

Банк рисклари таҳлили, рискни миқдорий баҳолаш ҳамда даромад ва капиталга салбий таъсири прогнозларини тузиш учун фойдаланади. Ушбу таҳлил риск қиймати (VAR), кутилаётган камомад ёки стресс-тест сценарийлари ёрдамида амалга оширилади ва аниқланади.

Стресс-тест ўтказиш жараёнлари бозор рисклари бўйича йўқотишнинг энг консерватив баҳосини бериш учун ишлатилади. Банк бозордаги инқирозлар натижасида келиб чиқадиган, бошқарувни талаб қиладиган экстримал бозор йўқотишларни аниқлашнинг муҳим воситаси сифатида стресс-тест ўтказиб кўради.

⁷² Муаллиф томонидан тайёрланган

Стресс синовлари икки хил усулда амалга оширилиши мумкин:

Таъсирчанлик таҳлили – битта риск омилининг портфелга ёки позицияга таъсирини синовдан ўтказди. Бу стресс-тестнинг энг оддий тури ҳисобланади, чунки у риск омиллари ўртасидаги муносабатлар боғлиқлиги таҳлилини ўз ичига олмайди.

Сценарийни таҳлил қилиш – бир ёки бир нечта стрессли ҳодисаларнинг ва бир нечта риск омилларининг комплекс ўзаро таъсири натижасида портфелга ёки позицияга таъсирини синовдан ўтказди.

Бозор рискнинг асосий элементи бу валюта rischi ҳисобланади. Банкларда валюта riskдан кўриладиган асосий зарар валюта позициясини қайта баҳолаш орқали юзага келади.

Валюта позицияси — банкнинг чет эл валютасидаги талаб ва мажбуриятларининг ўзаро нисбатини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у банкнинг чет эл валютаси олди-сотди операцияларини ҳамда бошқа операцияларни амалга ошириши натижасида чет эл валютасидаги талаблари ва мажбуриятлари миқдори ўзгариши оқибатида юзага келади⁷³.

Очиқ валюта позицияси ҳисоб-китобида банкнинг чет эл валютасидаги талаб ва мажбуриятлари миқдори «Валюталар савдоси ва валюта позициялари» ҳамда «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги қолдиқ асосида аниқланади. Ушбу ҳисобварақларда валюта олди-сотдиси ва бошқа валюта қимматликлари билан боғлиқ операцияларга оид битимларда, шу жумладан битим шартларига кўра, у ёки бу шаклда чет эл валютасини айирбошлаш (конверсия) назарда тутилган операциялардаги миқдор ҳисоби юритилади.

Ягона очиқ валюта позициясини ва унга қўйилган максимал лимит талабни ҳисоблаш қуйидаги формула орқали топилади:

$$\text{Single Exposure} = \frac{\text{Жами активлар} - \text{жами мажбуриятлар} \pm \text{балансдан ташқари моддалар}}{\text{Регулятив капитал}}$$


⁷³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “очиқ валюта позициясини юритиш” қоидалари 3301-сон билан 2021 йил 7 май

Балансдан ташқари моддалар – чет эл валютасидаги ҳосилавий (дериватив) молиявий воситалари (фьючерс, форвард, своп, опционлар ва бошқалар) бўйича олди-сотди шартномалари тузилиши натижасида банкда юзага келадиган талаб ва мажбуриятлар.

Жами очик валюта позицияси ва унга қўйилган максимал лимит бўйича талаб қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Total\ Exposure = \frac{\max(\sum \text{узун валюта позицияси}, \sum \text{Қисқа валюта позицияси})}{\text{Регулятив капитал}}$$

Бугунги кунда Регулятор томонидан битта очик валюта позициясига қўйилган максимал чегара регулятив капиталнинг 10 фоизидан, жами очик валюта позициясига қўйилган лимит эса регулятив капиталнинг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.




2.5-расм. “А” банкнинг очик валюта позициялари тўғрисида маълумот⁷⁴

2021 йил 1 январда банкнинг жами очик валюта позицияси 617,2 млрд.сўмни ёки у регулятив капиталнинг 8,72 %ни ташкил этган. Банкнинг битта валютадаги очик валюта позицияси (АҚШ доллари) 480,6 млрд. сўмни ёки 6,79 %ни ташкил этган. Ой давомида 14 декабрь куни очик валюта позицияси энг юқори кўрсаткичда бўлиб, жами очик валюта позицияси 12,79%, битта валюта позицияси (АҚШ доллари) 9,6 %ни ташкил этган. Бинобарин, ҳисобот санасида банкнинг очик валюта позициялари ўрнатилган меъёрларга мос келган. Шунингдек, ҳисобот даврида банк валюта курслари

⁷⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган

динамикасига мос келадиган узун очик валюта позицияни сақлаб қолган. Очик валюта позициясининг максимал ҳажми бўйича меъёр бажарилган ва валютани қайта баҳолаш натижасида ижобий молиявий натижа таъминланган.



2.6-расм. “А” банкда валюта операцияларидан олинган молиявий натижа тўғрисида маълумот⁷⁵

2021 йил 1 январь ҳолатига валюта операциялари бўйича молиявий натижа 129,3 млн.сўмни ташкил этган, шу жумладан, очик валюта позициясида валюта қайта баҳолашдан олинган даромад 1 420 млн. сўмни ҳамда конверсион операциялар бўйича савдодан зарар -1 290 млн.сўмни ташкил этди. Очик валюта позицияси ва валютани қайта баҳолашдан олинган даромадларни бошқариш муваффақиятли стратегия орқали таъминланган. Шу сабабли, валюта операциялари бўйича якуний молиявий натижа 129,3 млн.сўмни ташкил этган.

⁷⁵ Муаллиф томонидан тайёрланган

III БОБ. КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Банкларда кредит рискларини баҳолаш ва бошқаришнинг аҳамияти

Ҳар қандай банкнинг кредит фаолияти, бошқа муассасадан фарқли ўлароқ, етакчи мезонлардан бири ҳисобланади. Жаҳон амалиётини кўриб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, банк фойдасининг катта қисми кредитлаш билан боғлиқ. Бироқ, кредитларнинг, айниқса, катта ҳажмдаги кредит қарзларининг қайтарилмаслиги, банкни банкротликка олиб келиши мумкин. Бу иқтисодиётга таъсир қилиб, қатор корхоналар, банклар ва жисмоний шахслар банкротлигига олиб келади.

Кредит рискинни бошқариш ҳар қандай тижорат банки ривожланишининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётларга оид китобларда кредит таваккалчилигига катта эътибор берилади⁷⁶.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва қонунчилик базасининг ривожланиш даражаси кредит таваккалчилик даражасига катта таъсир кўрсатади⁷⁷.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит риски мавжуд бўлган ҳолда кредитор(банк)да қарз олувчи томонидан кредит шартномасининг шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда асосан берилган кредитлар бўйича олинадиган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаси ёки кредитнинг асосий суммаси ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги оқибатида банк фойдасининг камайиши банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун

⁷⁶ Методы управления кредитным риском. <http://finance-banks.ru/portfel-banka4.html>

⁷⁷ Русецкая Э.А. «Страхование кредитных рисков» Финансы и кредит 48 (288) – 2007

кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар⁷⁸.

Умуман банкнинг асосий даромад манбаси кредитлаш фаолиятдан олининиши кредитлаш ҳажмини оширишга ундайди, бироқ ушбу кредитлар бўйича юзага келадиган рискларнинг вақтида олди олиниб, тўғри бошқарилмаса, энг катта йўқотиш ҳам мазкур кредит фаолиятдан юзага келади. Шу сабабли кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш бўйича назарий ва амалий жихатдан илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Гранатуров В.М. кредит rischi – қарзни тўламаслик хавфи, яъни қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларига мувофиқ асосий қарз миқдори ва унинг фоизлари тўланмаслиги⁷⁹, деб таъриф берган.

Базель кредит rischi – қарз олувчи ёки контрагент келишилган шартларга мувофиқ ўз мажбуриятларини бажармаслик эҳтимоли деб келтирган⁸⁰.

Лаврушин О.И кредит riskини учинчи шахснинг кредит ташкилоти олдидаги кредит мажбуриятларини бажармаслик rischi деб тарифлайди⁸¹.

Коршунова Н.И. кредит rischi – бу кредит шартномаси шартларига мувофиқ қарз олувчи томонидан кредит ташкилотининг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик оқибатида банк зарар кўриши хавфи деб таърифлаб, банкнинг кредит хавфи ташқи ва ички омилларга боғлиқлигини айтган, гарчи банк ўз вақтида риск таъсирини камайтириб, катта молиявий йўқотишларнинг олдини олсада иқтисодиёт, сиёсат, бозор ҳолати билан боғлиқ ташқи омилларни бошқариш жуда қийинлигини ҳамда ташқи омилларга давлатнинг ташқи ва ички сиёсати, шунингдек уни давлат томонидан тартибга солиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳамда банк рақобатининг ривожланиш даражаси кириши бўйича фикр юритади⁸².

⁷⁸ Абдуллаева Ш.З. Банк riskлари ва кредитлаш. -Т.: «Молия», 2002. 304 б.

⁷⁹ Гранатуров В.М. Экономический риск: сущность, методы измерения, пути снижения. М., 2002. С.703

⁸⁰ Базельский комитет по банковскому надзору. Принципы управления кредитным риском. Базель, 2000. С.356

⁸¹ Лаврушин О.И. Банковские риски. М., 2013. С. 296

⁸² Коршунова Н.И. “Сущность кредитного риска и способы его минимизации” European Student Scientific Journal. – 2017. – № 1

Марказий банк кредит таваккалчилигини қарздорнинг шартномада белгиланган шартлари бўйича банк олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик⁸³ сифатида назорат қилади.

Фикримизча, кредит рискига бу қарз олувчининг молиявий шартноманинг шартларига мувофиқ мажбуриятини бажармаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар сифатида қараш мумкин.

Кредит рискини баҳолаш объектив ва аниқ бўлиши, яъни ишончли маълумотга асосланиши, кредит портфели сифатини ошириш бўйича хулоса ва тавсиялар эса таҳлилий ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб берилиши керак.

Кредит рискларини бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:

баҳолашнинг комплекс характери – банкда кредит рискининг ҳақиқий даражасини белгилаш ва уни тартибга солиш бўйича зарурий чоратадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида кредит билан боғлиқ фаолиятнинг барча томонларини қамраб олиш керак;

риск даражасини белгиловчи қарздорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг иқтисодий ва ноиқтисодий кўрсаткичлари тизимлилиги.

рискни комплекс баҳолашда қарздорнинг молиявий кўрсаткичлари билан индивидуал суҳбат жараёнида олинган сифат кўрсаткичларини уйғунлаштириш керак;

етарли даражада реакция – олдинги даврлардаги риск факторларини баҳолаш ва уларнинг келгусидаги таъсирини прогноз қилиш тезкорлик билан амалга оширилиши керак. Ушбу тамойилнинг моҳияти Банк кредит рискининг ошишига олиб келувчи ташқи ва ички ўзгаришларга тезкорлик билан ҳаракат қилишини ва уни тартибга солиш учун зарур усулларни қўллаши лозимлигини англатади.

Мазкур тамойилларга асосланиб, кредит рискини бошқаришнинг энг асосий мақсади – риск даражасини минималлаштириш орқали кредит портфели сифатини оширишга эришишдир.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

Банкда кредит рискни бошқариш мақсадига қуйидаги вазифаларни ечишни назарда тутадиган тизимли ва комплекс ёндашув асосида эришилади:

кредит рискни ҳолати ва миқдори тўғрисида оператив ҳамда объектив маълумотлар олиш;

кредит рискининг сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳолаш;

риск турининг бошқа риск турлари даражаси ошишига ёки камайишига бўлган таъсирини чеклаш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирларни баҳолаш мақсадида алоҳида риск турлари ўртасида ўзаро алоқадорликни ўрнатиш;

салбий тенденциянинг юзага келиш босқичида кредит рисklarини бошқариш, шунингдек Банк учун кредит рискининг аҳамиятли, критик даражага етишини олдини олишга қаратилган тезкор ҳаракат қилиш тизимини яратиш.

Рискни минималлаштириш (ёки рискни тартибга солиш) – бу риск даражасини Банк молиявий барқарорлигига, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига зарар етказмайдиган даражада ушлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш ҳисобланади. Бу ўз ичига қуйидаги жараёнларни олади: рисklarни прогнозлаштириш, рисklarнинг эҳтимолий миқдорлари ва оқибатларини аниқлаш, у билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олиш ва минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш. Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кредит рискни нисбатан аниқроқ баҳолаш ва прогнозлаштириш зарур, чунки кредит портфели риск даражасини максимал даражада аниқланганда ва прогнозлаштирилганда Банк бундай рисklarни минималлаштириш мақсадида тартибга солишнинг адекват усулларини қўллаш олиши ва албатта кредит портфели сифатини ошириши мумкин.



3.1-расм. Кредит рискинни бошқариш

Кредит рискларининг юзага келиш сабаблари кўплаб сабаблар билан, хусусан алоҳида кредит даражасига ёки кредит портфели даражасига боғлиқ бўлиши мумкин.

Кредит портфели даражасида кредит рискининг юзага келишига асосан иқтисодиётнинг бир тармоғида кредитларнинг ҳаддан ташқари концентрацияси, иқтисодиётнинг барча тармоқлари хусусиятларини тушунадиган мутахассисларни йўқлигига қарамасдан кредитларни турли тармоқлар бўйича ҳаддан ташқари диверсификацияси, хорижий валютада берилган кредитлар учун валюта курсларининг ўзгариши, банкнинг эмас, балки мижозларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб шаклланган номукамал кредит портфели структураси ҳамда ходимларнинг малака даражаси етишмаслиги сабаб бўлади.

Мазкур кредит рискининг юзага келиш факторлари классификацияси банкни қарздорнинг фаолияти натижалари ва қутилмаган оқибатларни юзага келиш потенциал сабабларини таҳлил қилиш сифатига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ташқи факторларни бошқариш имконияти чекланганлиги ҳисобга олинса, кредит портфели рискинни тартибга солишнинг асоси банкларнинг ички сиёсатидир.

Кредит рискинни бошқариш кредит рискинни аниқлаш (идентификациялаш), кредит рискинни баҳолаш, кредит рискинни мониторинг

қилиш, кредит рискени тартибга солиш босқичларидан ташкил топади.

Кредит рискени аниқлашнинг дастлабки ва жорий идентификация босқичлари мавжуд бўлиб, унга кўра:

дастлабки идентификация босқичида кредит ажратишдан олдин кредит олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлил қилинади, бунда миқдорнинг кредит тўлашга қобилиятлилиги, унинг фаолиятидаги кучли ва заиф томонларини баҳолаш ва кредитни сўндириш муддатларига алоҳида эътибор қаратилади;

кредит рискени аниқлашнинг иккинчи босқичи кредит берилганидан сўнг миқдорнинг жорий фаолияти ва бошланғич босқичда муаммоларни, яъни ўз вақтида қайтарилиши хавф остида бўлган кредитларни аниқлашдан иборат. Бунда ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши кузатилаётган тармоқлар ёки корхоналарга ва белгиланган меъёрларга риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Кредит портфели рисклилиқ даражасини тартибга солиш ва баҳолаш кредит фаолиятини самарали бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланганлиги сабабли Банк учун муҳим ҳисобланади. Кредит портфелини бошқариш жараёнининг бош мақсади эса маълум бир риск даражасида максимал даромад олишни таъминлашдир.

Банк кредит портфели рискени баҳолаш методологияси қуйидагиларни назарда тутади:

Сифат таҳлили риск омилларини (манбасини) аниқлашни аниқлатади ва кредит риски соҳасида чуқур билим, тажриба ва интуицияни талаб қилади. Кредит рискининг сифат таҳлилида дахлдор шахсларни кредитлаш ва концентрацияни ҳам ҳисобга олиш керак;

Миқдорий таҳлил риск даражасини аниқлашни аниқлатади. Кредит риски даражаси қарздорнинг кредитга лаёқатлилиги ва кредит операцияларини баҳолашнинг миқдорий ифодаси ҳисобланади.

Сифат ва миқдорий таҳлиллар бир пайтда рискни баҳолашнинг таҳлилий, статистик ва коэффициент усулларини қўллаш орқали ўтказилади.

Таҳлилий усул эҳтимолий йўқотишларни баҳолашни назарда тутди ва Марказий банкнинг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 2696, 2015 йил 14 июль)га асосан амалга оширилади.

Ушбу Низомга мувофиқ банк кредит портфели сифати қуйидаги тоифаларда таснифланади: стандарт, субстандарт, кониқарсиз, шубҳали, умидсиз.

Статистик таҳлилий усуллар ёрдамида кредит рискинни ҳисоблаш, барча рисклар кредит портфелининг сифатига таъсир қилиши назарда тутилган. Ушбу таъкидлов кредит портфелини ташкил қиладиган ҳар бир кредит шартномаси бўйича кредит рисқи вариацияси, Банк кредит фаолияти таваккалчилигини умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида изоҳлашга асос беради.

Статистик методнинг моҳияти қуйидагича:

Банк кредит портфелини ташкил этувчи шартномалар бўйича кредит рискларини статистик таҳлил қилиш;

кредит портфелида кредит рисклари тақсимланишининг хусусиятлари;

кредит рискининг юқорилиги ва частотасини белгилаш.

Банк кредит портфелини ҳисоблаш ва баҳолаш статистик услубининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат: дисперсия, вариация, стандарт оғиш, вариация коэффициенти ва асимметрия.

Банк рискинни ҳисоблашнинг учинчи усули – коэффицент усули. Мазкур усулнинг моҳияти Банк кредит портфелининг кредит рискларини ҳисоблаш имконини берадиган нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади ва улар чегаравий қийматлари билан таққосланади ва шу асосда умумий кредит рисқи сифат ва миқдорий кўрсаткичлари аниқланади.

Банк кредит портфелининг йиғма рискинни баҳолашда коэффицент усулини қўллаш қийинлиги ҳисобланган кўрсаткичларни стандарт қийматлар билан таққослашдан келиб чиқади. Чунки баъзи кўрсаткичлар чегаравий

қийматлар доирасида бўлади, баъзилар эса ушбу чегаравий қийматлардан юқори бўлади. Шунинг учун риск даражасини аниқлаш учун умумлаштирувчи кўрсаткични ажратиб кўрсатиш керак.

Кредит портфелини комплекс баҳолаш, бир вақтнинг ўзида кредит рискларининг ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан баҳолашни таъминлайди.

Кредит портфелидаги эҳтимолий йўқотишлар – бу кредит рискининг энг муҳим омили ҳисобланади, чунки унинг эҳтимолилиги тақсимланишида асосий рол ўйнайди. Ушбу кўрсаткичнинг маъноси шундаки, у риск даражасининг энг мақбул қийматини кўрсатади ва қуйидагича аниқланади.

$$S_p = \sum_{i=1}^n s_i \times p_i(c)$$

Бу ерда, S_i – қарздорларнинг i -гуруҳига берилган кредитлар; $i = 1, n$;
 $p_i(c)$ – қарздорларнинг i -гуруҳига нисбатан кредит rischi.

Ушбу кўрсаткич умумлаштирилган миқдорий кўрсаткич бўлгани учун, кредит портфели рискларини тартибга солишнинг асосий усуллари (диверсификация ёки концентрация) тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бермайди. Лекин қарор қабул қилиш учун кредит портфели рискининг ўзгарувчанлиги даражасини аниқлаш керак. Мазкур кўрсаткични ҳисоблаш учун асосан қуйидаги иккита кўрсаткичдан фойдаланилади: дисперсия ва стандарт оғиш. Уларни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда банк кредит портфелининг ўртача тортилган рискинни аниқлаш керак:

$$\vartheta = \frac{\sum_{i=1}^n p_i(c) \times s_i}{\sum_{i=1}^n s_i} = \frac{s_p}{\sum_{i=1}^n s_i}$$

Юқорида келтирилган формула, Банк кредит портфелини ташкил қиладиган, i -гуруҳига мансуб қарздорлар кредит рискининг вариациясини ҳисоблаш учун асос саналади.

Банк кредит портфелини ташкил қиладиган, i -гуруҳига мансуб қарздорларнинг кредит рискининг дисперсияси қуйидагича ҳисобланади:

$$V(p) = \sum (P_i(c) - \vartheta)^2 \times \frac{s_i}{s}$$

$$S = \sum_{i=1}^n S_i$$

Таҳлил натижалари аниқроқ бўлиши учун, тасодифий бирликнинг тақсимланиш қиймати тасодифий қийматнинг миқдори билан бир хил бирликда ҳисобланиши керак. Ушбу мақсад учун банк кредит портфелини ташкил қиладиган, i -гуруҳига мансуб қарздорлар кредит рискининг стандарт оғиши ҳисобланади:

$$\sigma(p) = \sqrt{V(p)}$$

Мазкур кўрсаткични ҳисоблаш самарали ва гуруҳловчи омил атрибути ўртасидаги боғлиқлик яқинлигини аниқлаш имконини беради. Унинг қуйидаги чегаралари бор:

$$0 < \sigma(p) < 1$$

Агар $\sigma(p)=0$ – гуруҳловчи омилнинг самарадорликка таъсири бўлмайди, $\sigma(p)=1$ – бунда самарадорлик омили гуруҳлаш омилидан келиб чиқиб ўзгаради.

Дисперсия ва стандарт оғиш кредит рискининг кредит портфели шартномалари ва ўртача тортилган кредит портфели рискка нисбатан тақсимланишини билдиради. Ушбу кўрсаткичлар кредит портфелининг рискка нисбатан диверсификациясини билдиради. Дисперсия ва стандарт оғиш қанчалик катта бўлса кредит портфелининг рискка нисбатан диверсификацияси ҳам шунчалик катта ҳисобланади. Дисперсия ва стандарт оғиш кредит портфели рискларининг кредит шартномасига нисбатан тақсимланиши яхши ёки ёмон томонда бўлишини кўрсатади. Шунинг учун юқорида келтирилган кўрсаткичлар кредит рискин аниқ ҳисоблаш имконини бермайди. Шу боисдан семивариация (*ярим ўзгарувчанлик*) кўрсаткичини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кредит портфели шартномаларига нисбатан кредит таваккалчилигининг ўртача тортилган кредит рискдан четланиш натижасига қараб, кредит шартномалари бўйича таваккалчиликнинг семивариацияси ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Банк кредит портфелини ташкил қиладиган, i -гурухига мансуб қарздорларнинг кредит рисқи ижобий семивариацияси қуйидагича ҳисобланади:

$$PSV = \sum_{i=1}^n t_i^2 \times \frac{S_i}{S}$$

Бу ерда n кредит портфели ҳажми;

t_i – бу банкнинг кредит портфелини ташкил этувчи қарздорларнинг i -гурухи учун тузилган шартномаларга нисбатан кредит рисқларининг ўртача тортилган кредит рисқларидан ижобий оғишидир, яъни:

$$t_i = \begin{cases} 0, & p_i(c) \geq \vartheta \\ p_i(c) - \vartheta, & p_i(c) < \vartheta \end{cases}$$

Банк кредит портфелини ташкил қиладиган, i -гурухига мансуб қарздорлар кредит рисқининг ижобий семивариацияси қуйидагича ҳисобланади:

$$NSV = \sum_{i=1}^n l_i^2 \times \frac{S_i}{S}$$

Бу ерда n кредит портфели ҳажми;

l_i – бу банкнинг кредит портфелини ташкил этувчи қарздорларнинг i -гурухи учун тузилган шартномаларга нисбатан кредит рисқларининг ўртача тортилган кредит рисқларидан манфий оғишидир, яъни:

$$l_i = \begin{cases} 0, & p_i(c) \leq \vartheta \\ p_i(c) - \vartheta, & p_i(c) > \vartheta \end{cases}$$

Банк кредит портфелини ташкил қиладиган, i -гурухига мансуб қарздорлар кредит рисқининг ижобий ва салбий ўртача семиквадратик оғишини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$psv = \sqrt{PSV}$$

$$nsv = \sqrt{NSV}$$

Бу ерда psv – бу банкнинг кредит портфелини ташкил этувчи қарздорлар гуруҳи учун тузилган шартномаларга нисбатан кредит рисқининг ижобий ўртача семиквадратлик оғиши.

бу ерда nsv – бу банкнинг кредит портфелини ташкил этувчи қарздорларнинг i -гурухи учун тузилган шартномаларга нисбатан кредит рискининг салбий ўртача семиквадратлик оғиши.

Кредит портфелининг шартномаларига нисбатан кредит рискининг ижобий ярим ўзгариши (*ижобий ўртача семиквадратлик оғиши*) қанчалик катта бўлса ва уларнинг салбий ярим ўзгарувчанлиги (*манфий ўртача семиквадратлик оғиши*) қанча кам бўлса, банк кредит портфелининг риск даражаси шунчалик паст бўлади.

Таҳлилда фақат иккита кўрсаткичлардан фойдаланиш (*ўртача ва стандарт оғиш*) нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Стандарт оғиш, ноаниқ тарқатиш рискни етарли даражада тавсифламайди, чунки ўзгарувчанликнинг катта қисми кутилаётган рентабелликнинг “яхши” (ўнг) ёки “ёмон” (chap) томонида эканлигини эътиборга олмаган. Шунинг учун ассиметрик тақсимотларни таҳлил қилишда қўшимча кўрсаткич банкнинг кредит портфелини ташкил этувчи қарздорларнинг i -гурух шартномаларига нисбатан кредит рискининг ассиметрия коэффиценти қўлланилади.

Бу учинчи марказий жараённинг меъёрлаштирилган қиймати ва формула бўйича аниқланади:

$$a = \sum_{i=1}^n \frac{S_i}{S} \times (p_i(c) - \bar{p})^3 / \sqrt{V^3(p)}$$

Ассиметрия қаршилик коэффиценти (a) қанча паст бўлса, кредит портфелининг риск даражаси шунчалик паст бўлади, чунки кредит портфели шартномаларига нисбатан кредит рискининг ўртача оғирликдаги ўнг томонида жойлашган ўртача портфель рискдан четга чиқишлари кредит портфелининг кунлик тортилган рискига энг яқин бўлади (ноқулай вазиятда ундан чиқиш) ва кредит портфелининг келишувларига нисбатан кредит рискининг тегишли (мақбул) қийматлари ўртача портфель рискдан сезиларли даражада узоклашади.

Банк кредит портфели рискининг қиймати бошқарув қарорларни амалга ошириш пайтида ноаниқлик даражасини ифодалайдиган, кредит

портфелининг тузилишини акс эттирувчи, банк кредит рискининг сифат кўрсаткичлари сифатида фаолият юритадиган нисбий қийматлар ёрдамида аниқланиши мумкин.

Банк кредит портфелининг риск даражаси қўйидагича аниқланиши мумкин:

$$K_p = \frac{K_1 + K_2}{2} = \frac{K_1 + K_{21} + K_{22} + K_{23} + K_{24}}{2},$$

Бу ерда,

K1 – кредит портфели рискининг ўзгарувчанлиги;

K2 – берилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги ностандарт кредитлар улуши;

K21 – кредит портфелидаги субстандарт кредитлар улуши;

K22 – кредит портфелидаги қоникарсиз кредитлар улуши;

K23 – кредит портфелидаги шубҳали кредитлар улуши;

K24 – кредит портфелидаги умидсиз кредитлар улуши.

Муайян вақт оралиғида риск даражаси ўзгарувчанлиги тенденциясини тавсифловчи кўрсаткич кредит портфелидаги рискнинг ўзгарувчанлиги бўлиб, у қўйидагича аниқланади:

$$K_1 = \frac{\partial \times nsv}{psv}$$

Умумий кредит рискининг ўзгарувчанлиги. Кўрсаткич банкнинг кредит портфелини ташкил этувчи қарздорларнинг *i*-гурухи учун тузилган шартномаларга нисбатан кредит рискининг стандарт четланишига асосланади. Баҳолашнинг турли даврларида банк кредит портфелининг таваккалчилик даражасини таққослашда ушбу кўрсаткичдан фойдаланиш диверсификация (концентрация) рискин аниқлашга имкон беради.

Банк K2 кредит портфелини бошқариш сифатини тавсифловчи кўрсаткич тақдим этилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги ностандарт кредитларнинг улуши бўлиб, ушбу коэффициент K21, K22, K23, K24 кўрсаткичларини йиғиш йўли билан аниқланади, уларни ҳисоблаш стандарт бўлмаган омилларни аниқлашда зарур ҳисобланади.

Банк кредит портфелининг сифатини тавсифловчи биринчи кўрсаткичлардан бири – бу кредит портфелининг умумий хажмидаги субстандарт кредитларнинг улуши:

$$K21 = \frac{\text{Субстандарт кредитлар}}{\text{Банк кредит портфели}} \times 100$$

Ушбу коэффициент банкка кредити сифати ёмонлашаётган қарздорларнинг молиявий ҳолати устидан назорат самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш(сигнал) беради.

Банкнинг кредит портфелидаги муддати ўтган қарзларнинг улушини ҳисоблашнинг навбатдаги босқичи қониқарсиз кредитларнинг банкнинг умумий кредит портфелидаги улушини аниқлашдан иборат:

$$K22 = \frac{\text{Қониқарсиз кредитлар}}{\text{Банк кредит портфели}} \times 100$$

Банкнинг муайян ўзига хос қийинчиликларни бошдан кечираётган мижозлар билан кредит операциялари ҳажмини назорат қилиш муҳимдир. Бунинг учун шубҳали кредитларнинг кредит портфелидаги улушини аниқлаш зарур.

$$K23 = \frac{\text{Шубҳали кредитлар}}{\text{Банк кредит портфели}} \times 100$$

Банк кредит портфели сифатига умидсиз кредитларнинг улуши таъсир қилади.

$$K24 = \frac{\text{Умидсиз кредитлар}}{\text{Банк кредит портфели}} \times 100$$

K24 қиймати нолга тенг бўлиши керак. Ушбу кўрсаткичнинг юқори қиймати банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин

Йўқотилиши кутилаётган кредитлар (ECL)ни ҳисоблашда банк кредит риси бўйича мукофот пули орқали киритилиши ва юзага келиши мумкин бўлган кредит зарарлари учун захиралар.

Бир кредит риси учун кутилаётган кредит зарари, умумий қарздорлик (EAD), кутилаётган эҳтимолий дефолт (PD) ва дефолт ҳолатидаги йўқотишлар (LGD) қўйида келтирилган:

$$ECL = EAD \cdot PD \cdot LGD$$

Бу ерда, EAD – умумий қарздорлик;

PD – кутилаётган эҳтимолий дефолт;

LGD – дефолт ҳолатидаги йўқотишлар.

Кредит портфелида кутилаётган йўқотишлар rischi деб кредитлардан кутилаётган жами йўқотишлар суммасига айтилади.

$$ECL \text{ умумий риск} = \sum ECL \text{ бир риск}$$

Йўқотилиши кутилмаган кредитларни ҳисоблаш орқали банк мақсадли кредит рейтинги билан белгиланадиган муҳимлик даражасида ошиб кетадиган максимал йўқотишларни аниқлайди.

Бир кредит rischi учун йўқотилиши кутилмаган кредитлар, умумий қарздорлик (EAD), кутилаётган эҳтимолий дефолт (PD) ва дефолт ҳолатидаги йўқотишлар (LGD) қўйида келтирилган йўқотилиши кутилаётган кредитларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши мумкин.

$$UCL = \sum (EAD \cdot PD_y(N^{-1}(\alpha), PD) \cdot LGD) - ECL$$

Бу ерда, EAD – умумий қарздорлик;

PD – кутилаётган эҳтимолий дефолт;

LGD – дефолт ҳолатидаги йўқотишлар;

N^{-1} – стандарт нормал тақсимотнинг тескари функцияси;

α - даражаси

Йўқотилиши кутилмаган кредитлар даражаси қўйида келтирилган битта риск ўртасидаги корреляцион омил (ρ) йўлга қўйилган битта риск учун йўқотилиши кутилмаган кредитлар маҳсули сифатида белгиланиши мумкин.

$$EC = \sqrt{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n UCL_j \cdot UCL_j \cdot \rho_{ij}}$$

Корреляцион омил саноат ва маҳсулот бўйича риск экспорти ўртасидаги статистик муносабатларни кузатишга асосланган ҳолда баҳоланади.

Кредит риск даражаси ўсишининг олдини олиш мақсадида Банк кредит риски бўйича доимий мониторинг олиб боради.

Кредит риски мониторинги бир қарз олувчи кесимида ва умуман банкнинг кредит портфелида ҳам амалга оширилади.

Кредит портфели бўйича кредит рискни назорат қилиш мақсадида банк кредит риск индикатори (кўрсаткичлари) тизимидан фойдаланади.

Банк томонидан қабул қилинган кредит риски даражаси билан назарий ёки эмпирик жиҳатдан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қўйидагича қўлланилади:

K_q – кредит сифати кўрсаткичи, кредит порфелидаги умидсиз кредитларнинг улуши, у қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_q = \frac{Loss}{KP} \times 100\%$$

Бу ерда, Loss – умидсиз кредит, KP – кредит портфели. Марказий банкнинг амалдаги Низомига асосан белгиланади.

$K_{гарос}$ – рискларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий капиталдан олинган фойдани ҳисоблаш, яъни фоизли даромаддан яратилган захиралар чегирилади / кредит қолдиғи * кредитнинг ўртача рискка тортилиш даражаси * капитал етарлилик кўрсаткичи фоизига (бугунги кунда: 13%) ва у қўйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{гарос} = \frac{I_i - P}{L * RWA * CAR}$$

Бу ерда, I_i – фоизи даромад;

P – шакллантирилган захиралар;

L – кредит қолдиғи;

RWA – кредитларнинг рискка тортилиш даражаси;

CAR – капитал етарлилик коэффиценти(13%).

K_{npl} – муддати ўтган кредит (NPL) улуши кўрсаткичи муддати ўтган кредитларнинг жами кредит портфелдаги улуши тавсиявий миқдори 5 %дан ошмаслиги керак, қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_{npl} = \frac{NPL}{KP} \times 100\%$$

Бу ерда, NPL – муддати 90 кундан ўтган кредитлар;

КР – кредит портфель.

K_p – эҳтимолий йўқотишлар бўйича шаклланган захиралар, муддати ўтган кредитлар (NPL)ни захира билан қопланиши тавсиявий миқдори 100%дан кам бўлмаслиги лозим ва қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_p = \frac{NPL}{P} \times 100\%$$

Бу ерда, NPL – муддати 90 кундан ўтган кредитлар;

P – ҳақиқатда шаклланган жами захиралар.

Кредит портфели рискинни тартибга солишнинг асосий усуллари диверсификациялаш, лимитлар белгилаш, захиралар ташкил этиш, ваколатлар ва қарорлар қабул қилиш тизими ҳисобланади.

Банк кредит портфелини диверсификациялаш, ссудаларнинг турли қарздор гуруҳлари, тақдим қилиш муддатлари, таъминот турлари, тармоқ белгилари бўйича тақсимлаш орқали амалга оширилади. Кредит портфелининг муддатлар бўйича диверсификация қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда кредит муддатининг ортиши билан кредит таваккалчилиги даражаси ҳам ортиб боради.

Қарздорларни диверсификациялаш, кредитлаш мақсадлари (истеъмол, ипотека, таълим, микроқарз, овердрафт ва бошқалар) бўйича турли аҳоли гуруҳларига қараб амалга оширилиши мумкин. Хўжалик субъектларига нисбатан эса диверсификация мулкчилик шакли ҳамда фаолият соҳасига кўра ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тармоқлар бўйича диверсификациялаш кредитларни ўз фаолиятини иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган мижозлар бўйича тақсимлайди.

Кредит рисклари бўйича стресс-тест ўтказиш жараёнининг банк кредит рискларига таъсири, кредит риски омилларидаги жиддий салбий ўзгаришлар сценарийси орқали ҳисоблаб чиқилади. Кредит рисклари стресс-тест сиёсатига асосан ўтказилади.

Стресс-тест методологияси – бу операцияларнинг ҳар бир тури бўйича ва ҳар бир кредит рискга таъсир қилиши учун қўлланиши мумкин ва

сезувчанлигини таҳлил қилишдир.

Битта риск бўйича стресс-тестни ҳисоблаш қўйидагича:

$$\text{Single Stress Loss} = \text{Risk Exposure} \cdot \text{Scenario risk factor}$$

Умумий портфель рисклари учун стресс-тест ҳисоб-китоби йўқотишларнинг ўзаро боғлиқ бўлмаган йиғиндиси қўйидагича ўзаро боғлиқ ўлчов сифатида ишлаб чиқилиши керак.

$$\text{Total Stress Loss} = \left\{ \begin{array}{l} \sum \text{Single Stress Loss, Uncorrelated} \\ \sum \text{Total Exposure} \cdot \text{Scenario risk factor, Correlated} \end{array} \right.$$

Бу ерда, Total Stress Loss – Умумий стресс йўқотиш;

Single stress Loss, uncorrelated – ўзаро боғлиқ бўлмаган ягона стрессни йўқотиш;

Total exposure, scenario risk factor, correlated – жами риск, риск сценарий, боғлиқлик.

Кредит рискини тартибга солишнинг асосий йўналиши – кредит рискини олдини олиш ёки улар билан боғлиқ йўқотишларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Кредит рискини минималлаштириш кредитлар бўйича йўқотишларга олиб келувчи вазият ва ҳолатлар пайдо бўлиш эҳтимолини камайтириш ва (ёки) потенциал йўқотишларни чегаралаш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириши зарур.

Банк кредит рискларини чегаралаш мақсадида иқтисодий фаолият турлари бўйича, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳудудий чегаралар, иқтисодий фаолият турлари бўйича кредитни тақдим қилиш максимал муддатлари; баланс ва балансдан ташқари кредит портфели нисбати, жисмоний шахсларни чакана кредитлаш йўналишлари бўйича лимитлар ўрнатиши лозим.

Банк учун кредит портфели рисклилиги даражасини камайтиришнинг самарали усули захиралар ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу усул омонатчилар, кредиторлар, акциядорлар билан бир каторда кредит

портфелининг сифатини, банкка бўлган ишончни ҳимоялашга қаратилган. Захиралар ташкил этиш қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги натижасида мажбуриятларни бажара олмаслиги оқибатида зарар кўрмаслик мақсадида ташкил этилади.

Кредит рискларини бошқариш Банк кузатув кенгашига кредит ва риск аппетити сиёсатини тасдиқлаш, шунингдек, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; кредит рискларини бошқаришнинг асосий тамойилларига мос келадиган банкнинг ташкилий тузилмасини яратишни таъминлаш; банк ижроия органларининг кредит рискларини бошқариш бўйича фаолиятини назорат қилиш; Банк бошқаруви лимитидан юқори бўлган қарздорларга кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилиш; Банк бошқаруви томонидан тақдим этилган кредит рискларини бошқариш бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш ваколат ва вазифларини бериши керак.

Банк бошқарувига кредит рискларини бошқариш қоидалари ва тартибларини белгилаб берувчи ички меъёрий ҳужжатларни ва уларга киритилган ўзгартиришларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (низомлар, тартиблар, қоидалар, методикалар, регламентлар, тариф ва бошқалар), кредит рискларини бошқариш бўйича ваколат ва жавобгарликни турли даражадаги бўлинмалар раҳбарлари ўртасида тақсимлаш, уларни зарур ресурслар билан таъминлаш, ўзаро таъсир ўтказиш ва ҳисобот бериш тартибини белгилаш бўйича ваколат ва вазифаларни бериш лозим.

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмасига кредит рискларини бошқариш тизимига оид ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш; кредит рискларини бошқариш билан боғлиқ масалалар бўйича банкнинг ички ҳужжатларини мувофиқлаштириш; кредит таваккалчиликлари устидан назоратни амалга оширади ва унинг натижалари тўғрисида банк бошқарув органларини хабардор қилиш; кредит рискларини аниқлаб, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш; кредит rischi даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича услубий кўрсатма ва таклифларини тақдим этиш; кредит рискларини бошқариш тизимини таҳлил (риск аудити, ўзини-ўзи баҳолаш) қилади ва илғор халқаро

тажриба ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; кредит рискларини бошқаришни автоматлаштириш тизимини шакллантириш бўйича техник топшириқларни бериш ва бажарилишини назорат қилиш каби ваколат ва вазифаларни бириктириш зарур.

3.2. Банкларда кредит рискларини скоринг рейтинг тизими орқали баҳолаш

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари жисмоний шахсларга банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан потенциал қарз олувчини масофадан туриб идентификациялаш, маълумотлар хавфсиз алмашувини амалга ошириш ва скоринг модели асосида қарз олувчининг кредит қобилиятини баҳолашни таъминлаш шарти билан онлайн-кредитлар (микроқарзлар) бериш ҳуқуқига эга⁸⁴ эканлиги ҳар бир тижорат банклари ўзларининг скоринг баҳолаш тизими орқали миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаши мумкин бўлади.

Банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмасининг вазифаларидан бири сифатида банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресс-тестдан ўтказиш ва миждозларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш⁸⁵ белгиланганлиги банкларда скоринг рейтинг тизими орқали миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш орқали кредит рискинни олдини олиш зарур бўлади.

Ҳозирги вақтда банклар фирибгарлик ҳолатларининг ва ёмон кредитлар сонининг кўпайиши ҳисобига рискларни таҳлил қилиш талабларини оширмоқда. Кредит скоринги кредит тўлашдан бош тортиш рискинни камайтириш воситаси, шунингдек, кредит портфелининг мақбул тузилишини

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4400-сонли Фармони 2019 йил 23 июль

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

аниқлашга, таваккалчилик даражасига қараб кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мослаштиришга ёрдам беради⁸⁶.

Кредит скоринги қарз олувчига ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига ва имкониятларига қараб баллар бериш тизими ҳисобланади. Баллар статистик модел ёки математик алгоритм ёрдамида миждозлар маълумотлари миқдорига қараб ҳисобланади. Бошқача айтганда, кредит ташкилоти миждоз ҳақидаги мавжуд маълумотларни холис қарор қабул қилиш ва миждознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш имконини берадиган миқдорий кўрсаткичларга айлантириши керак⁸⁷.

Ушбу ҳолатлар банкларда кредит рискларини олдини олиш ҳамда тезкор ҳолда миждозларнинг кредитга тўлов қобилиятини аниқлаш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Профессор Алешин В.А. кредит скоринги бу – банкдаги кредит фаолиятини бошқаришнинг асосий вазифаларини сифатли ҳал қилиш имконини беради, масалан, қарз олувчининг кредит беришини баҳолаш моделларини яратиш; қарз олувчи билан ишлашни максимал даражада автоматлаштириш; кредит сиёсатини бошқаришнинг марказлаштирилган тизимини яратиш; онлайн мониторинг ва ҳисобот бериш тизимини яратиш; кредит портфели сифати ўзгариши динамикаси прогноз қилиши эканини айтади.

У қўллаш соҳасига қараб қуйидаги расмда кўрсатилган скоринг турларига ажратилади. Банк амалиётида энг кенг тарқалган скоринг тури – бу аризачининг скоринги ҳисобланади⁸⁸.

⁸⁶ Сорокин А.С. “Построение скоринговых карт с использованием модели логистической регрессии” Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Выпуск 2, март – апрель 2014

⁸⁷ Гичан О., Господарик Е. “Современная практика разработки скоринговых карт для розничных клиентов в белорусских банках” <https://www.nbrb.by/bv/articles/10752.pdf> Банкаўскі веснік, КРАСАВІК 2020

⁸⁸ Алешин В.А., Рудаева О.О., “Кредитный скоринг как инструмент повышения качества банковского риск-менеджмента в современных условиях” TERRA ECONOMICUS 2012 Том 10 № 2 Часть 3

Скоринг тури	Таснифи
<i>Аризаچини скоринг қилиш (Application scoring)</i>	Янги мижозларнинг кредитни тўламаслик эҳтимолини баҳолаш
<i>Хулқ-атвор (Behavioral scoring)</i>	Қарз олувчиларнинг хулқ-атвори тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида риск даражасини ҳисоблаш
<i>Кечиктирилган қарзлар (Collection)</i>	Кечиктириб тўловчиларга қачон ва қандай чоралар кўриш кераклигини аниқлаш
<i>Фирибгарликка қарши курашиш (Fraud scoring)</i>	Янги мижозларнинг фирибгар эмаслиги эҳтимолини баҳолаш
<i>Жавоб скоринги (Response scoring)</i>	Истеъмолчининг реакциясини (жавоб) баҳолаш унга таклиф қилинаётган йўналиш бўйича
<i>Йўқомишлар скоринги (Attrition scoring)</i>	маҳсулотни келажакда ишлатиш ёки бошқа маҳсулот етказиб берувчига ўтиш эҳтимолини баҳолаш

3.2-расм. Қўлланилиш соҳасига қараб скорингнинг таснифланиши⁸⁹

Глинкина Е.В. фикрига кўра, иқтисодиётда скоринг банк соҳасида энг кенг тарқалган. Скоринг мижознинг кредитлаш имкониятини кўриб чиқаётганда ушбу потенциал қарз олувчининг банкротлик эҳтимолини баҳолаш ҳисобланади. Скоринг – бу мижозлар базасини турли гуруҳларга ажратиш модели бўлиб, унда бу гуруҳларни ажратувчи хусусият номаълум, лекин қизиқиш хусусияти билан боғлиқ бошқа омилларни ҳисобга олади⁹⁰.

Кредит скоринг усули биринчи марта 1940 йилларнинг бошларида америкалик иқтисодчи Д. Дуранд томонидан таклиф қилинган. Скоринг орқали истеъмол кредити учун қарз олувчиларни танлаш муаммосини ҳал қилган⁹¹.

Банк амалиётида қарз олувчи фаолиятининг молиявий бўлмаган томонларини таҳлилий (яъни расмий бўлмаган) баҳолашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай ҳолда, қуйидаги хусусиятларни баҳолаш энг мақбулдир:

қарз олувчи ҳақида умумий маълумот (фаолият муддати, пул оқими, ишбилармонлик обрўси, таъсисчиларнинг барқарорлиги, давлатнинг устав капиталидаги улуши ва бошқалар);

⁸⁹ Terra economicus 2012 Том 10 № 2 Часть 3

⁹⁰ Глинкина Е.В. “Кредитный скоринг как инструмент эффективной оценки кредитоспособности” Финансы и кредит 16 (448) – 2011

⁹¹ Кабушкин С.Н. Управление банковским риском. Минск. 2006. С. 180.

қарз олувчининг фаолиятини баҳолаш (фаолиятни диверсификация қилиш, маҳсулотга, қарз олувчининг хизматларига талаб даражаси, етказиб берувчилар билан муносабатлар, фаолият тури ва бошқалар);

қарз олувчининг ушбу банкдаги, бошқа банклардаги кредит тарихи.

Шу билан бирга, ликвидлик, молиявий мустақиллик, товар айланмаси ва рентабеллик коэффициентлари Россия кредит скоринги амалиётида асосий молиявий кўрсаткичлар сифатида қаралади⁹².

Скоринг рейтинг тизими банкка кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган ёки сўралаётган кредит бўйича кафилик тақдим этаётган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилик даражасини аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва коэффициентлар мажмуидир.

Тижорат банкларда кредитга талабгор мижозларнинг тўлов қобилиятини скоринг тизими орқали баҳолашда Марказий банк томонидан белгиланган талабларга ва соҳанинг етакчи амалиётига мувофиқ келадиган умумий кредит рискларини олдини олиш учун мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини, баҳолаш, таҳлил қилишда эътиборга олиниш лозим бўлган жихатларни тадқиқ этиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишларининг илмий хулосалари ва муаллифларнинг амалий тажрибалари асосида мустақил ёндашувлар шакллантирилди. Шунингдек жадвал, аналитик таққослаш, мантиқий таҳлил, гуруҳлаш каби усуллардан ҳамда статистик маълумотлардан кенг фойдаланилган.

Жисмоний шахс учун унинг ижтимоий мақоми, молиявий даромадлари, мавжуд мол-мулки (активлари) ва кредит тарихи каби омиллар, якка тартибдаги тадбиркорлар учун кредит тарихи, тадбиркорлик фаолияти ва жисмоний шахс сифатида баҳоланадиган омиллар, юридик шахслар учун эса баланс ва молиявий натижалар бўйича ҳисоботидан келиб чиқиб

⁹² Щербакова Т.А. Анализ финансового состояния корпоративного клиента и его роль в оценке кредитоспособности заемщика // Финансы и кредит. 2009. № 22

ҳисобланадиган миқдорий кўрсаткичлар ва субъект фаолияти, кредит тарихи ҳамда сўралаётган кредит хусусияти билан боғлиқ сифат кўрсаткичлари каби омиллар кредитга лаёқатлиликни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, скоринг рейтинг тизими ушбу омилларни ҳисобга олган бўлиб, кредит рискин аниқлаш ва баҳолашнинг бирламчи воситаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу омиллардаги кўрсаткичлар кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг базавий кўрсаткичлари ҳисобланиб, мижознинг кредитга лаёқатлилик ва кредит интизомини ифодаловчи бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Скоринг рейтинг тизими бўйича кредит риск даражасини аниқлашда имкон берувчи омиллар гуруҳидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида балл берилади. Гуруҳлар бўйича берилган баллар умумлаштирилиб, жами тўпланган балларга асосан мижоз яшил, сариқ ёки қизил ҳудуддан бирига тушади ва кредит ажратиш ёки ажратмаслик бўйича хулоса қилинади.

Мижозни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун маълумотларни тўлдириш мижозлар билан ишловчи менежерлар (Relationship managers) томонидан амалга оширилади. Бунда айрим маълумотлар инсон омили иштирокини чеклаш мақсадида автоматик тўлдирилиши мумкин. Шунингдек, агар кредит онлайн ажратилаётган бўлса, дастур албатта скоринг тизими элементларини ўз ичига олган бўлиши лозим

Скоринг тизими умумий характерда бўлиб, ҳар бир кредит маҳсулоти хусусиятидан келиб чиқиб, скоринг параметрлари алоҳида танлаб олиниши мумкин.

Юридик шахсларни скоринг тизими орқали баҳолашда қуйидаги миқдорий коэффициентлардан фойдаланилади;

Фаоллик кўрсаткичлари – икки давр кўрсаткичларини ўзаро бир-бирига солиштириш орқали, яъни мос даврлардаги кўрсаткичлар айирмаси олинади ва у биринчи санадаги кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланади. Бу ўз ичига сотишдан тушган соф тушумларнинг ўсиши, активлар ўсиши, ялпи фойданинг

ўсиши, операцион фойданинг ўсиши ва соф фойданинг ўсиши каби кўрсаткичларни олади.

Айланувчанлик кўрсаткичлари – жорий активлари ва жорий мажбуриятларнинг қанчалик тез айланишини ифодалайди. Операцион циклнинг айланиш даври, айланма маблағларнинг айланувчанлиги, дебитор қарздорлигининг айланувчанлиги, товар моддий захираларнинг айланувчанлиги ва кредитор қарздорлигининг айланувчанлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

$$\text{Операцион цикл айланиш даври} = \frac{\text{Дебитор қарздорлигининг айланувчанлик даври}}{\text{Дебитор қарздорлигининг айланувчанлик даври}} + \frac{\text{Товар-моддий захираларнинг айланувчанлик даври}}{\text{Товар-моддий захираларнинг айланувчанлик даври}} - \frac{\text{Кредит қарздорлигининг айланувчанлик даври}}{\text{Кредит қарздорлигининг айланувчанлик даври}}$$

$$\text{Айланма активларнинг айланувчанлиги} = \frac{\text{Сотишдан соф тушум}}{\text{Соф айланма активлар}} \quad \text{Дебитор қарздорликлари айланувчанлиги} = \frac{\text{Сотишдан соф тушум}}{\text{Дебиторлик қарздорликлар}}$$

$$\text{Кредитор қарздорликлари айланувчанлиги} = \frac{\text{Махсулот таннархи}}{\text{Кредиторлик қарздорликлари}} \quad \text{Товар моддий-захиралар айланувчанлиги} = \frac{\text{Махсулот таннархи}}{\text{Товар моддий захиралар}}$$

Фойдалилик кўрсаткичлари – хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар бўлиб, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, ялпи фойда маржаси, операцион фойда маржаси ва соф фойда маржаси каби коэффицентлардан фойдаланилади.

$$\text{Активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами активлар}} \quad \text{Капитал рентабеллиги} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий капитал}}$$

$$\text{Ялпи фойда маржаси} = \frac{\text{Ялпи фойда}}{\text{Сотишдан соф тушум}} \quad \text{Операцион фойда маржаси} = \frac{\text{Операцион фойда}}{\text{Сотишдан соф тушум}}$$

Ликвидлилик кўрсаткичлари – хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобилиятлигини ва қисқа муддатли мажбуриятларини жорий активлари орқали қанчалик қоплай олишини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Жорий ликвидлилик кўрсаткичи, жорий мажбуриятлар улуши, лаҳзали ликвидлилик коэффициенти, пул маблағлари билан таъминланганлик ва айланма маблағлари билан таъминланганлик каби коэффицентлар билан ифодаланади.

$$\frac{\text{Соф фойда маржаси}}{=} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Сотишдан соф тушум}}$$

$$\frac{\text{Жорий ликвидлилик коэффициенти}}{=} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} \quad \frac{\text{Жорий мажбуриятлар улуши}}{=} = \frac{\text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Жами мажбуриятлар}}$$

$$\frac{\text{Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти}}{=} = \frac{\text{Жорий активлар} - \text{Товар моддий заҳиралар}}{\text{Жами мажбуриятлар}} \quad \frac{\text{Пул маблағлари билан таъминланганлилик}}{=} = \frac{\text{Пул маблағлари}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

$$\frac{\text{Айланма маблағлари билан таъминланганлилик}}{=} = \frac{\text{Жорий активлар} - \text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Сотишдан соф тушум}}$$

Қарз юки кўрсаткичлари – хўжалик юритувчи субъектнинг банк олдидаги мажбуриятларини қоплай олиш қобилиятини ўзида ифодалаб, қарз маблағларининг даромаддаги улуши, қарз маблағларининг капиталдаги улуши, молиявий ричаг даражаси, кредит асосий қарзи ва фоиз тўловлари қопланиш қобилияти кўрсаткичларидан иборат.

$$\frac{\text{Қарз маблағларининг даромаддаги улуши}}{=} = \frac{\text{Қарз маблағлари}}{\text{Сотишдан соф тушум}} \quad \frac{\text{Қарз маблағларининг капиталдаги улуши}}{=} = \frac{\text{Қарз маблағлари}}{\text{Хусусий капитал}}$$

$$\frac{\text{Молиявий ричаг коэффициенти}}{=} = \frac{\text{Хусусий капитали}}{\text{Жами активлар}} \quad \frac{\text{Асосий қарз қопланиши (1 йиллик)}}{=} = \frac{\text{Операцион даромад}}{\text{Қарз маблағлари}}$$

$$\frac{\text{Фоиз тўловлари қопланиши (1 йиллик)}}{=} = \frac{\text{Фоизли харажатлар ва солиқ тўлангунга қадар фойда}}{\text{Кредит фоизи бўйича тўловлар}}$$

Юридик шахслар кредит скоринги сифат кўрсаткичларини баҳолашда бизнес рисли профили, тармоқ рисли профили ва молиявий восита (кредит лойиҳаси) мезонлари баҳоланади ва рисклилик даражасидан келиб чиққан ҳолда вазнли-баллар ҳисобланади. Тўпланган баллар қайси рисли интервалида жойлашганлигига мувофиқ кесимша матрицадан юқорида ҳисобланган молиявий ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда сўралаётган кредит рейтингли аниқланади.

Жисмоний шахсларнинг ўртача ойлик даромадларига асосан кредитлашнинг максимал миқдорини аниқлаш скоринг тизимида қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги аниқлангандан сўнг қарз олувчининг молиявий ҳолати ўрганилади ва қарз олувчининг максимал кредитлаш миқдори аниқланади.

Кредитнинг максимал миқдорини аниқлаш миқдорнинг ойлик даромад ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларга асосланади.

Қарз олувчининг максимал кредит миқдорини аниқлаш учун миқдорнинг ўртача ойлик даромадлари ҳамда мажбуриятлар бўйича ойлик тўловлари ҳақида маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади;

Ойлик ўртача соф даромад = ўртача ойлик даромадлари – мавжуд мажбуриятлар бўйича ойлик тўловларни

$$\underline{SD = D - M}$$

Ойлик кредит тўлов = Ойлик ўртача соф даромад – Чегирма

$$\underline{KT = SD - Ch}$$

Бунда чегирма 2 хил усулда ҳисобланиши мумкин;

$$\underline{Ch = SD * k}$$

ёки

$$Ch = \begin{cases} a, & SD * k < a \\ SD * k, & SD * k \in [a; b] \\ b, & SD * k > b \end{cases}$$

Кредитнинг максимал миқдори = Ойлик кредит тўлов * ((1 - (1 + Фоиз ставкаси / 12) ^ -Кредит муддати) / Фоиз ставкаси / 12)

$$KMM = KT * \left[\frac{1 - \left(1 + \frac{r}{12}\right)^{-n}}{\frac{r}{12}} \right]$$

Бунда;

KMM – Кредитнинг максимал миқдори.

KT – Ойлик кредит тўлов;

D – Ўртача ойлик даромади;

M–Мавжуд мажбуриятлар бўйича ойлик тўловлар (бу ўз ичига миждознинг 1 ойлик бошқа кредитлари бўйича тўловлари, солиқлар, коммунал тўловлар ва бошқа харажатларини олади);

SD – Ойлик ўртача соф даромад;

Ch – миждознинг шахсий эҳтиёжлари учун қолдирилиши лозим бўлган ва / ёки даромади ўзгариши эҳтимоли инобатга олинандиган чегирма суммаси;

a, b – бу қарз олувчининг бир ойлик ўртача соф даромадидан минимал ва максимал бир ойлик чегирмаси;

k – кредитнинг максимал миқдори аниқланишида ишлатиландиган коэффициент риск менеждмент бўлинмаси томонидан белгиланади.

n – кредит муддати (ойлар сони);

r – кредит фоиз ставкаси;

Жисмоний шахсларнинг кредит лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги маълумотларни ва кўрсаткичлар инобатга олиниши лозим:

Шахсий маълумотлар – қарз олувчининг ёши; қарз олувчининг жинси; қарз олувчининг яшаш жойи; рўйхатга олинган жойда яшаш давомийлиги; ўз яшаш жойининг мавжудлиги; қарз олувчи билан боғланиш имконияти; оилавий аҳволи; қарамоғидаги боқимандалар сони; маълумоти;

Меҳнат фаолияти – бандлик тури; эгаллаб турган лавозими; умумий иш фаолияти давомийлиги; сўнгги иш жойидаги иш давомийлиги; иш жойи; ташкилот ҳажми; иш берувчи банк билан алоқаси; алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи)нинг касби ҳамда ташкилотнинг фаолият давомийлиги;

Қарз олувчининг молиявий-мулкӣ ҳолати: қарз олувчининг бир ойлик ўртача даромади; бир ойлик кредит тўлов / ойлик даромад; кредит миқдори / ойлик даромад; ўз кўчмас мулкнинг маълумотлари; мулк майдони; шахсий автомобил воситасининг мавжудлиги; шахсий автомобил воситасининг миқдори; пластик картанинг мавжудлиги; пластик картага келиб тушадиган тушумлар (1 ой ичида) ва пластик карта тушумлари айланмаси (доимий равишда).

Кредит тарихи: кредит тарихининг мавжудлиги; кредит тарихининг давомийлиги (йилда); жорий кредит мажбуриятларининг мавжудлиги; суд жараёнидаги қарздорлиги мавжудлиги; охириги мавжуд кредитнинг олинган муддати; муддати ўтган кредит қарздорликлар мавжудлиги; ой охирида муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (охириги 12 ойда неча маротаба); ой охирида муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (қанча вақт олдин); охириги кредит қачон тўлик сўндирилган; жорий кредитларининг ўртача қолдиғини кредит шартнома миқдorigа нисбати, яъни жорий кредит юклагаси; барча жорий кредитларнинг кейинги 12 ой давомида максимал ойлик тўлов миқдори ҳамда барча жорий кредитлар бўйича келгуси 12 ой давомидаги максимал ойлик тўловни миқдорнинг ўртача ойлик даромадига нисбати.

Банк билан алоқалари: амалдаги миқдор; охириги 30 кун ичида ҳисоб рақамлари айланмаси; банк билан муносабатларнинг давомийлиги (йиллар) ва банк билан муносабатлар тури.

Кредит параметрлари: кредит тури; кредит муддати; тақдим этилаётган таъминот тури; бошланғич бадал миқдори ҳамда мулк қиймати / кредит миқдори.

Якка тартибдаги кредит лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги маълумотларни ва кўрсаткичлар инобатга олинши лозим:

Шахсий маълумотлар: қарз олувчининг ёши; қарз олувчининг жинси ва қарз олувчининг яшаш ҳудуди.

Тадбиркорлик фаолияти: қарз / сотишдан тушган соф тушум; соф фойда / сотишдан тушган соф тушум; фаолият тури бўйича иш тажрибаси; асосий ҳисоб рақамлари бўйича ўртача ойлик айланмаси; мазкур банк миқдори; асосий ҳисоб-рақамлари бўйича айланмаси доимий; асосий ҳисоб-рақамлари бўйича ўртача

ойлик айланмаси (фоизда); фаолиятнинг мунтазамлиги; ўз биноларининг мавжудлиги ва банк билан муносабатлар тури;

Кредит тарихи: кредит тарихининг мавжудлиги; кредит тарихининг давомийлиги (йилда); жорий кредит мажбуриятларининг мавжудлиги; суд жараёнидаги қарздорлиги мавжудлиги; охириги мавжуд кредитнинг олинган муддати; муддати ўтган кредит қарздорликлар мавжудлиги; ой охирида муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (охириги 12 ойда неча маротаба); ой охирида муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (қанча вақт олдин); охириги кредит қачон тўлиқ сўндирилган; жорий кредитларининг ўртача қолдиғини кредит шартнома миқдorigа нисбати, яъни жорий кредит юкламаси; барча жорий кредитларнинг кейинги 12 ой давомида максимал ойлик тўлов миқдори; банклар олдидаги кредитдан ташқари жорий мажбуриятлари (кафилликлар ёки бошқалар); ой охирига қадармуддати ўтган қарздорлик куни; биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги, кунда ҳамда биринчи транш бўйичамуддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (бу ҳолат қанча вақт олдин бўлган)

Кредит параметрлари: кредит тури; кредит муддати; тақдим этилаётган таъминот тури; бошланғич бадал миқдори ва мулк қиймати / кредит миқдори.

Жисмоний шахсларнинг қарз олувчининг молиявий-мулкий ҳолати бўйича алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи) бир ойлик ўртача даромади, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи)нинг кўчмас мулкининг жойлашган ҳудуди, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи) шахсий автомобил воситасининг мавжудлиги, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи) пластик картасининг мавжудлиги, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи)нинг пластик картасига келиб тушадиган тушумлар (1 ой ичида)лари тўғрисидаги маълумотларни скоринг баҳолаш тизимига киритиш зарур.

Жисмоний шахсларнинг кредит лаёқатлилигини баҳолашда кредит тарихини ўрганишда банклар олдидаги кредитдан ташқари жорий мажбуриятлари (кафилликлар ёки бошқалар), ой охирига қадар муддати ўтган қарздорлик куни, биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги, биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (бу ҳолат қанча вақт олдин бўлган),

қарздор тақдим этган кафилликлари бўйича бошқа кредитлар ёки турмуш ўртоғининг кредити, яқка тартибдаги тадбиркор сифати кредитлари бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (кунда) каби маълумотларни инобатга олиш лозим.

Юридик шахсларнинг кредит лаёқатлилигини баҳолашда сифат кўрсаткичларини, яъни эгалик таркиби, фаолият масштаби, компания обрўси, банк томонидаан ҳизмат кўрсатилиш муддати, малака даражаси, аҳамиятли ходимлар rischi, бизнес режалаштириш сифати, ҳисобот ва ҳисоб сифати, кредит тарихи мавжудлиги ва кредит тарихи сифати каби кўрсаткичларни инобатга олиш керак.

Корпоратив мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини скоринг баҳолаш тизимига Мижоз тармоғи riskини баҳолаш жумладан: бозордаги жорий ҳолат, бозор ҳолати прогнози, рақобат позицияси, бозордаги улуш, рақобат даражаси, ҳамкорлар билан муносабат, жаҳон нархларининг таъсири, валюта riskи, фаолият давомийлиги инқироз шароитидаги корхона барқарорлигини акс эттириш лозим бўлади.

Операцион riskларни олдини масадида ишлаб чиқилган скоринг баҳолаш тизимига киритилган баҳолаш бўйича кўрсаткичлар, маълумотлар ва коэффициентлар бўйича бериладиган баҳо балларини (оғирлигини) филиал инспекторига маълум қилмаслик лозим.

3.3. Кредит riskи муқофотини ҳисоблашни такомиллаштириш

Банк ўз фаолиятини жалб қилинган ва ссуда кўринишида жойлаштирилган маблағлар қиймати ўртасидаги маржани олиш мақсадида амалга оширади. Шу билан бирга, маржа кредит тўлашнинг мумкин бўлмаган riskини ва бошқа хавфларни, масалан, валюта riskини қоплаши керак бўлади⁹³.

⁹³ Курныкина О.В. Управление эффективностью в коммерческом банке: контроль и аудит // Банковское дело. 2015. № 6. С. 89-92

Маълумки, кредит фоиз ставкасини белгилашда ресурс харажатлари, операцион харажатлар, кредит риск қиймати ва банк маржаси ҳисобга олинади. Банкларда юзага келадиган кредит рискларини олдини олиш ёки рискларни қабул қилиш мақсадида ҳар бир кредит лойиҳаси ёки кредит портфелининг риск қийматини ҳисоблаш ва уни якуний кредит фоиз ставкасига қўшиш лозим бўлади.

Ушбу ҳолатлар банкларда кредит rischi мукофотини ҳисоблаш йўллари ва усулларини ўрганиш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Пирогов С. фоиз даромадлари банклар учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бу даромадлар, қарзни тўламаслик rischi билан боғлиқ. Бунда яратилган захира Cost of Risk (CoR ёки "риск қиймати") кўрсаткичи ҳисобга олинади. Бу банкнинг таваккалчилик даражасини тавсифловчи кўрсаткич. Бу кредит портфелига яратилган захира харажатларини кредит портфеллари ҳажмига нисбати сифатида белгиланади⁹⁴, деб фикр билдиради.

Зельцер М. риск қиймати, COR (cost of risk) - молиявий институтнинг барқарорлигини акс эттирувчи коэффициент ҳисобланади. Умуман олганда, бу – зарарни суғурталаш қиймати. Банк учун бу кредит портфелининг ҳажми билан боғлиқ бўлган йўқотишлар бўйича захираларни яратиш харажатлари, деб тариф беради⁹⁵.

Рыжков С. риск қиймати (cost of risk) – банк кредит беришда ўз зиммасига оладиган таваккалчилик даражасини тавсифловчи кўрсаткич. Баллар қанчалик паст бўлса, шунча яхши. У кредит портфелининг катталигига бўлинадиган қарзлар бўйича захиралар йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Бошқа ҳисоб -китоблар ҳам мумкин, бу барча захираларни ўз ичига олмайди,

⁹⁴ Пирогов С. "Банки: стоимость риска создаёт потенциал для интересной точки входа" <https://ru.investing.com/analysis/article-200279369>

⁹⁵ Зельцер М. "В помощь инвестору: как анализировать отчетность банков" <https://bcs-express.ru/novosti-i-analitika/v-pomoshch-investoru-kak-analizirovat-otchetnost-bankov>

фақат маълум бир йилда яратилган захираларни ўз ичига олади, деб маълумот беради⁹⁶.

Риск қиймати (cost of risk) жорий йилда кредитларга яратилган йиллик махсус захираларнинг йиллик ўртача кредит портфели қолдиғига нисбати сифатида аниқланадиган кўрсаткич ҳисобланади. Албатта, бу банк бўйича жами кредит rischi қиймати ҳисобланади.

Бироқ бу кўрсаткични ажратиладиган барча кредитларнинг устама фоизига қўшиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу нутаи назардан ҳар бир кредит лойиҳа бўйича кредит rischi қийматини ҳисоблаш лозим. Кредит лойиҳалари бўйича кредит мукофоти лойиҳа муддати, таъминоти ва кредитлаш турини ҳисобга олган ҳолда аниқланувчи асосий риск мукофоти (мижоз ички рейтинги асосида аниқланади) асосида ҳисобланади ва йиллик фоиз ставкасига қўшилади.

Лойиҳалар бўйича кредит rischi мукофотини ҳисоблашда фойдаланиладиган иқтисодий банк атамалари ҳақида тўхталиб ўтсак.

EXP (Exposure) – кредит шартномаси, банк кафолати, аккредитив, кредит линияси суммаси ва улар ажратилган кундан бошлаб келгуси 12 ой давомида ҳисобланган фоиз ҳамда бошқа ҳар қандай тўловлар суммасига тенг бўлган лойиҳа миқдори.

EDF (Expected Default Frequency) – кутилаётган эҳтимолий дефолт; мижознинг кредит ажратилган, аккредитив очилган, кафолат берилган санадан бошлаб келгуси 12 ой давомида эҳтимолий дефолтга учраши.

RR (Recovery rate) – эҳтимолий дефолт ҳолатида активнинг қайтадиган қисми, яъни мижоз эҳтимолий дефолт ҳолатида бўлганда, кредит шартномаси бўйича қарздорликларни таъминот ҳисобидан қоплаш имкони бўлган қисми

Кредит rischi мукофотини ҳисоблаш ($\Delta_{\text{лойиҳа rischi}}$) куйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$\Delta_{\text{лойиҳа rischi}} = \Delta_{\text{мижоз базавий rischi}} * (1 - RR) * T * K, \text{ бу ерда:}$$

⁹⁶ Рыжков С. «Финансовые мультипликаторы, применяемые для оценки банков» <https://conomy.ru/education/articles/24>

$\Delta_{\text{мижоз базавий рисқи}}$ – Мижоз ички рейтинги даражаси асосида аниқланувчи кредит рисқи базавий миқдори;

RR – дефолт ҳолатида активнинг қайтиш даражаси;

T – лойиҳа муддати;

K – кредит лойиҳаси турига мувофиқ риск коэффициентини.

Мазкур формула бўйича кредит рисқи мукофотини ҳисоблаб чиқамиз. Ундан бизга зарур бўладиган маълумотларни шакллантириб оламиз. Жумладан, мижоз ички рейтинги даражаси асосида аниқланувчи кредит рисқи базавий миқдорини қуйидаги жадвал маълумотларига асосан билишимиз мумкин:

3.1-жадвал

Кутилаётган эҳтимолий дефолт (EDF)⁹⁷

№	Мижоз ички рейтинги	Кутилаётган эҳтимолий дефолт (EDF)
1	AAA	0,01%
2	AA+	0,01%
3	AA	0,02%
4	AA-	0,03%
5	A+	0,04%
6	A	0,07%
7	A-	0,11%
8	BBB+	0,17%
9	BBB	0,26%
10	BBB-	0,40%
11	BB+	0,62%
12	BB	0,96%
13	BB-	1,50%
14	B+	2,33%
15	B	3,63%
16	B-	5,64%
17	CCC+	8,77%
18	CCC	13,63%
19	CCC-	21,20%
20	CC	32,97%
21	C	49,33%
22	SD/D/NR	100%

Мисол тариқасида қуйидаги жадвалга берилган маълумотларга асосан кредит лойиҳаси бўйича кредит рисқи мукофотини ҳисоблаб чиқамиз.

⁹⁷ S&P Global Fixed Income Research

Кредит rischi мукофотини ҳисоблаш

Маълумотлар	Кўрсаткичлар
Кредит миқдори	1 000 млн. сўм
Қайтиш муддати	1 йил (ўз муддатида)
Фоишлар миқдори	240 млн.сўм
Фоишларнинг тўлаш даврийлиги	ҳар ойда
Ички кредит рейтинги	B
Базавий риск мукофоти ((Δ (мижоз базавий rischi))	3,625 % йиллик
Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси кафиллиги	500 млн. сўм
Гаровнинг ҳақиқий баҳоси (нотурар жой)	900 млн. сўм

Ҳисоблаш:

$$1. \text{EXP} = 1\,000 + 240 = 1\,240 \text{ млн. сўм}$$

Дефолт ҳолатида активнинг қайтиш даражасини аниқлашда зарур бўладиган транзакцион риск (“А”банкнинг кредит таъминоти учун қабул қилинадиган мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган гаров суммасининг банк томонидан қабул қилинадиган коэффиценти) коэффиценти куйидаги жадвал маълумотларида келтирилган:

Транзакцион риск коэффицентлари

Таъминот тури	Кўрсаткич
Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси кафиллиги, алоҳида очилган омонат ҳисобрақамида сақланаётган депозит	1
Қисқа муддатли давлат облигациялари	0,7
Котировка қилинадиган акциялар	0,7
Ер участкалари	0,5
Кўчмас мулк (турар жой)	0,75
Кўчмас мулк (нотурар жой)	0,8
Кўчмас мулк (қуриб тугалланмаган)	0,7
Ускуналар	0,6
Транспорт воситалари	0,8
Товар-моддий қийматликлар	0,6
Тақинчоқлар	0,6
Учинчи шахс кафиллиги	1

2. Демак, транзакцион риск коэффиценти 0,8 экан .

Дефолт ҳолатида активнинг қайтиш (RR) даражасини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$RR = (K_1 \times O_1 + K_2 \times O_2 + \dots + K_n \times O_n) / EXP$$

O_i – Банк ички меъерий ҳужжатларига мувофиқ аниқланган i та таъминотларнинг бозор баҳоси⁹⁸. Бунда ҳар қандай i та таъминотлар қиймати EXP миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур;

K_i – i таъминотга мос бўлган баҳолаш коэффициенти;

Баҳолаш коэффициенти (K) қуйидаги икки мезоннинг минимал қийматида ўрнатилади:

Банк ички меъерий ҳужжатларига асосан ҳар бир таъминот бўйича аниқланиб, дисконт қиймати чегирилган гаров суммаси;

Ҳар бир таъминот тури бўйича одатий дисконт миқдорини ифодаловчи транзакцион риск коэффициенти.

Барча таъминот турлари бўйича транзакцион риск коэффициенти ўрнатилмаган ҳолларда, баҳолаш коэффициенти (K) гаров дисконтига тенг қилиб олинади.

3.4-жадвал

Кредит лойиҳаси турига мувофиқ риск коэффициенти (K)

Кредит лойиҳаси тури	(K) миқдори
Бир йил ва ундан камроқ муддатга очилган аккредитив	0,2
Кредит таъминоти учун берилган кафолатдан ташқари, барча бир йил ва ундан камроқ муддатга берилган кафолат	1
Бир йилдан ортиқ муддатга очилган аккредитив	1
Кредит таъминоти учун берилган кафолатдан ташқари, барча бир йилдан ортиқ муддатга берилган кафолат	1
Бошқа барча кредит лойиҳалари	1

Дефолт ҳолатида активнинг қайтиш даражаси (RR) кўрсаткичи 100 % миқдордан ортиқ бўлган ҳолларда, кредит rischi мукофоти ($\Delta_{\text{лойиҳа rischi}}$) ни ҳисоблашда (RR) кўрсаткичи 100 % тенг этиб олинади.

$$3. RR = K1 \cdot O1 + K2 \cdot O2 = (1 \cdot 500 + 0,8 \cdot 900) / 1\,240 = 0,9839$$

⁹⁸ Мулкнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда унинг баҳоси шартномавий (сотиб олинган), балансда келтирилган ёки бошқа турдаги қийматига тенг қилиб олинади.

Лойиха муддатига мувофиқ тузатишлар (Т)ни ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади⁹⁹:

$$\frac{1+(M-2,5)*b}{1-1,5*b}, \text{ бу ерда:}$$

$$b = (0,11852 - 0,05478 * \ln(EDF))^2;$$

Ҳақиқатдаги сўндириш муддати (М) қуйидаги формула асосида ҳисобланади¹⁰⁰:

$$M = \frac{\sum_i t_i * CF_i}{\sum_i CF_i}, \text{ бу ерда:}$$

CF_i – мижоз томонидан шартномага асосан t_i кун давомида тўланган кредит тўловлари (кредит асосий қарзи, фоиз ва комиссия тўловлар) миқдори.

Бунда, ҳисобланган ҳақиқий сўндириш муддати 1 йилдан кам бўлса, у ҳолда М коэффициент 1 йилга ва/ёки 5 йилдан ортиқ бўлса, 5 йилга тенг қилиб олинади.

$$4. M = (t1*CF1 + t2*CF2 + t3*CF3 + tn*CFn) / (CF1 + CF2 + CF3 + CFn) \\ = (1*1\,000 + 1/12*20 + 2/12*20 + \dots + 12/12*20) / (1\,000 + 20 + \dots + 20) = 1\,130 / 1\,240 = 0,9113$$

$$5. T = (1 + (M - 2,5) * (0,11852 - 0,05478 * \ln(EDF))^2) / (1 - 1,5) * (0,11852 - 0,05478 * \ln(EDF))^2 \\ = (1 + (1 - 2,5) * (0,11852 - 0,05478 * \ln(0,03625))^2) / (1 - 1,5) * (0,11852 - 0,05478 * \ln(0,03625))^2 = 1$$

6. Кредитлаш лойихаси тури – кредит, риск коэффициенти (К) 1 тенг.

$$7. \text{Кредит rischi мукофоти } \Delta_{\text{лойиха rischi}} = 3,625\% * (1 - 0,9839) * 1 * 1 = [0,0584\%] = 0,06\%.$$

Демак юқоридаги ҳисоб-китобларга кўра, мазкур кредит лойихаси бўйича кредит rischi мукофоти 0,06 фоизни ташкил қилади.

Риск мукофотини ҳисоблашда ҳар бир мижознинг ички рейтинги даражаси бўлиши муҳим ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда кўплаб

⁹⁹“Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: Уточненные рамочные подходы” (Basel II)

¹⁰⁰ Ҳақиқий сўндириш муддатини ҳисоблаш 365 календар кунлик, базавий йил ҳисобида амалга оширилади

мижозларнинг рейтинг даражаси бўлмаганлиги сабабли банк томонидан мижозларга рейтинг даражасини бериш методологиясини ишлаб чиқиш лозим.

Агар мижознинг кредит лойиҳаси бўйича кредит рисқи мукофотини ҳисоблаш имконияти бўлмаган тақдирда, банкдаги мавжуд ушбу лойиҳа туридаги кредитларнинг риск қиймати (cost of risk) жорий йилда кредитларга яратилган йиллик махсус захираларнинг йиллик ўртача кредит портфели қолдиғига нисбати сифатида аниқлаб олиш мумкин.

IV БОБ. БАНКЛАРДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

4.1. Банкларда операцион рискларни бошқаришнинг зарурлиги

Геосийосий ва глобал муносабатларнинг кескинлашуви фонида тижорат банклари миллий иқтисодиёт ўсиш суръатининг пасайиши, тижорат банклари учун тартибга солувчи органнинг, яъни Марказий банк талабларининг кучайиши ва бозор субъектларининг ишбилармонлик фаоллигининг пасайиши каби бугунги куннинг долзарб муаммоларига дуч келмоқда.

Ҳозирги вақтда тижорат банкининг операцион рискни баҳолаш ва бошқариш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга. Дунёда бирон бир компания рискли ҳодисалардан суғурталанмаган. Фақатгина рискни аниқ бошқариш тизими рисклар оқибатларининг миқдорий ва сифат таъсирини камайтириши мумкин.

Тижорат банклари дуч келадиган хилма-хил рискларнинг орасида операцион риск алоҳида ажралиб туради. Операцион риск ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни аниқлаш бўйича услубий ёндашувларни тизимли ишлаб чиқиш ва асосланиши лозим.

Операцион рискларни бошқариш тизимларини баҳолаш, таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун асос сифатида янги босқичда бўлган ахборот компоненти, операцион риск манбалари тўғрисида етарли маълумот йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, операцион рискларни бошқариш муаммолари чуқур назарий асослашни ва эмпирик тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Операцион риск ҳодисаси банкнинг бевосита ёки билвосита йўқотишларига олиб келадиган ҳамда олиб келиши мумкин бўлган бир ёки бир нечта операцион рисклар мажмуи сифатида намоён бўлади.

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича Базел кўмитаси операцион таваккалчиликни кредит ва бозор рисклари билан бир даражага

қўяди¹⁰¹. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, услубий нуқтаи назардан ушбу турдаги риск етарли даражада ўрганилмаган.

Тижорат банкларида рисклар турли хил рискларга ажратилади: кредит рисклари, операцион рисклар, юридик рисклар, ликвидлик rischi, мулкый рисклар, стратегик рисклар ва бошқалар. Операцион рискларга катта эътибор берилиши керак. Операцион рисклар бизнес-жараёнларнинг банк услубиятининг номукамаллиги (банкнинг ички меъёрий ҳужжатларининг мувофиқлаштирилмаган тизими) туфайли инсон омили (ходимларнинг хатолари, ходимларнинг эътиборсизлиги ва инсофсизлиги) ва банк дастурий таъминотидаги камчиликлар (хатолар ва дастурларнинг музлаши) ҳамда ташқи ҳодисалар натижасида юзага келади.

Меъёрий ҳужжатларда операцион таваккалчилик – банкнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатлар, натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик¹⁰² деб келтирилган.

Blacker К операцион риск – ички ёки ташқи хатолар натижасида юзага келадиган йўқотиш хавфи, дуч келадиган иқтисодий йўқотиш хавфи жараёнларни, тизимларни, инсон ресурсларини ёки ташқи муҳитни нотўғри ёки етарли даражада бошқариш ва бошқариш натижасида ташкил этиш¹⁰³ деб таъриф беради.

Borodovsky L., Lore M. Eds операцион рискни бизнес жараёнларининг нотўғри тузилиши, ички назорат тартиб-қоидаларининг самарасизлиги, ходимларнинг рухсатсиз ҳаракатлари, технологик носозликлар ва ташқи таъсирлар натижасида тўғридан-тўғри ёки билвосита йўқотиш хавфи¹⁰⁴ сифатида кўради.

¹⁰¹ Пустовалова Т.А. Операционный риск коммерческого банка: проблема оценивания, экономика и управление. N 2 (136) 2017

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май

¹⁰³ Blacker K. Mitigating Operational Risk in British Retail Banks // Risk Management. 2000. Vol.2, N3. P.23-33

¹⁰⁴ Borodovsky L., Lore M. eds. The professional's handbook of financial risk management. Oxford: Butterworth-Heinemann, 2000. 832 p

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича Базел қўмитаси операцион таваккалчиликни "ходимлар томонидан ички жараёнларни амалга оширишда, ахборот тизимлари ва технологияларининг ишлашида, шунингдек ташқи ҳодисалар сабабли камчиликлар ёки хатолар натижасида йўқотиш хавфи"¹⁰⁵ деб таърифлайди.

Операцион риск бу – ташкилотнинг ички тузилишида доимо пайдо бўладиган кўплаб муаммолар ва мураккабликлар учун берилган "ном"¹⁰⁶.


Адабиётлар таҳлили бизга бир нечта нуқтаи назарларни ажратиб кўрсатиш имконини берди: биринчиси, операцион риск дастлаб анъанавий рисклардан (бозор, кредит ва бошқалар) фарқ қиладиган бошқа турдаги молиявий рискларни ўз ичига олади; иккинчи нуқтаи назар банкда ички назорат тизимининг самарасиз ишлаши натижасида юзага келадиган операцион рискларни англатади; учинчи ёндашувда операцион риск бизнес-жараёнларнинг нотўғри ташкил қилинганлиги, ички назорат тартиб-қоидаларининг самарасизлиги, технологик носозликлар, ходимларнинг рухсатсиз ҳаракатлари ёки ташқи таъсир натижасида тўғридан-тўғри ёки билвосита йўқотиш хавфи сифатида талқин этилади.

Учинчи ёндашувни қўллаб-қувватлаган ҳолда операцион рискни банкнинг ички тартиб ва жараёнлари, ўз ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан бузилиши натижасида келиб чиқадиган зарарлар, номутаносибликлар, технологик ва бошқа хавф рисклари сифатида тадқиқ қиламиз.

Операцион рискнинг ўзига хос хусусияти риск омили ва рискларни бошқариш предметининг бир хиллигидир. Асосан бошқа субъектларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган бошқа рисклардан фарқли ўлароқ, операцион риск ҳодисалари юзага келиши бошқа рискларга қараганда кўпроқ тижорат банклари ходимларининг ҳаракатларига боғлиқ.

¹⁰⁵ Sound Practices for the Management and Supervision of Operational Risk // Basel Committee on Banking Supervision, Basel: February 2003: http://www.bccr.fi.cr/sistema_pagos/informacion_general/Practicas_Riesgo_Operativo_BIS.F03.pdf

¹⁰⁶ Power M. The Invention of Operational Risk // Review of International Political Economy. 2005. Vol. 12 (4). P. 577–599



4.1- расм. Банк операцион рискларини юзага келиши сабаблари¹⁰⁷

Ходимларнинг хатти-харакати билан боғлиқ билиб-билмай қилган хатолар, яъни банк операцияларини нотўғри амалга ошириш жараёнида юзага келган техник хатолар, нотўғри қабул қилинган бошқарув қарорлари операцион рискларни, ўз навбатида кредит, бозор ва бошқа турдаги рискларни юзага келтиради. Шундай қилиб, операцион рискга дучор бўлиш икки томондан - ташқи ва ички томондан юзага келади, бу эса рискларни самарали бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда мураккабликни оширади. Ходимларни бошқариш масаласи операцион рискларни бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиши керак.

Банкнинг функционал фаолиятини таъминловчи асосий воситалардаги, тўлов тизимларидаги техник хатолар, қонунбузилиш ҳолатларнинг юзага келиши операцион рискларнинг юзага келишига сабабларидан ҳисобланади.

Операцион рискларни бошқариш - операцион йўқотишларга олиб келадиган воқеалар ёки ҳолатлар эҳтимолини камайтиришга ҳамда потенциал ва ҳақиқий йўқотишлар ҳажмини камайтиришга (чеклашга) қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат. Шу билан бирга, рискларни бошқариш билан


¹⁰⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

боғлиқ харажатлар, риск амалга оширилганда юзага келиши мумкин бўлган зарардан ошмаслиги кераклигини ҳисобга олади.

Операцион рискларни бошқариш тизими объект ва субъектга эга. Бошқарув объекти, бизнинг ҳолатларимизда, операциялар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган йўқотишлардир. Ушбу йўқотишлар қўшимча бошқа даромадлар келиб чиқиши муносабати билан қопланиши мумкин. Бу даромадлар ҳам бошқарув объектига киради. Операцион риск объектларига операцион рисклар амалга ошириладиган банк жараёнлари, тизимлари, хизматлари ва активларини киритиш мумкин. Риск омиллари таъсири остида операцион риск ҳодисаларни юзага келиши операцион риск объектига бевосита таъсир қилади.

Операцион рискларни бошқариш мақсади операцион риск даражасини камайтириш, бизнес режалар бажарилишига кўмаклашиш, юзага келиши мумкин бўлган операцион рискларнинг олдини олиш, операцион рискларни банк учун мақбул даражада ушлаб туриш ҳисобланади.

Банкларда операцион рискларни бошқариш тизимини ташкил қилиш риск табиати, риск таркибий қисмларининг батафсил таснифини билишга асосланиши лозим. Операцион рискларни бошқариш тизими операцион рискларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ҳамда камайтириш бўйича умумий чора-тадбирлар ва жараёнлар мажмуи ҳисобланади.



4.2-расм. Банк операцион рискларини бошқариш тизими¹⁰⁸

¹⁰⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Банк операцион рискларини бошқариш субъектлари бу бевосита банк фаолиятини бошқариш, ходимларни бошқариш, рискларни бошқариш ва бошқа субъектлардир.

Банк операцион рискларини бошқаришда банк Кенгаши ва Бошқаруви алоҳида ўрин тутади, улар рискларни оқилона бошқаришга асосланган корпоратив маданият ва рағбатлантириш тизимини жорий қилиши лозим.

Рискларни бошқариш маданияти таркибий бўлинмаларнинг вазифалари, ваколатлари ва жавобгарликларни тақсимлашида қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

банк раҳбариятининг кўмаги;

ходимлар операцион рискларни аниқлаш учун зарур билимларга эга бўлиши;

мукамал мониторинг ва ҳисобот тизими яратилган бўлиши.

Умумий риск жараёнларига тўлиқ интеграцияланган операцион рискларни бошқариш тизимини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш лозим.

Операцион риск банкнинг барча хизматлари, фаолияти, жараёнлари ва тизимларига хос бўлганлиги сабабли банк Кенгаши ва бошқаруви банк маҳсулотлари, хизматлари ва фаолияти мажмуасига хос бўлган рискларнинг моҳияти ва мураккаблигини тушунишлари керак.

Операцион рискларни бошқариш тизими тўлиқ ва батафсил ҳужжатлаштирилиши ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар аниқ белгиланган бўлиб, уларда қуйидагилар ёритилиши лозим:

операцион рискларни бошқариш жараёнида иштирок этувчи банк Бошқарув тузилмаси;

операцион риск ва хавф-хатарлар тавсифи;

операцион рискларни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш тавсифлари;

ҳисобот бериш тартибини ўрнатиш;

операцион рискни мустақил таҳлил қилиш ва хавфни баҳолаш;

Банкнинг операцион риск даражаси ва турлари сезиларли даражада ўзгарган тақдирда рискларни бошқариш тартиби таҳлили қайта кўриб чиқилишини таъминлаш.

Операцион рискларни бошқариш тизими банк бошқаруви томонидан тасдиқланаши ва даврий равишда қайта кўриб чиқиб бориш лозим.

Банк Бошқаруви барча турдаги банк маҳсулотлари, бизнес йўналишлар, жараёнлар ва тизимларга хос бўлган операцион рисклар аниқланиши ва баҳоланишини таъминлайди.

Рискларни аниқлаш ва баҳолаш операцион рискларни бошқариш тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Операцион зарарлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш орқали банк рискларини аниқлаш ва баҳолашга эришилади.

Операцион рискларни тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш учун банк томонидан операцион рискларни таснифлаш жорий қилинади.

Рискларни таснифлаш қуйидаги тоифалар бўйича амалга оширилади: риск манбаи, риск тури, бизнес йўналиши.

Ҳақиқатда таваккалчилик риск манбалари бўйича таснифланади, уларнинг рўйхати ва тавсифи банкнинг ички тартиб-қоидаларида келтирилади.

Вужудга келиши мумкин бўлган операцион рискларнинг барча рўйхати ва тавсифи банкнинг ички регламентида келтирилган хавф турларидан бири сифатида таснифланади.

Операцион риск банкнинг барча фаолият йўналишлари ўз ичига олади ҳамда операцион риск бошқармаси ходимлари томонидан таснифланади.

Банк операцион рискни амалга ошириши мумкин бўлган барча зарарларни ҳисобга олиши керак. Операцион риск зарарлари турлари ва тавсифлари Банк томонидан мунтазам равишда кенгайтириб боради.

Риск менежмент департаменти операцион риск эҳтимоли учун рейтинг шкаласини қўллайди. Операцион рискларни таснифлашда риск эгасини ва

риск манбаси учун жавобгар шахсни аниқлаш лозим. Баъзи ҳолларда, риск эгаси ҳамда риск манбаи учун жавобгар шахс бир хил бўлиши мумкин.

Банк бошқаруви жорий қилинаётган барча янги маҳсулотлар, бизнес йўналишлар, жараёнлар ва тизимларни тасдиқлашдан олдин юзага келиши мумкин бўлган операцион рискларни ҳисобга олиши лозим. Жумладан:

янги хизмат, фаолият, жараён ёки тизимнинг ички хатарлари;
банкнинг операцион риск даражаси ва турлари ўзгариши;
зарур бошқариш воситалари, рискларни бошқариш жараёнлари ва хавфларни камайтириш стратегиялари.

Банк бошқаруви операцион риск даражаси ва хусусияти устидан доимий мониторинг ўтказиш жараёнини ташкил қилади. Рискларни назорат қилиш қўмитаси эса банк бошқаруви даражасида операцион рискларни фаол бошқариш имконини берувчи ҳисобот бериш механизмларини қўллайди.

Банкда ишончли бошқарув тизими ҳамда рискларни камайтириш ёки учинчи шахсга ўтказиш стратегиялари мавжуд бўлиши лозим.

Банкнинг узлуксиз ишлашини таъминлаши учун рискларни камайтириш режаси ишлаб чиқилиши лозим.

Ички аудит департаменти томонидан ўтказиладиган режали текширувлар давомида ҳамда риск менежмент департаменти ходимлари томонидан операцион рискларни бошқариш тизими самарадорлиги доимий равишда таҳлил қилиб борилади.

“Рискларни назорат қилиш қўмитаси” банкнинг риск-аппетитини ҳамда операцион рискнинг мақбул даражасини белгилайди, шунингдек банк ўз зиммасига олишга тайёр бўлган операцион риск хусусиятларини, характерини ва даражасини белгилайди.

Банк аниқ белгиланган, шаффоф ва изчил ваколатга эга бўлган бошқарув тизимини таъминлайди. Банк бошқаруви, банкнинг барча даражаларида риск-аппетитини ва қабул қилинадиган риск даражасига мувофиқ барча муҳим маҳсулотлар, бизнес йўналишлар, жараёнлар ва тизимларга хос бўлган

операцион рискларни бошқариш тизими изчил амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Эълон қилиб борадиган маълумотлар банкнинг операцион рискларни бошқариш сиёсатига баҳо бериш имкониятини яратиши лозим.

Операцион рискларни бошқариш жараёнини ташкил этувчи ва таъминлайдиган ўзаро боғлиқ, функционал элементларнинг ажралмас мажмуи бўлган операцион рискларни бошқариш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Операцион рискларни баҳолаш икки параметр бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

операцион йўқотишларга олиб келадиган воқеа ва ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимоли;

ҳақиқий йўқотишлар ҳажми.

Банк операцион рискларни баҳолашда миқдорий, ёндошув усулларидан фойдаланади. Шу билан бирга, банк доимий равишда рискнинг миқдорини аниқлашга ҳаракат қилади.

Миқдорий баҳо банк томонидан амалга ошириладиган операцион риск ходисалари тўғрисидаги тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади. Миқдорий баҳолаш учун ташқи (бошқа ташкилотларда содир бўладиган) операцион рисклар тўғрисидаги маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Операцион рискларнинг ҳисобланган қиймати ҳисоботлар тузиш ва капитал етарлилиги мажбурий коэффициентини ҳисоблаш учун ишлатилади.

Банк операцион рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимини тўғри ташкил қилиниши рискларни тез аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

4.2. Банкларда ўз-ўзини баҳолаш усули орқали операцион рискларни бошқариш

Риск эгалари бўлинмалари томонидан операцион таваккалчиликларнинг ўз -ўзини баҳоланиши рискларни баҳолаш воситаси сифатида ҳамма жойда эмас, балки асосан йирик халқаро кредит ташкилотлари ва йирик банкларда, шунингдек, рискларни бошқариш тизими бош банк томонидан белгиланадиган банкларда қўлланилади. Ўз-ўзини баҳолашнинг частотаси ҳар

чорақда ҳар хил бўлиши мумкин. Банк учун аҳамиятига ва таваккалчилик даражасига қараб ҳар хил жараёнлар турли вақт оралиғида ўз-ўзини баҳолашдан ўтиши мумкин. Ўз-ўзини баҳолаш доирасида қоида тариқасида риск таснифланади, унинг манбалари аниқланади ва таваккалчилик баҳоси ўтказилади.

Ўз-ўзини баҳолаш натижаларига кўра, хавф даражасининг мақбуллиги, таваккалчиликни бошқариш усули ва чоралари тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу жараёнда таваккалчиликларни бошқаришнинг иштироки қоида тариқасида ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш натижаларини тизимли текшириш жараёнида бўлимларни услубий қўллаб-қувватлашдан иборат¹⁰⁹.

Операцион рискнинг ўз-ўзини баҳолаш усули банк операцион таваккалчилик тизимининг муҳим тегишли таркибий қисми бўлиб, асосий операцион рискларни тўғри бошқарилишини таъминлайди. "Тегишли" дегани нимани англатади? Биринчидан, бу банк раҳбарияти томонидан белгиланган чегараларда операцион рискларнинг сақланиб қолиши. Иккинчидан, операцион рискларни бошқариш тизими жараёнларини тартибга солувчи томонидан тавсия этилган ва раҳбарият томонидан белгиланган ҳажмда амалга ошириш тушунилади¹¹⁰.

Ўз-ўзини баҳолаш натижаларини банкдаги операцион йўқотишлар тўғрисидаги ҳисоботларни тузишда, шунингдек, таваккалчиликларни бошқаришнинг устувор чораларини режалаштиришда қўллаш мумкин¹¹¹.

Ушбу фикрлардан кўришиб турибдики, банкларда рискларни олдини олишда ўз-ўзини баҳолаш усули бўйича назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб бориш зарур ҳисобланади.

Дятлов С.А., Шугорева В.А. ва Лобанов О.С.лар: “Риск ва назорат ўз-ўзини баҳолаши – бу потенциал рисклар ва уларга тегишли назоратни аниқлаш, тавсифлаш ва баҳолаш жараёнидир. Бутун дунёда ўз-ўзини

¹⁰⁹ Управление рисками и капиталом банка - Пашков Р.В. https://bstudy.net/641006/ekonomika/operatsionnyy_risk

¹¹⁰ Зинкевич В., Козырева Н. “Управление операционным риском в банке: методология, практика, рекомендации” <http://futurebanking.ru/reglamentbank/article/2198>

¹¹¹ Янкина И.А., Долгова Е.Е. «Применение усовершенствованной модели управления операционным риском» Финансовая аналитика проблемы и решения 11 (149) – 2013

баҳолашнинг асосий тамойиллари етарлича яхши ишлаб чиқилган бўлса-да, микро даражадаги энг яхши ёндашув ҳақидаги тасаввурларнинг хилма-хиллиги мавжуд¹¹². Ўз-ўзини баҳолаш жараёни биринчи навбатда, ҳозирги рисклар ва ҳодисаларнинг эмас, балки потенциал рискларни аниқлаш ва баҳолаш учун мўлжалланган”, деб фикр юритади.

Riggins N. “Риск ва назоратни ўз -ўзини баҳолаш жараёни ташкилот учун операцион риск туғдириши мумкин бўлган барча фаолият ва функциялар бўйича амалга оширилиши керак¹¹³. Аммо жараёнга киришдан олдин, ташкилот ўз -ўзини баҳолаш жараёни қандай амалга ошириши ва рискни қандай амалга ошириши борасида танлаш керак бўлган ёндашувлар қаторига эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрларини билдиради.

Миронова С.Ю. “Ўз-ўзини баҳолаш – бу кредит ташкилотининг таркибий бўлинмалари фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган операцион таваккалчиликларнинг барча турларини аниқлаш, шунингдек, рискларни камайтиришни таъминлаш бўйича назорат чоралари ва процедуралари самарадорлигини баҳолаш жараёнидир¹¹⁴. Бу усул аниқ операция ўтказилиши мумкин бўлган таҳдидларнинг тўлиқ рўйхатини, умуман йўналишини аниқлаш имконини беради”, – дейди.

T.Vijay Kumar “Риск ва назорат ўз-ўзини баҳолаш – бу операцион рискларни ва бошқарув самарадорлигини баҳолаш ва текшириш жараёнидир. Мақсад, бизнеснинг барча мақсадларига эришишини оқилона таъминлашга хизмат қилади”, деб такидлайди¹¹⁵. Бу орқали ҳар бир бошқарув субъекти ўз фаолиятини танқидий баҳолаши зарур бўлади.

Mark Balfan, Phil Gledhill ва Michael Haubenstock ўз-ўзини баҳолаш-бу бизнес соҳалари юзага келган рискларни аниқлаш ва баҳолаш, бу хавфлар

¹¹² Дятлов С.А. , Щугорева В.А. , Лобанов О.С. Оценка средств управления эффективностью банковского риск-менеджмента// Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. — №5 (77). Номер статьи: 7704. 2017-05-30 . <https://sovman.ru/article/7704/>

¹¹³ Riggins N. “The methods and tactics behind risk and control self-assessment” February 6, 2019

¹¹⁴ Миронова С.Ю. “Система управления операционным риском в российских коммерческих банках и ее совершенствование” Автореферат Москва 2014

¹¹⁵ Vijay Kumar The Methodology Behind Risk and Control Self Assessment January 2, 2008 <https://www.theglobaltreasurer.com/2008/01/02/the-methodology-behind-risk-and-control-self-assessment/>

устидан назорат даражаси ва такомиллаштириш учун ҳаракат нуқталаридир деб тариф беради¹¹⁶.

Ўз-ўзини баҳолаш усулига операцион рискларни аниқлаш ва банкда операцион рискларни бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида уларни бошқариш механизмларининг ишончилиги ва етарлилигини текшириш воситалари деб таъриф беришимиз мумкин.

Ўз-ўзини баҳолаш ёрдамида банкнинг таркибий бўлинмалари мустақил равишда турли хил операцион рискларни олдиндан аниқлай оладилар ва банк томонидан қўлланиладиган рискларнинг олдини олиш ёки камайтириш усуллариининг самарадорлигини баҳолайди.

Ўз-ўзини баҳолашнинг мақсади операцион рисклар юзага келиш даражаси ва ўзгариши, шунингдек, рискларни бошқариш усуллари ва эҳтиёжлари тўғрисида тегишли бўлинмалар ва раҳбариятнинг хабардорлигини ошириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун ўз-ўзини баҳолаш доирасида қуйидаги вазифалар бажарилади: бўлинмалар фаолияти учун операцион рискларнинг асосий турларини аниқлаш; операцион рисклар даражасини баҳолаш ва энг муҳим рискларни ажратиб олиш; ўз-ўзини баҳолаш ўтказилаётган бўлинмадаги операцион рискларни бошқариш, олдини олиш ҳамда минималлаштириш механизмларини тавсифлаш; бошқариш жараёнларининг самарадорлиги ва уларни ривожлантириш заруриятини баҳолаш; операцион рискларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.

Бизнес йўналишлар, таркибий бўлинмалар, алоҳида муҳим бизнес-жараёнлар, маҳсулотлар ва тизимлар даражасида ўз-ўзини баҳолаш ишлари амалга оширилади. Операцион рисклар тўғрисида миқдорий маълумотлар рискларни баҳолаш ва бошқариш жараёнларининг самарадорлигини баҳолашда қўлланилади.

¹¹⁶ Mark Balfan, Phil Gledhill and Michael Haubstock "Self-Assessment of Operational Risk" The RMA Journal February 2002

Ўз-ўзини баҳолаш натижалари - операцион рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, содир бўлиши мумкин бўлган рискларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш мақсадида банк фаолиятининг энг юқори рискли соҳаларида операцион йўқотишларни камайтириш учун қўлланилади.

Ўз-ўзини баҳолаш жараёни қуйидаги босқичларда ва кетма-кетликда амалга оширилади:

ташаббус, режалаштириш ва ўз-ўзини баҳолашга тайёрланиш. Ушбу босқичда фаолият йўналишлари белгиланади, рискларни бошқариш сифати яхшиланиши, бизнес бўлинмаларининг ўз-ўзини баҳолашда иштирок этишлари учун муҳокамалар олиб борилади;

рискларни аниқлаш ва уларни бошқариш механизмлари. Махкур босқичда ўз-ўзини баҳолаш учун сўровномалар тўлдирилади, бўлинма фаолиятидаги рисклар рўйхати тузилади, уларнинг асосий хусусиятлари ва уларни бошқариш механизмлари муҳокама ва таҳлиллар учун аниқланади;

рискларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва бошқариш жараёнларининг самарадорлиги. Ушбу босқичда тегишли бўлимлар ходимлари билан суҳбат ўтказилади, риск даражаси ва уларни бошқариш механизмларининг сифати баҳоланади, назорат етарли даражада бўлмаган юқори рисклар аниқланади;

рискларни минималлаштириш бўйича чора тадбирларни режалаштириш ва мувофиқлаштириш. Бу босқичда қўшимча назорат усуллари ва рискларни камайтириш стратегиялари муҳокама қилинади, юқори рисклар аниқланганда рискларни минималлаштириш бўйича якуний таклифлар ишлаб чиқилади;

қарор қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш – жиддий рисклар аниқланганда ўз-ўзини баҳолаш натижалари ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича таклифлар Банк раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш учун юборилади, рискларни бошқариш бўйича тадбирлар режалари тасдиқланади ва уларнинг Банк бўлинмалари томонидан бажарилишини таъминлайди.

Ўз-ўзини самарали баҳолаш қуйидаги мезонларга асосланади:

рискга йўналтирилган – ўзини ўзи баҳолаш биринчи навбатда юқори риск билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаларини қамраб олиши керак;

такрорийлик – рискларни бошқариш бўйича ҳаракатлар режаси амалга оширилгандан кейинги ижобий ўзгаришларни кузатиб бориш, янги риск ва таҳдидларни олдиндан аниқлаш мақсадида ўз-ўзини баҳолаш мунтазам равишда такрорлаб турилиши керак;

мураккаблик – тажриба тўпланган сари операцион рисклар даражаси ва уларни бошқариш механизмлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ва Банкнинг барча ходимларини операцион рискларни бошқариш муаммоларини ҳал қилишга жалб қилиш учун ўз-ўзини баҳолаш жараёни барча янги соҳаларни қамраб олиши лозим;

янгилашиш – ўз-ўзини баҳолаш тартиби тегишли бўлинмалар томонидан Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси ёрдамида доимий такомиллаштириб борилади.

Ўз-ўзини баҳолаш мезонларини самарали бажариш учун баҳолашнинг камрови ва даврийлиги бўйича қуйидаги қоидалар ўрнатилади:

ўз-ўзини баҳолаш банкнинг янги иш жараёнларида, янги операция турлари, маҳсулотлар, янги тизимлардан фойдаланиш ва сотиш, шунингдек уларни амалиётга жорий этилган кундан бошлаб 1 йил ўтгандан кейин қайта кўриб чиқиши лозим;

операцион рисклардан келиб чиқиб ўз-ўзини баҳолаш Банк фаолияти учун муҳим бўлган йўналишлар, тегишли бўлинмалар, операциялар, маҳсулотлар ва тизимлар учун ҳар йили ўтказиб борилиши мумкин;

ўз-ўзини баҳолаш фаолият соҳалари, тегишли бўлинмалар, операциялар, маҳсулотлар ва тизимлар учун операцион рисклар профилини ва уларни бошқариш механизмларининг сифати тўғрисида тегишли номақбул хабарлар пайдо бўлган тақдирда, хусусан: риск ходисалари ва улар билан боғлиқ йўқотишлар сонининг кескин ўсиши; асосий риск кўрсаткичлари чегаравий қийматларининг сезиларли ёки такрорий ошиши; кўп миқдордаги тўғридан-тўғри операцион йўқотишлар аниқланиши ва тан олиниши; операцион

рискнинг ташқи ҳодисалари тўғрисида маълумотлар эълон қилиниши; ички назорат тизими, Ички аудит бўлинмаси ва банк назорати органларининг текшириш ҳисоботлари ёки ташқи аудиторларнинг ҳисоботларида жиддий камчиликлар қайд қилинганда; ўзини-ўзи баҳолаш аввалги баҳолаш натижалари банк раҳбариятига тақдим этилган кундан бошлаб 3 йил ичида амалга оширилиши мумкин.

Ўз-ўзини баҳолаш ўтказишда қуйидаги қоидалар қўлланилади:

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан юқорида кўрсатилган талабларни, шунингдек риск эгаси бўлган тегишли бўлинмаларнинг иштирок этиш имкониятини муҳокама қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда рискларни мустақил баҳолаш режасини тузади;

ўз-ўзини баҳолаш саволлари, операцион рискларни ёритувчи кўрсаткичлар ва уларни бошқариш механизмлари билан ишлайдиган сўровномаларни тайёрлаш ва қайта кўриб чиқиш орқали тайёрланади;

ўз-ўзини баҳолашни ўтказишда бизнес йўналишининг асосий ходимлари билан суҳбатлар ўтказишга асосланган аралаш усулдан фойдаланиши мумкин;

ўз-ўзини баҳолаш жараёни сўровнома бошланган пайдан ҳисобот тайёрлангунга қадар 30 календарь кундан ошмаслиги керак;

ўз-ўзини баҳолаш учун барча тайёргарлик ишлари тугаллангандан сўнг бўлинмалар, жараёнлар, операциялар, маҳсулотлар ва тизимларга хос бўлган барча муҳим ва ўзига хос операцион рисклар аниқланади ва тавсифланади.

Операцион рисклар рўйхатини тўлдириш ва уларни бошқариш механизмларини аниқлашнинг бошқа манбалари таҳлилга асосланган операцион рискка оид тахминлар бўлиши мумкин. Уларни аниқлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади: бўлимларнинг ички норматив ҳужжатлари; бизнес жараёнларнинг тартиблари ва бизнес чизмалари; асосий риск кўрсаткичларининг аҳамияти; операцион рискнинг ташқи ҳодисалари тўғрисидаги нашрлар; ички аудит бўлинмаси ва бошқа банк назорати

томонидан ўтказилган текшириш далолатномалари; бошқа ахборот манбалари.

Бўлинманинг ваколатли ходими томонидан анкеталар тўлдирилади. Тадқиқот натижалари таҳлил қилинади ва операцион рисклар рўйхати ва уларни бошқариш механизмларини шакллантириш учун фойдаланилади.

Банк бўлинмаларининг асосий ходимлари билан операцион рискларнинг турлари ва хусусиятлари, уларни бошқариш механизмларининг сифати бўйича ўз-ўзини баҳолаш саволларига жавобларни муҳокама қилиш учун суҳбатлар ўтказилиши мумкин. Суҳбатлар натижалари дастлабки тахминларни аниқлаштириш учун ишлатилади.

Ҳар бир операцион рискнинг тури бўйича ўтказилган суҳбатлар натижаларига кўра, йиллик режалар бўйича қуйидаги ҳолатларни баҳолашдан ўтказди:

риск такрорланиши (F) – маълум бир турдаги рискли ҳодисаларнинг умумий сони;

рискнинг муҳимлиги (S) – ушбу турдаги операцион рискнинг битта ҳодисаси рўй берганда тўғридан-тўғри ва билвосита йўқотишларнинг ўртача миқдори;

асосий риск (I) – операцион рискнинг ушбу туридаги барча ҳодисалар амалга оширилганда тўғридан-тўғри ва билвосита йўқотишлар суммасига тенг потенциал операцион йўқотиш суммаси. Рискнинг базавий баҳоси юқорида келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида қуйидаги формуладан фойдаланиб, ҳисобланади:

$$I = F \cdot S$$

риск динамикаси (D) – олдинги ўз-ўзини баҳолаш даврига нисбатан дастлабки ва якуний хавфдаги ўзгаришларни сифатли баҳолаш;

рискларни бошқариш сифати (C) – ушбу турдаги операцион рискларни бошқариш механизмлари самарадорлигининг сифат даражасига мос келадиган операцион зарарнинг мумкин бўлган миқдори фоизлари, шу жумладан қуйидаги назорат механизмларининг турлари:

риск ҳодисалари юзага келишининг олдини олиш учун қўлланиладиган профилактик назорат механизмлари;

риск-ҳодисалар юзага келишининг оқибатларини аниқлаш ва минималлаштириш учун фойдаланиладиган бошқаришнинг кейинги механизмлари.

Умумий риск (L) – ушбу турдаги барча операцион риск ҳодисалари амалга оширилган тақдирда тўғридан тўғри ва билвосита зарарлар йиғиндисига тенг бўлган операцион йўқотишларнинг кутилаётган миқдори операцион рискларни бошқариш механизмларининг сифати билан қопланади. Рискнинг якуний баҳоси юқоридаги шартлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$L = I \cdot (1 - C)$$

Тартибда кўрсатилган маълумот манбаларини таҳлил қилиш асосида рискли ҳодисаларнинг хусусиятлари ва уларни бошқариш механизмларининг сифатига рейтинг баҳолар беради.

Операцион рисклар даражаси ва уларни бошқариш механизмларининг яхлит баҳоси рискнинг якуний рейтинги бўлиб, у бошқариш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ва қуйидаги схема бўйича операцион рискнинг ҳозирги даражасини минималлаштириш стратегиясини қўллаш учун ишлатилади:

4.1-жадвал

Риск даражаси ва бошқарув стратегияси¹¹⁷

Риск қиймати	Бошқарув стратегияси	Аҳамияти
А) Жуда паст	Аҳамиятсиз	Жуда паст
Б) Қуйи	Қабул қилиш, баҳолаш, захира қилиш	Кам
В) Ўрта	Бошқариш	Ўрта
Г) Юқори	Камайтириш, олдини олиш	Юқори
Д) Жуда юқори	Рискни ўтказиш	Жуда юқори

Рисклар рейтингини баҳолаш натижаларини кўрсатиш учун баҳолаш жадвали ва риск хариталарини мос равишда қўллашлари мумкин, риск

¹¹⁷ Муаллиф томонидан тайёрланган

харитасидаги ранглар хавфнинг турли даражаларини ва уларни бошқариш устуворлигини кўрсатади.

Рискларни бошқаришнинг ўртача ва юқори устуворлигини олган операцион таваккалчиликнинг муҳим турлари банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан батафсил кўриб чиқилади, яъни уларнинг қўшимча хусусиятлари қуйидагича тавсифланади: риск манбаи; риск сабаби; рискнинг пайдо бўлиш оқибатлари; профилактик назорат механизмлари (рискларнинг олдини олиш); кейинги бошқариш воситалари (рискларни аниқлаш ва минималлаштириш); рискларни бошқариш бўйича таклифлар.

“А” банкнинг “Муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлинмаси”нинг риск даврийлиги, жиддийлиги, назорат ва табиий рискнинг бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини баҳолаш натижаларига кўра қуйидаги ҳолат юзага келди.

4.2-жадвал

“А” банк бўлинмасининг ўз -ўзини баҳолаш натижаси¹¹⁸

2020-21 йиллар	Факторлар сони	Фонзда	Риск даврийлиги	Риск жиддийлиги	Риск назорат	Табиий риск	Риск қолдиғи	Муҳимлилик даражаси
ЖАРАЁНЛАР	5	24	2,76	3,24	2,24	3,00	0,93	L Паст (Low)
ИНСОН ОМИЛИ	5	24	2,63	3,80	2,47	3,21	1,20	L Паст (Low)
ТИЗИМЛАР	6	29	3,45	3,29	2,47	3,37	1,05	L Паст (Low)
ТАШҚИ ТАЪСИРЛАР	5	24	2,33	2,77	3,08	2,55	1,32	L Паст (Low)
УМУМИЙ ХАВФ	21	100	2,97	3,31	2,38	3,14	1,16	L Паст (Low)

Муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлинмасининг умумий риск кўрсаткичи 1,16 баллни ташкил этди ва бўлинманинг биринчи даражали рисклари ва уларни камайтириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Баҳолаш давомида ушбу бўлинмада ҳам бўлинма ўз функциясини бажариши учун етарли ходимларга эга эмаслиги, ходимлар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш борасидаги ишлар йўлга қўйилмаганлиги, ўз вақтида сўндирилмаган муаммоли кредитлар сони ошиб бориши, бўлинма тизимида барча йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш ва ташкил этиш

¹¹⁸ Муаллиф томонидан тайёрланган

имконияти (билим ва тажриба)га эга бўлмаган ходимларнинг мавжудлиги, барча қарздор ва кредит маҳсулотлари самарадорлигининг таҳлил қилинмаслиги, ходимларни доимий равишда (камида бир йилда бир маротаба) ўқитиш ишлари йўлга қўйилмаганлиги, кредитлар бўйича етарли миқдорда захираларни шакллантиришда муаммоларнинг юзага келиши, самарадорлиги юқори бўлмаган ходимларни қайта ўқитиш, ротация қилиш ёки интизомий жазо қўллаш йўлга қўйилмаганлиги маълум бир рискларни келтириб чиқариши мумкин деб топилди.

Ўз-ўзини баҳолаш жараёнида банкнинг қуйидаги таркибий бўлинмалари томонидан бир қанча вазифалар бажарилади. Жумладан:

Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси – Банк бўлинмалари томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ўз-ўзини баҳолаш фаолияти натижалари бўйича Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмасининг умумлашган ҳисоботини кўриб чиқади.

4.3-жадвал

Баҳолаш натижасига кўра рискларни камайтириш бўйича тавсиялар¹¹⁹

№	Риск номланиши	Асосий тавсиф	Устув орилик
1	Фаолият жараёнидаги рисклар	Бўлинманинг иш фаолияти давомида белгиланган вазифа ва функцияларини бажариш учун етарли ходимга эга бўлиш, ходимлар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, муаммоли кредитлар бўйича билдирилган эътирозлар такрорланишини олдини олиш, муаммоли кредитлар сони ошиб бориш ҳолатларининг олдини олиш, ходимларни барча йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш ва ташкил этиш борасида имкониятларини ошириб бориш, барча қарздорлар самарадорлигини таҳлил қилиш.	Low ●●●
2	Фаолият давомида инсон омили рисклари	Кредитлар бўйича етарли миқдорда захираларни шакллантиришда юзага келган муаммоларни бартараф қилиш, муаммоли кредитлар қолдиғи ортиб бораётган филиалларга амалий ёрдам кўрсатиш.	Low ●●●

¹¹⁹ Муаллиф томонидан тайёрланган

3	Муаммоли кредитларни камайтириш-даги тизим рисклари	Этика кодексига амал қилмаган ёки касбга доир ахлоқ қоидаларини бузган ходимлар маълумотлар базаси шакллантириш, самарадорлик бўйича ходимлар рейтингини юритиб бориш, бўлинма ривож учун тизимли ишларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатган ходимларни рағбатлантириб бориш, самарадорлиги юқори бўлмаган ходимларни қайта ўқитиш ёки ротация қилиш, балансдан ташқари 95413 ва 91500 ҳисоб рақамлардаги қарздорликларни ундиришнинг барча чораларини кўриш, ходимлар ўртасида ички фирибгарлик ҳолатлари юзага келишини олдини олиш.	Low ●●●
---	---	---	------------

Банк Бошқаруви – ўз-ўзини баҳолашнинг устувор йўналишлари бўйича рискларни бошқариш хизматининг ҳисоботларини кўриб чиқади.

Ўз-ўзини баҳолаш натижалари бўйича Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмасининг ҳаракатлар режаларини амалга ошириш ва натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади.

Банк бўлинмалари томонидан ўтган йил ва ҳар чорақда амалга оширилган ўзини-ўзи баҳолаш фаолияти натижалари бўйича Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмасининг жамланган ҳисоботини кўриб чиқади.

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси – ўзини-ўзи баҳолаш масалалари бўйича Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасидан олинган кўрсатмаларга эътибор қаратади.

Банк бўлинмалари билан келишган ҳолда ўз-ўзини баҳолашнинг устувор йўналишларини белгилайди, олинган юқори рисклар тўғрисида Риск бош директори ва Банк Бошқарувини хабардор қилади ҳамда рискларни ўзини-ўзи баҳолаш бўйича йиллик ҳаракатлар режаси лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Банк бўлинмаларидан операцион рисклар даражаси ва уларни бошқариш механизмларининг сифати тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олади.

Банк бўлинмалари ўзини-ўзи баҳолашнинг оралик ва якуний натижаларини кўриб чиқади ва “Ўз-ўзини баҳолаш” ҳисоботига ўз таклиф ва мулоҳазаларини беради.

Банкнинг Таваккалчиликни бошқариш қўмитаси томонидан тасдиқланган, ўзини-ўзи баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилган ишлар режасини кузатиб боради ва Банк раҳбариятини хабардор қилади.

Банк бўлинмалари томонидан Банкнинг ваколатли коллегиял бошқарув органи маълумотлари учун ўз-ўзини баҳолаш фаолияти натижалари тўғрисида хулоса ҳисоботини ишлаб чиқади.

Риски юқори деб ҳисобланган ҳамда аниқлик киритиш лозим бўлган ҳолларда, Банк бўлинмаларида ўзини-ўзи баҳолаш натижалари тўғрисида ички назорат хизматини хабардор қилади.

Ўз-ўзини баҳолаш объекти операцион рискларининг дастлабки рўйхати – риск ҳодисалари маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланиладиган ва банк назорати бўйича Базел қўмитасининг тавсияларига зид бўлмаган операцион риск турлари ва манбаларини таснифлашга асосланган бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини баҳолаш усули банк фаолиятининг муайян йўналишига ихтисослашган ва ўзларининг ваколатлари доирасида операцион рискларни бошқариш бўйича етарлича амалий тажрибага эга бўлинмаларнинг юқори малакали ходимлари фикрларига асосланиши керак.

Рискларни бошқариш хизмати ўзини-ўзи баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва операцион рискларнинг айрим турларига, уларнинг пайдо бўлиш манбаларига, операцион рискларни бошқариш механизмларининг мавжудлиги ва сифатига эътибор қаратиши лозим.

Менежмент учун энг юқори устуворликка эга бўлган операцион рискнинг муҳим турларини бошқариш воситаларини кучайтириш ёки рискларни камайтириш стратегиясини қўллаш бўйича ҳаракатлар режаси тузилиши мумкин.

Операцион рискларнинг дастлабки рўйхати ва уларни бошқариш механизмларини аниқлаштириш учун сўровнома анкетасини тузиш керак. Анкета саволлари бир томондан маълум бир рискларга дучор бўлиш тўғрисида ва уларни бошқариш механизмлари мавжудлиги тўғрисида маълумот олиш

учун ва иккинчи томондан савол-жавоб варағини тўлдиришнинг соддалаштириш шаклида бўлиши лозим.

4.3. Банкларда операцион рискларни риск инцидентлари рўйхатини шакллантириш орқали баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш

Инцидент бу – белгиланган иқтисодий меъёрларнинг, қонун ҳамда қонун ости ҳужжатларнинг бузилиши, шунингдек, инсон омили, техник бузилишлар ва ташқи таъсирлар натижасида зарарни келтириб чиқарадиган риск ҳодисадир.

Операцион рискларни бошқариш ва операцион рисклар тўғрисидаги инцидентларни йиғиш жараёни, инцидентни аниқлаш ваколатли ходим томонидан амалга оширилади, бу инцидент ҳақида қисқача тавсиф шаклида хабар беради; инцидентни маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказиш; ҳодиса сабаблари ва ҳолатларини текширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш; воқеани текшириш ҳодиса тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлигини, таснифининг тўғрилигини, бухгалтерия тизимлари билан текшириш каби босқичларни ўз ичига олади¹²⁰.

Риск инциденти эса етарли бўлмаган ёки ишламай қолган ички жараёнлар, инсон омили ва тизимлар ёки ташқи ҳодисалар натижасида банкка зарар етказиш хавфи оқибатида юзага келадиган ҳодиса ҳисобланади.

Банк учун йўқотишга олиб келадиган маълумотларни йиғиш фақат ўзига хос бўлган ягона риск ҳодисаларини ўз ичига олади. Ҳар-хил таъсирга эга бўлган риск инцидентлари, риск эгалари томонидан пайдо бўлиш кунлари алоҳида воқеа сифатида тўпланиши мумкин. Ушбу риск ҳодисалари бири-бирига боғланган гуруҳ ҳодисалари сифатида қаралади.

Банк ўзининг ташкилий тузилишига, амалиётларнинг мураккаблигига ва операцион рискларни бошқариш бўйича стратегик мақсадларга жавоб

¹²⁰ Мельников А.Н Управление операционными рисками коммерческого банка и пути их снижения Вопросы науки и образования 2017

берадиган Риск инцидентларини йиғиш жараёнидаги асосий таркибнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

Риск эгаси бизнес жараёнларини бошқарадиган ходим бўлиб, ўзига маълум бўлиб қолган рисклар тўғрисида Риск координаторига хабар беради;

Риск координатори бизнес йўналиши ва рискларни бошқариш бўлинмаси ўртасидаги муносабатларни бошқаради ҳамда йиғилган маълумотлар асосида операцион рискни аниқлаб, тегишли риск моделлари ёрдамида инцидентларни баҳолайди;

Бизнес йўналиши бўйича менежер банкнинг тегишли таркибий бўлинма бошлиғи бўлиб, у банк учун йўқотишга олиб келадиган маълумотларни йиғиш жараёнини назорат қилиши ва операцион риск йўқотишларини камайтириш ва олдини олиш учун барча самарали ҳаракатларни амалга оширади;

Рискларни бошқариш бўлинмаси риск инцидентларини йиғиш бўйича жараёнларни бошқаради ва ходимлар бутлигини таъминлайди ҳамда иш жараёни ўз муддатида бажарилишини назорат қилиб боради. Банк бошқаруви ҳамда Банк кенгашига ҳисоботлар тақдим қилиб боради.

Операцион риск менежери тақдим қилинган инцидентларни қайта кўриб чиқади ва муҳимлиги, йўқотиш тури ҳамда миқдорига мослигини текшириб, маълумотлар базасига киритишни, риск ҳисоботини шакллантиришни ва таркибий бўлинмаларга маълумотлар беришни таъминлайди;


Операцион риск ходими содир бўлган инцидентларнинг бажарилиш ҳолатини назорат қилиб боради. Ўз муддатида бартараф этилмаган инцидентлар бўйича ҳисобот тайёрлайди ва операцион риск менежерига тақдим этиб боради.

Риск координатори ҳисобот учун асосий рўйхатдаги рисклар ва риск эгаси фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни операцион риск менежерига хабар қилишлари лозим.

Рискларни қайд этиш шакли маълумотларнинг кейинги консолидацияси ва таққослаш таҳлили учун риск инцидентларининг асосий хусусиятларини тузилган ҳолда тавсифлаш учун ишлатилади.

Риски юқори бўлган инцидентларни қайд этиш формаси рисқи юқори, ўрта ва паст даражадаги мақомни бериш учун ишлатилади. Банк учун катта молиявий йўқотишларга ва репутациясига салбий таъсир қиладиган муҳим рискларга юқори мақом берилади.

Риск координатори томонидан йиғилган маълумотларга асосланган ҳолда рискларни аниқлайди. Содир бўлган инцидентлар тўғрисида ёзма ёки оғзаки равишда хабардор қилади. Ҳар бир инцидент бўйича барча зарур далил ва асослантирувчи маълумотларни тақдим этади.



4.3-расм. Банкнинг молиявий ҳолатига ва репутациясига салбий таъсир қиладиган муҳим рисклар¹²¹

Риск эгалари томонидан инцидентларни йиғиш базаси учун яроқли бўлган барча юзага келган инцидентларни қисқа вақт ичида риск координаторига маълум қилиши ёки уларга хабар беришини таъминлаши лозим. Инцидент тўғрисидаги маълумотларни ёзиб олиш талаблари бажарилиши учун етарли бўлиши ва далил ҳамда асослантирувчи материалларнинг тўлиқ рўйхати билан таъминланиши керак.

Инцидент маълумотлар базаси рискларни аниқлаш, рискларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва бошқарувга ҳисобот тайёрлаш ҳамда операцион рискларни самарали бошқариш учун юритилади

¹²¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

Хисоботда эътиборга олиниши лозим бўлган асосий маълумотлар¹²²

Мезоннинг таснифи	Қиймати
<i>Тадбир турлари;</i>	<i>Риски юқори инцидентлар сони;</i>
<i>Таркибий бўлинма;</i>	<i>Ўртача зарар миқдори;</i>
<i>Тўғридан-тўғри йўқотиш тури;</i>	<i>Ялпи зарар миқдори;</i>
<i>Риск эгалари;</i>	<i>Қайта тиклаш учун қилинадиган</i>
<i>Талаб чегараси;</i>	<i>харажат миқдори;</i>
<i>Муҳимлиги ва назорат ҳолати</i>	<i>Қайта тиклаш даражаси;</i>
	<i>Соф зарар миқдори</i>

Инцидентлар тўғрисидаги маълумотлар базаси асосий натижаларга эга бўлган турли хилдаги инцидентларни таснифлаш мезонлари асосида бўлиши лозим. У оммавий, қисқача мазмунга эга бўлиши, мезонларига кўра тақсимланган бўлиши ҳамда тўлиқ маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Риск инцидентларнинг асосий рўйхати ва уларни аниқлаш учун зарур бўладиган маълумотлар қуйидагилар:

Банк филиалларида: Банк балансидаги ўғриликлар; мансабдор шахс ўз лавозимидан шахсий манфаат учун фойдаланиш, бу катта миқдордаги йўқотишларга ёки банк даромадининг камайишига олиб келади; касса ёки банкоматдаги камомад ёки ортиқчалик ҳолати; мижозларнинг маблағларини мўзлатиш ёки ўғирлаш; мижозлардан пора талаб қилиш ёки олиш; мижозларга хизмат кўрсатишда ҳужжатларни сохталаштириш ёки нотўғри талқин қилиш; кредит белгиланган тартибда етарли таъминот билан таъминланмаслиги; Банкка катта йўқотиш олиб келадиган соҳага кредит ажратиш ҳамда бир қатор тартибларга зид ишларни амалга ошириш; мижозларнинг даъволари, шикоятлари; мижозлар билан банк ўртасидаги зиддиятга кўра мижозлар бошқа банкка ўтиб кетиши; мижозларнинг талабларини бажармаслик оқибатида мижозга ва банкка катта миқдордаги йўқотишга олиб келадиган ҳолатлар; филиал ходимлари мижозга хизмат кўрсатишни рад этиши ёки мижозга ҳолисона хизмат кўрсатмаслик; бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, молиявий ва бошқа ҳисоботларини тузишда филиал томонидан аниқланган

¹²² Муаллиф томонидан тайёрланган

жиддий хатолар; филиалдаги носозлик ва бузилишлар; ахборот тизими соҳасидаги бузилишлар; ускуналарда (алоқа, электр энергияси, сув ва бошқалар) ўчиб қолиши; филиаллар хавфсизлик тизими бузилиши (алоқа каналлари); филиалларни бузиб кириш ҳолати (жисмонан); кўриқчилар бўлими; мижозларга тегишли бўлган маълумотларнинг ошкор қилиниши; Банкнинг ички ёки мижозлар билан боғлиқ ҳужжатларининг йўқолиши; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва жиноий фаолиятни молиялаштиришдаги фактларини аниқлаш; филиал моддий бойликларидаги камомад/йўқ қилиниши/бузилиши; филиал асосий ходимларини ишдан бўшатилиши; мижоз ва ходим ўртасида банк биноти худудида бахтсиз ҳодисалар юз бериши; филиалда содир бўлган фавқулодда вазият; Банк нуфузига путур етказадиган бошқа ҳолатлар.

Ички аудит/ Комплаенс-назорат бўлинмаси: Ички назорат ва ички аудиторлик фаолиятидаги функцияларига амал қилмаслик; Банк қонунчилигининг бузилиши; Марказий банк томонидан қонунчилик бузилганлиги учун жарима ҳамда санкциялари; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва жиноий фаолиятни молиялаштириш ҳолатларини таркибий бўлинмалар билан келишиш ҳолати; Ички аудитнинг текширишдаги далолатномалари; Марказий банкнинг текшириш далолатномалари; Комплаенс-назорат томонидан ўтказилган текширишлар далолатномаси.

Банк ички хавфсизлик бўлинмаси: Бош банкдаги фирибгарликлар; Бош банкдаги хавфсизлик тизимининг бузилиши; Бош банкка бузиб киришлар (жисмонан); Ахборот хавфсизлиги назорати бузилиши; Бош банкда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва жиноий фаолиятни молиялаштиришни аниқлаш; Бош банкда содир бўлган фавқулодда вазият; Фирибгарликка оид воқеаларни текшириш натижалари; хавфсизлик тизимидаги носозликлар тўғрисидаги далолатнома; Банкни бузиб кириш тўғрисидаги далолатнома; ахборот хавфсизлигининг бузилганлиги тўғрисидаги далолатнома; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва

жинойй фаолиятни молиялаштиришни аниқлаш; содир бўлган фавқулодда вазият.

Ахборот технологиялари бўлинмаси: Бош банкдаги асбоб-ускуналарнинг бузилишлари; Бош банкда телекоммуникация ускуналарида узилишлар; Бош банкда ахборот хавфсизлиги тизимининг бузилиши; Банкнинг интернет сайтларидаги бузилишлар; рўйхатдан ўтган ускуналарнинг ишламай қолиши; рўйхатдан ўтган дастурий таъминотдаги хатолар; рўйхатдан ўтган телекоммуникация ускуналарининг ишламай қолиши; ахборот хавфсизлиги бузилишлари рўйхат бўйича.

Маъмурий хўжалик бўлинмаси: Бош банк жихозларининг ўчиб қолиши; таъминот материаллари ва банк ускуналарини сотиб олиш тартибини бузиш; Бош банк моддий бойликларининг етишмаслиги / йўқ қилиниши / бузилиши; ишда шахсий мақсадлар учун банкка катта миқдорда зарар етказилиши; етказиб берувчи томонидан, шартнома асосида тўлаб берилган маблағ учун товар (иш, хизмат)ларни етказиб бермаслиги; Аутсорсинг хизматини кўрсатувчи банкнинг олдидаги мажбуриятини бажара олмаслиги; товар ва ишларни бажарувчилар билан низолар; банк мол-мулкининг инвентаризациясидаги камомад далолатномаси; ускуналарнинг ишламай қолиши тўғрисидаги далолатнома; етказиб берувчининг тўланган маблағга ишларни ёки товарларни етказиб бермаганлиги тўғрисидаги далолатнома;

Юридик хизмат бўлинмаси: банк манфаатларига қарши ҳолатда судга мурожаатлар; банкнинг фуқаролик кодексига амал қилинмаган ҳолатлар; корпоратив ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқолиши; текширувлар, Фуқаролик кодексининг бузилиши; банкка қарши суд ишлари бўйича реестр; банкнинг учинчи шахсларга бўлган даъволари.

Ходимларни бошқариш бўлинмаси: Меҳнат қонунчилигининг жиддий бузилиши; кадрлар сиёсатининг жиддий бузилиши; жиддий профессионал ва шахслараро зиддиятлар; бош банкда мижоз ва ходим ўртасидаги зиддиятли ҳодисалар; ходимлар тўғрисидаги банк сирини ошкор қилиш; бош банкдаги асосий ходимнинг ишдан бўшатилиши; кадрлар сиёсатини бузганлик учун

расмий текшириш далолатномалари; ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоботлар; сертификатлаш ва ўқитиш бўйича далолатномалар; таътилнинг йўқлиги ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги далолатнома; меҳнат интизомига риоя қилинмаган ҳолатлар бўйича далолатнома; ходимларнинг бахтсиз ҳодисага учраганлиги бўйича далолатнома.

Ғазначилик бўлинмаси: молия бозоридаги амалиётларнинг яширилиши; молия бозоридаги амалиётлар бўйича лимитларнинг бузилиши; бозор шароитидан сезиларли даражада фарқ қиладиган нархлардаги амалиётлар; молия бозоридаги банкка етказиладиган зарарлар бўйича фирибгарликлар; банк томонидан қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларига қўйилган талабларнинг бузилиши; ғазначилик ходимларининг айби билан бозорни манипуляция қилиш фактлари; ғазначилик ходимлари томонидан ички савдо; банкнинг молия бозоридаги амалиётлари ёки мижозлар билан олиб борадиган амалиётлари тўғрисида махфий маълумотларни ошкор қилиш; рўйхатга олишдаги хатоликлар ва битимларнинг етишмаётган муҳим шартлари; Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёрларнинг бузилиши ҳолати; молия бозоридаги амалиётлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари; бозор конъюнктурасидан четлашган ҳолда тузилган битимлар реестри

Амалиётлар / Бухгалтерия ҳисоботи бўлинмаси: Ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия ҳисоби тизими фаолиятининг бузилиши; банк амалиётларини яшириш; филиал ва бош банкдаги бухгалтерия ўтказмаларида аниқланган фирибгарликлар; бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчиликларидаги бузилишлар; мустақил равишда аниқланган бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тузишдаги муҳим хатоликлар; Регулятор томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва санкциялари; солиқ қонунчилигига амал қилиниши юзасидан солиқ органлари томонидан тузиладиган текшириш далолатномалари; операцион риск ҳодисаси натижасида катта йўқотишларга оид ҳисоботлар.

Пластик карточкалар билан боғлиқ бўлинмалар: Банкдаги техник носозлик туфайли юзага келган пластик карточкадаги фирибгарликлар; банкдаги техник носозлик туфайли пластик карточкалардан маблағ чиқиш муддатларининг бузилиши; пластик карточкалар билан боғлиқ инцидентлар реестри.

Банкни стратегик ривожлантириш бўлинмаси: Бош банкка келиб тушган даъволар ҳамда мижозларнинг шикоятлари; оммавий ахборот воситаларининг банкка нисбатан салбий хабарлари; банкнинг мижозлари тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилиш кўзда тутилган банк хизмат ва махсулотларни ишга тушириши; мустақил равишда аниқланган монополияга қарши, лицензиялаш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг жиддий бузилиши; назорат қилувчи органлар томонидан монополияга қарши, лицензиялаш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва санкциялари; назорат қилувчи органлар томонидан монополияга қарши, лицензиялаш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш далолатномалари; Банк махсулотлари ва хизматларини сотиш бўйича ҳисоботлари; рўйхатга олинган мижозларнинг шикоят ва даъволари; оммавий ахборот воситаларининг салбий нашрли реестрлари.

Кредитлаш жараёни билан боғлиқ бўлинмалар: Банк учун катта йўқотишга олиб келадиган кредит жараёнининг жиддий бузилиши ҳамда нотўғри бажарилиши; банк учун катта ҳажмдаги тўловга олиб келадиган кредит жараёнининг бузилиши ёки бажарилиши; мижозларга хизмат кўрсатишда ҳужжатларни сохталаштириш, қалбакилаштириш ёки нотўғри талқин қилиш ҳолати; кредит ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган ҳолат; даъволар, мижозларнинг шикояти расмий рўйхатга олинганлари; махфий мижоз ёки кредит портифели маълумотлари ошкор қилиниши; корпоратив ва мижоз ҳужжатларини йўқотиш; кредит ажратилаётган мижознинг шу соҳадаги тажрибаси бор йўқлигини ўрганиш; битта жисмоний шахсга тегишли бўлган бир неча корхоналар орқали кредит маблағларни айланишини ўрганиш; бир

филиал мижозларига кредит маблағлари ажратишда маълум бир тармоқ корхоналар салмоғини ўрганиш; кредит ажратилган мижозлар ҳисобрақамларини таҳлил қилиб бориш; гаров мулк ва суғурта полиси муддатини узайтирилмаганлиги; кредит ҳисобига сотиб олинган мулкларнинг кредит таъминоти сифатида гаровга олинishi;

“Green Banking” бўлинмаси: чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, сақланиши ва утилизация қилиш жараёнларида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш; иқлим ўзгариши; меҳнат қонунчилигининг бузилиши; меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги; ходимлар билан ўзаро муносабатларнинг бузилиши; манфаатдор томонлар билан муносабатларнинг бузилиши ёки йўқлиги; маҳсулот ва хизматлар сифатининг бузилиши билан боғлиқ рисклар; шикоятларни кўриб чиқиш механизмининг бузилиши ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ рисклар.

4.5-жадвал

"А" банкнинг риск инцидентларидан кўрилган зарарлар миқдори¹²³ минг сўмда

№	Бизнес йўналишлари	Асосий параметрлар				
		Инцидентлар сони	Улуши %да	Ўртача зарар миқдори	Ялпи зарар миқдори	Улуши %да
1	Корпоратив бизнес	-	0%	-	-	0%
2	Кичик ва ўрта бизнес	1	10%	210	210 254	9%
3	Чакана банк хизматлари	4	40%	1 058 700	1 058 700	44%
4	Банкнинг инвестицион фаолияти	2	20%	463	925 000	38%
5	Тизимлари ва технологиялари	2	20%	88	175 094	7%
6	Молиявий ва капитални бошқариш	1	10%	45	45 030	2%
7	Назорат тизими	-	0%	-	-	0%
8	Бошқариш тузилмаси	-	0%	-	-	0%
	Жами	10	100%	241 408	2 414 078	100%

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, риск инцидентлар сони 10 та, шундан асосий қисми чакана банк хизматларига тўғри келган. Худди шундай кўрилган зарар бўйича энг катта зарар чакана банк хизматларига тўғри келади. Маълумки, бугунги кунда банкдарда рақобат шароитида чакана банк хизмат турлари кўпайиб бормоқда. Бу эса ушбу

¹²³ Муаллиф томонидан тайёрланган

йўналишда бир катор рискларни келтириб чиқармоқда. Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу банкда чакана банк маҳсулотларини чиқаришдан олдин уларнинг ишлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган риск инцидентларини батафсил ўрганиш лозим. Шунингдек, банкларда рисклардан “ҳимоя қилиш чизиғи”даги 2-ҳимоя чизиғида турувчи банкнинг таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат бўлинмалари фаолиятини яънада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Банк раҳбарияти ички амалиётларни ҳисобга олган ҳолда банк риск инцидентларини йиғиш мақсадида турли кўрсатмаларига ва қоидаларига тезроқ мослаштириш учун раҳбарият томонидан тасдиқланган ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш лозим.

Банк инцидентларни аниқ тавсифлаши ва хронология талабларига мувофиқ тўғри рўйхатдан ўтказилишини таъминлаши лозим. Инцидентни бартараф қилиш жараёни пухта ва аниқ ҳужжатлаштирилган таҳлил асосида амалга оширилади. Шунингдек, харажат ва фойдани инобатга олган ҳолда содир бўлган ҳодисани ўз вақтида бартараф қилиш ва бартараф қилинишини назорат қилиш ҳамда рискларни камайтиришни таъминлаш зарур.

Инцидентларни рўйхатга олиш жараёнида иштирокчилар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, юқори рискли инцидентлар тўғрисида маълумот қамровини кенгайтириш ва бошқарувга етказиш, қисқа вақт ичида муаммонинг ечими орқали риск таъсирини камайтириш бўйича ишлар режасини ишлаб чиқиш лозим;

Инцидент маълумотларини ҳар чорақда доимий равишда мавжуд бўлган барча ички маълумотлар регистрлари асосида қайта кўриб чиқиши ҳамда ушбу жараён асосий риск кўрсаткичларини, ахборот технологиялар регистри, юридик хизматнинг маълумотномалари, мижозлар шикоятлари (рўйхатдан ўтган қисми), ички аудит ҳисоботлари, бухгалтерия маълумотлари ва бошқарув ахборот тизими маълумотларини ўз ичига олиши лозим.

Риск эгалари томонидан инцидентларни йиғиш базаси учун яроқли бўлган барча юзага келган инцидентларни қисқа вақт ичида риск

координаторига маълум қилиши ёки уларга хабар беришини таъминлаши лозим. Инцидент тўғрисидаги маълумотларни ёзиб олиш талаблари бажарилиши учун етарли бўлиши ва далил ҳамда асослантирувчи материалларнинг тўлиқ рўйхати билан таъминланиши керак.

Операцион риск мутахассиси ўзаро текширув ва банк учун йўқотишга олиб келадиган маълумотларини йиғиш жараёнини тасдиқлаш, рақамларни кўриб чиқиш, ўзгаришлар бўйича тушинтиришлар олиб бориш ҳамда муҳокама қилиб, маълумотларга зарурий тuzатишлар киритиши керак.

V БОБ. БАНК РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5.1. Банкларда рискларни стресс-тестдан ўтказиш орқали баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш

Бугунги кунда стресс-тест молия институтларида тобора кенг тарқалган рискларни таҳлил қилиш услубига айланиб бормоқда, чунки банклар томонидан тартибга солинадиган банклар ички рейтингларни қўллашда стресс-тестдан фойдаланишни белгилайди.

Банкда банк учун аҳамиятли бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва бошқариш, стресс-тестдан ўтказиш бўйича тасдиқланган сиёсатининг, шунингдек, банк учун аҳамиятли таваккалчиликлар ва капитал бўйича ҳисобот тизимининг мавжудлиги¹²⁴ лозимлиги стресс-тестларнинг ишончли тизимини йўлга қўйиш ва тегишли талабларни ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди.

Банк назорати бўйича Базел қўмитасининг фикрига кўра, "банклар ички рейтинг моделидан фойдаланган ҳолда капиталнинг етарлилигини баҳолаш учун қаттиқ стресс тестларидан ўтишлари керак"¹²⁵.

Ушбу ҳолатлар банкларда рискларни таҳлил қилиш, башорат қилиш, олдини олиш ва бошқариш мақсадида стресс-тест ўтказишнинг назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Халқаро валюта жамғармаси стресс-тестни "портфелнинг макроиқтисодий кўрсаткичлардаги муҳим ўзгаришларга ёки фавқулодда, аммо мумкин бўлган воқеаларга нисбатан таъсирчанлигини баҳолаш усуллари¹²⁶" деб ифодалайди.

¹²⁴ Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (05.11.2019йил ЎРҚ-580-сон)

¹²⁵ Basel Committee on Banking Supervision "International Convergence of Capital Measurement and Capital Standards", 2004

¹²⁶ Blaschke W., Jones T., Majnoni G., Peria S-M. "Stress Testing of Financial Systems: An Overview of Issues, Methodologies, and FSAP Experience", IMF Working Paper, 2001

Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотларига кўра, "стресс молия институтлари томонидан ўзларининг заифликларини фавқулодда, аммо мумкин бўлган воқеаларга баҳолаш учун ишлатиладиган турли усулларни тавсифловчи атамадир¹²⁷".

Россия банки стресс-тестини "алоҳида, аммо эҳтимолий ҳодисаларга мос келадиган хавф омилларининг бир қатор белгиланган ўзгаришларининг кредит муассасасининг молиявий аҳволига потенциал таъсирини баҳолаш¹²⁸" деб белгилайди.

Стресс-тест банк операцияларининг таҳдид манбалари ва оқибатларини аниқлаш, шунингдек, молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари, узлуксиз банк ишини тиклаш юзасидан ўтказилади.

Республикамизнинг банк фаолиятига алоқадор қонун ва кўплаб меъёрий ҳужжатларида банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказиш бўйича талаблар мавжуд, бироқ уни ўтказиш тартиб ва тамойиллари бўйича аниқ меъёрий ҳужжатлар йўқлиги сабабли банклар ўзларининг тижорат фаолиятидан келиб чиқиб стресс-тест ўтказиш бўйича ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқади.

Стресс-тест ўтказишнинг мақсади банк томонидан банк операцияларининг барқарорлигини таъминлаш учун юзага келиши мумкин бўлган стрессли вазиятларнинг мавжудлиги, таъсири ва уларни олдини олиш, камайтириш йўллари ҳақида хабардорликни олиш сифатида белгиланади.

Стресс-тест ўтказиш тартиби банкнинг стратегик бошқарув тизимида интеграциялашган жараён бўлиб, банк операциялари жараёнида, сезиларли йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга, шунингдек стрессли вазиятни бартараф этиш чораларини режалаштиришга қаратилади.

Стресс-тест жараёнида банк қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутиш лозим бўлади:

¹²⁷ "Stress testing by large financial institutions: current practice and aggregation issues", BIS, 2000

¹²⁸ "Подходы к организации стресс-тестирования в кредитных организациях (на основе обзора международной финансовой практики)", Центральный банк Российской Федерации, 2003

стресс-тест объектларини ва стрессли ҳодисалар оқибатларининг келиб чиқиш rischi манбаларини (омиллари) аниқлаш;

кам эҳтимолли, лекин юзага келиши мумкин бўлган стресс ҳолатлари сценарийларини яратиш;

ҳар бир муҳим турдаги рисклар бўйича стрессли ҳодисаларнинг оқибатларини баҳолаши ва банкнинг асосий фаолият параметрлари учун жамланган, стрессли вазият оқибатларини олдини олиш ва минималлаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифларни шакллантириш;

стресс-тест ўтказиш шарт-шароитлари ва натижаларини муҳокама қилишни ташкил этиш, шунингдек стрессли вазият юзага келган тақдирда Банк барқарорлигини сақлашга қаратилган қарорлар қабул қилиш.

Банк стресс-тест доирасида қуйидаги тамойилларга асосланади:

Бошқарув иштироки: стресс-тест Банкда стратегик ва рискларни бошқариш жараёнининг ажралмас қисми бўлиши керак, бу эса барча даражадаги менежерларнинг сценарий тахминлари ва стресс-тест натижаларини тушуниш жараёнида фаол иштирок этишини талаб қилади.

Яхлитлик: стресс-тест Банк фаолиятининг барча муҳим соҳаларини ва келажакда сезиларли даражада жиддий тус олиши мумкин бўлган рискларни қамраб олиши керак.

Мураккаблик: стресс-тест синовлари Банк фаолиятининг алоҳида йўналишлари даражасида ҳам, Банк фаолиятининг умумий йўналишларида ҳам Банк фаолиятининг асосий параметрларига қўшма (йиғма) таъсир кўрсатадиган комбинацияланган сценарий бўйича амалга оширилиши керак.

Мослашувчанлик: стресс-тест Банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган энг муҳим бўлмаган таҳдидлар ва салбий оқибатларни моделлаштирадиган сценарий тахминларга асосланиши керак, бу эса стрессни синовдан ўтказишни ва шунга мос равишда сценарий тахминларни ички ва ташқи омилларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда тузатишни талаб қилади.

Қарор қабул қилиш: стресс-тест натижалари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида стрессли ҳодисаларнинг олдини олиш/камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш билан яқунлаш лозим.

5.1-жадвал

Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказишнинг бир неча ўзаро боғлиқ босқичлари¹²⁹

Стресс-тест объектларини аниқлаш	Таҳлил муҳим йўқотишлар билан бирга бўлиши ёки Банк барқарорлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият соҳалари бўйича олиб борилади.
Риск манбаларини/ риск омилларини белгилаш	Ҳар бир муҳим соҳа учун банкнинг барқарорлиги ва риск омилларига сезиларли зарар ва рискларнинг сабаблари ўрганилади.
Сценарийлар таклифини шакллантириш	Сценарийларнинг турлари аниқланади ва сценарий тахминларининг хусусиятлари (параметрлари) ҳар бир сценарий учун тузилади. (оқибатларнинг оғирлигига кўра)
Стресс-тест объектлари учун ҳодисаларнинг оқибатларини баҳолаш	Стресс-тестнинг ҳар бир объекти учун стрессли ҳодисаларнинг эҳтимолий йўқотишлари ва бошқа оқибатларини таҳлил қилишни амалга оширади.
Натижаларни банк кўрсаткичларига умумий таъсирининг таҳлили	Ҳар бир стресс-тест объекти учун стресс-тест натижалари таҳлил қилинади ва Банк кўрсаткичларига таъсири баҳоланади.
Мониторинг ва стресс-тест натижаларини назорат қилиш	Банк кўрсаткичлари мониторинг қилинади, қиймат чегаралари назорат қилинади, стрессли ҳодисаларга тайёргарлик баҳоланади, ҳисоботлар тайёрланади.
Стресс-тест натижалари асосида қарор қабул қилиш	Рискли ҳодисаларнинг келиб чиқиш оқибатларини олдини олиш ва минималлаштириш чора-тадбирларининг зарурлиги, кўлами ва характери аниқланади.

Банкларда ўтказиладиган стресс-тест жараёни юқоридаги босқичлар асосида олиб борилиши стресс-тестнинг сифатини ва самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Банк таъсирли рискларга дуч келиши мумкин бўлган ва муҳим йўқотишларни ўз ичига олиши ёки банк операцияларининг барқарорлиги ва узлуксизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча муҳим йўналишларни стресс-тестдан ўтказилади.

¹²⁹ Муаллиф томонидан тайёрланган

Фаолиятнинг танқидий йўналишлари банк томонидан муҳим молиявий ва молиявий бўлмаган рисклар рўйхати асосида аниқланади.

5.2-жадвал

Банкнинг танқидий фаолият соҳаларини аниқлаш мезонлари¹³⁰

таъсирли молиявий ёки молиявий бўлмаган рискка тортилганлиги;	бир вақтнинг ўзида юзага келадиган катта молиявий йўқотишлар рисики;	Фаолияти-нинг кенг кўламли ва узоқ муддатли бузилиши эҳтимоли;	риск-аппетити чекловлари ва мажбурий меъёрларни бузиш эҳтимоли;	обрў-эътиборни йўқотиш rischi ва ҳуқуқий талаблари-нинг бузилиши.
--	---	---	--	---

Банклар муҳим фаолият сифатида юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш, иқтисодий фаолият сустлашаётган тармоқларни кредитлаш, йирик қарздорларга кредит ажратиш ва йирик депозиторларни жалб қилиш, контрагент банклардан ресурс жалб қилиш ёки уларга жойлаштириш, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, конверсия операцияларини амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслардан маблағларни жалб қилиш, молиявий ковенантларга амал қилган ҳолда маблағларни жалб қилиш, фирибгарлик рисклари ва улар билан боғлиқ фаолиятларни назорат қилиш, йирик ва муҳим мижозларга хизмат кўрсатиш, манфаатдор томонлар ва назорат органлари билан алоқа ўрнатиш, ҳуқуқий талабларга риоя этилишини назорат қилиш ахборот хавфсизлигига риоя қилиш, фаолиятни тиклаш ва узлуксизлигини таъминлаш, асосий хавфсизлик объектларининг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларини кўриб чиқиши мумкин:

Банк фаолиятининг ҳар бир муҳим соҳасида стресс-тест ўтказиш учун кўриб чиқиладиган фаолиятнинг барча хусусиятларига эга ва аниқ стресс-тест объектларини белгилайди. Шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлган стрессли ҳодисаларни тавсифловчи таҳдид ва риск омилларининг манбаларини баҳолайди.

¹³⁰ Муаллиф томонидан тайёрланган

Банк ўз амалиётида бир ёки бир неча объектларига бир вақтда ёки алоҳида стресс-тест сценарийларининг қуйидаги турларини қўллайди:

Сценарий таҳлили (scenario analysis) рискларни баҳолаш ёндашуви сифатида белгиланади, бир ёки бир неча боғлиқ стрессли ҳодисалар доирасида бир неча риск омилларининг таъсирини моделлаштиришга имкон бериш ва инқироз даврида банк операциялари учун уларнинг келиб чиқиш зарарлари ва оқибатларини баҳолайди

Сезувчанлик таҳлили—фақат бир риск омили натижасида зарар ва оқибатларни тахмин қилиш имконини беради ёки банк фаолиятига таҳдидларни аниқлайди.

Сценарий таҳлилига биноан Банк икки турдаги стрессли вазиятларни моделлаштиради:

Мураккаб стрессли вазиятлар – бир неча ўзаро боғлиқ стрессли ҳодисаларнинг бир вақтда ёки кетма-кет бошланиши билан кечадиган ва банк фаолиятига кенг кўламли узоқ муддатли таъсир кўрсатадиган инқирозли вазиятларнинг такрорланиши.

Мураккаб стрессли вазиятларни иқтисодий инқироз бирлашган сценарий, реал иқтисодиёт секторининг инқироз сценарийлари, молия бозорларидаги инқироз сценарийлари, банк секторига бўлган ишонч инқирозининг сценарийлари билан моделлаштириш мумкин.

Бир марталик стрессли вазиятлар фақатгина ягона стрессли вазият ва Банк фаолиятига қисқа муддатга таъсир қилади.

Бир марталик стрессли вазиятларни бир молиявий восита қийматининг кескин ўзгариш сценарийси, дефолт сценарийси ёки катта мижоз томонидан маблағларни қайтариб олиниши сценарийси, катта операцион йўқотишлар ва фаолиятда бузилишлар сценарийси, фаолиятни чеклаш бўйича назорат регламентларини қабул қилиш сценарийси ҳамда Банк ёки мамлакат кредит рейтингининг пасайиш сценарийлари билан моделлаштириш мумкин.

Сценарийни таҳлил қилиш учун стрессли вазиятларни танлаш мутахассислар томонидан камдан-кам учрайдиган ва таъсирли рискларни

хамда ҳозирги ва келгуси даврларда банк фаолиятининг муҳим йўналишлари учун салбий оқибатлар моделлаш зарурати асосида амалга оширилади.

Молиявий бўлмаган рискларни сценарий таҳлил қилиш учун стрессли вазиятлар банкнинг ваколатли коллегиял бошқарув органи томонидан тасдиқланган Банк фаолияти узлуксизлигини таъминлаш ва тикланиш режаси қоидаларига асосланган ҳолда тузилади.

Сценарий тахминлари Банк ва бошқа банклар амалиётида содир бўлган тарихий кузатувлар, шунингдек статистик (масалан, регрессия ва дискриминант таҳлил) ва эксперт (гипотетик) баҳоларга асосланган ҳолда банк томонидан белгиланади.

Эксперт ёндашуви, унга кўра риск омили қийматининг ўзгариши риск иштирокчиларининг эмпирик тажрибасига асосланган ҳолда субъектив равишда аниқланади.

Регулятив ёндашув, унга кўра риск омили қиймати ўзгаришлар ҳақида тахминлар назорат органлари талаблари ёки тавсияларига асослананади.

Қиёсий таҳлил қилиш мақсадида Банк бир вақтнинг ўзида бир нечта сценарийлар учун стрессни синаш тартибини ўтказди, олинган натижаларни таққослайди ва банкнинг муайян стрессли вазиятнинг бошланишига тайёрлигини баҳолайди.

Нормал, салбий ва экстремал сценарий шартлари бўйича ўтказилган стресс-тест банкнинг деярли барча фаолиятига таъсир қилиши мумкин, хусусан, кредитларнинг қайтмаслиги кредит рискинни ошириб, банкнинг рискка тортилган активлар салмоғини кўпайишига ҳамда кредитларнинг сифати ёмонлашиши натижасида уларга махсус захира яратилиши банк соф фойдаси камайишига олиб келади.

“А” банкнинг 2021 йил 1 январь маълумотларига асосан нормал, салбий ва экстремал сценарий шартлари бўйича стресс-тест ўтказиш¹³¹

	1-нормал	2-салбий	3-экстремал
Сценарий тахминлар	<p>Пандемия таъсирида муддати узайтирилган корхоналар молиявий фаолияти секин аста тикланиб боради ҳамда ушбу корхоналарнинг 2021 йилда график бўйича тўлов суммаси 10 %га қайтмайди. Активлар 11,5 %, кредит портфели 12,2 %га ўсади. Валюта курси йил давомида 10,3 %га ошади. Фоизсиз даромадлар 3 %га камаяди, операцион харажатлар 3 %га ошади. Талаб қилиб олингунча депозитлар 3 %га, муддатли депозитлар 2 %га камаяди</p>	<p>Пандемия таъсирида муддати узайтирилган корхоналар молиявий фаолияти ёмонлашиб боради ҳамда ушбу корхоналарнинг 2021 йилда график бўйича тўлов суммасининг 30 % и қайтмайди. Мораторий берилган кредитлар ҳисобига ҳамда миллий валюта девалвацияси ҳисобига активлар 13,2 %, кредит портфели 14,3 %га ўсади. Валюта курси йил давомида 12 %га ошади. Фоизсиз даромадлар 5 %га камаяди, операцион харажатлар 6%га ошади. Активларнинг фоиз ставкаси миллий валютада 0,5%га, мажбуриятларнинг фоиз ставкаси миллий ва хорижий валютада 1%га ошади. Талаб қилиб олингунча депозитлар 5%га, муддатли депозитлар 4%га камаяди</p>	<p>Пандемия таъсирида муддати узайтирилган корхоналар молиявий фаолияти ёмонлашиб боради ҳамда ушбу корхоналарнинг 2021 йилда график бўйича тўлов суммасининг 50 %и қайтмайди. Мораторий берилган кредитлар ҳисобига ҳамда миллий валюта девалвацияси ҳисобига активлар 15,8 %, кредит портфели 17,3 %га ўсади. Валюта курси йил давомида 14,4 %га ошади. Фоизсиз даромадлар 10%га камаяди, операцион харажатлар 9%га ошади. Активларнинг фоиз ставкаси миллий валютада 1 %га, мажбуриятларнинг фоиз ставкаси миллий ва хорижий валютада 2 %га ошади. Талаб қилиб олингунча депозитлар 7%га, муддатли депозитлар 6%га камаяди.</p>

Регулятив капиталнинг ўсиш суръати рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатидан ортда қолиши, капиталнинг етарлилиги бўйича белгиланган минимал талабларнинг бажарилмаслигига олиб келади¹³².

Шунингдек, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидлилик рискинни келтириб чиқаради.

¹³¹ Муаллиф томонидан тайёрланди

¹³² Бердияров Б.Т. “Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари” мавзусидаги иктисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати, -Т.: 2020, 74 б.

**Ўтказилган стресс-тест натижаларининг банкнинг молиявий
кўрсаткичларига таъсир¹³³**

Кўрсаткичлар	Давр	Режа	Нормал	Салбий	экстремал
Капитал					
Капитал етарлилиги	Dec-21	15,4%	13,8%	13,0%	11,65%
1-даражали капитал етарлилиги	Dec-21	11,2%	12,1%	11,8%	9,4%
Активлар сифати					
Муаммоли кредитлар даражаси (мах)	Dec-21	0,9%	1,5%	3,0%	4,8%
Кредитлар бўйича захиралар даражаси(мах)	Dec-21	3,25%	3,38%	3,90%	5,01%
Муаммоли кредитларнинг захира билан қопланиши(мин)	Dec-21	343%	233%	130%	105%
Фойдалилик					
Стресс-йўқотишлар, млн.сўм (мах)	Dec-21	0	27 554	192 898	634 302
Соф фойда, млн.сўм	Dec-21	976 306	937 224	681 091	101 695
Бизнес режадан четланиш	Dec-21	0%	-4%	-30%	-90%
Ликвидлилик					
ГЭП таҳлили фарқи (разрывы ликвидности), млн.сўм	Dec-21	4 766 541	4 046 110	3 458 518	2 522 265
ГЭП таҳлили фарқининг жами активлардаги улуши (%)	Dec-21	9,2%	7,4%	6,2%	4,4%
Ликвидлилик етишмаслиги, млн.сўм	Dec-21	0	0	0	317 419

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 1 ва 2-сценарийларда Банк капитал етарлилиги даражада сақланиб қолади. Капиталнинг етарлилик даражаси 3-сценарийда эса 11,65%га тушади. Капиталнинг максимал етишмаслиги 3-сценарийда 787,7 млрд.сўмни ташкил этади.

Энг қийин 3-сценарий бўйича муаммоли кредитлар улуши 4,8 % гача, кредит бўйича захиралар даражаси 5,01% гача кўтарилади. Максимал стресс

¹³³ Муаллиф томонидан тайёрланган

йўқотиш, яъни соф фойда бизнес режага нисбатан 1-сценарийда 4%, 2-сценарийда 30 %, 3-сценарийда 90 % четлашади. Ликвидлилик ГЭП (жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган мажбуриятлар муддатлари ўртасидаги фарқ) таҳлилида, фарқ сумманинг активдаги улуши 3-сценарийда 3,9 % гача пасаяди, бу эса қўшимча 317 млрд.сўм ликвидликни талаб қилади.

Стресс-тест натижаларини кузатиш ва назорат қилиш натижалари асосида банкнинг рискларни бошқариш бўлими томонидан банкнинг асосий кўрсаткичларининг максимал қийматларини баҳолаш ва белгиланган чеклашлар бузилганлигини аниқлаш лозим. Стресс-тест натижаларини мониторинг ва назорат қилиш натижаларини Банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим этиш ва тегишли бўлиmlар ўртасида ўзаро маълумот алмашиш зарур.

Кучли йўқотишлар бўлган тақдирда, банк асосий фаолият кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари бузилганлигини қайд этиши мумкин, бу эса Банк инқироз шароитларига тайёр эмаслигини кўрсатади.

Агар банк инқироздаги хавфлар билан шуғулланиш учун етарлича тайёр бўлмаса, Банк молиявий барқарорликни таъминлаш ва тиклаш бўйича қўшимча капитални жалб қилиш, юқори капитал захирасини талаб қилувчи хавфли позициялардан чиқиш, инқироз шароитида заиф бўлган тармоқларни кредитлаш бўйича лимитлар жорий қилиш, инқироз шароитида инқирозга бардошли тармоқларни кредитлаш, йирик ностандарт кредитлар учун қўшимча гаров талаб қилиш, кредит шартларини қайта кўриб чиқиш ва муаммоли қарздорликларни тартибга солиш, капитал даромадининг оширадиган rischi юқори позицияларини жалб қилиш, кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш, актив операцияларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилишни марказлаштириш, турли манбалар орқали бозорни молиялаштириш билан йирик депозиторларни алмаштириш, кредитлаш муддатларини қисқартириш ва захира молиялаштириш линияларини фаоллаштириш каби чораларни амалга ошириш лозим бўлади.

Банклари фаолиятлари учун стрессли ҳолатларнинг олдини олиш ва камайтириш чора-тадбирлари банк ваколатли коллегиял бошқарув органларининг алоҳида қарорлари билан тасдиқланиши ёки банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ молиявий барқарорлик режасини тайёрлаш қисми сифатида расмийлаштирилиши лозим.

Ташқи ва ички хавф омиллари, асосий таҳлил тоифалари учун стресс-тест натижалари ва сценарийлар турлари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумотни ўз ичига олган стресс-тест натижалари ҳақида батафсил ҳисобот тайёрлаш лозим бўлади.

Стрессли вазиятнинг асосий хусусиятлари ҳақида маълумотни ўз ичига олган номолиявий рисклар учун сценарий таҳлилининг натижалари бўйича ҳисобот хавф тадбирининг параметрларини баҳолайди, сценарий таҳлилининг натижаларини ўз ичига олади, мавжуд назорат механизмларини таърифлайди ва банкнинг стрессли вазиятдан келиб чиқадиган таҳдидларга қарши тайёрлиги ҳақида фикр билдиради.

5.2. Банклар корреспондент банкларга лимит ўрнатиш орқали контрагент рискларини бошқариш

Маълумки, банклар хорижий валютадаги операцияларини амалга оширишда бир қанча маҳаллий ва хорижий банкларида ўзларининг корреспондент ҳисобрақамларини очишади. Ушбу банклардаги маблағлардан эркин фойдаланиш корреспондент банкнинг молиявий ҳолатига боғлиқ ҳисобланади.

Банк контрагент рискинни контрагент томонидан Банк олдидаги ҳар қандай мажбуриятларни бажармаслик натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар ёки корреспондент банк билан молиявий муносабатларни давом эттира олмаслик ёки хоҳламаслик деб таърифлаш мумкин.

Контрагент – бу Банк билан молиявий алоқада бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган, Ўзбекистон ёки чет элда рўйхатдан ўтган молиявий институтлар.

Контрагентлар билан муомала қилишда Банк қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги операциялардан контрагентлар хавфига дуч келиши мумкин:

ғазначилик операциялари, яъни Ностро ҳисобварақларига жойлаштириш, валюта, банклараро кредит, репо операциялари, қимматли қоғозларга инвестициялар ва контрагент молия институтлари томонидан қарз олиш;

банк операциялари, яъни контрагентлар томонидан берилган кафолатларни қабул қилиш, кўрсатилган банклар фойдасига аккредитивларни очиш ёки халқаро ва ички савдо, пул ўтказмалари ва бошқа шартномалар бўйича тегишли банкларга пул ўтказмалари.

Корреспондент-банк молиявий ҳолатининг умумий таҳлили у томонидан тақдим қилинган мазкур банк жойлашган давлатнинг банк тизимини назорат қиладиган органнинг ёки таҳлили ўтказилаётган банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган молиявий ҳисоботлар асосида ўтказилади. Бунда ҳисоботлар аудиторлик ташкилотининг хулосасисиз қабул қилиниши мумкин, йиллик молиявий ҳисобот бундан мустасно.

Корреспондент-банк молиявий ҳолатининг умумий таҳлили ва лимит ҳисоб- китоби корреспондент-банкнинг ҳажми, балансининг молиявий коэффициентлар воситасидаги ҳамда рейтинг агентликларининг рейтинг маълумотлари бўйича таҳлиллар натижаларига кўра амалга оширилади.

Корреспондент-банкнинг ҳажми балансининг брутто-валюта баланси бўйича статистик таҳлили воситасида аниқланган жами активлари ҳажми бўйича баҳоланади. Банклар қуйидаги жадвалда келтирилган 6 та шартли гуруҳларга таксимланиб, таҳлил қилинади.

Гуруҳ -глобал тизимли аҳамиятга эга (Global systematically important banks - G-SIBs) банклар “Банк назорати бўйича Базель қўмитаси” томонидан, қўмитанинг ўзи тасдиқлаган методика бўйича аниқланади. Глобал тизимли аҳамиятга эга банклар рўйхати мазкур қўмита томонидан банк хизматларининг халқаро бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

Корреспондент-банкнинг баҳоланиши

Гуруҳ*	Активлар ҳажми	Балл
I гуруҳ	Глобал тизимли аҳамиятга эга банклар	08-10
II гуруҳ	500 млрд. АКШ долларидан ортиқ	6 - 7,99
III гуруҳ	100 дан 500 млрд. АКШ долларигача	4 - 5,99
IV гуруҳ	2 дан 99 млрд. АКШ долларигача	2 - 3,99
V гуруҳ	1 млрд. АКШ долларигача	0–1,99

Бир гуруҳга кирувчи банклар жами активларининг қиёсий таҳлили натижаларига кўра, белгиланган баллар доирасида (юқоридаги жадвалга қаранг) баҳоланади.

Корреспондент-банкнинг молиявий ҳужжатлари (ҳисоботлари) таҳлили жараёнида ушбу банк фаолияти самарадорлигининг аҳамиятли қонуниятларини кўрсатувчи коэффициентлар ҳисобланади. Бу коэффициентлар қуйидаги 4 та кичик гуруҳларга бўлинади:

Корреспондент - банк капиталининг етарлилик даражасини кўрсатувчи коэффициент

Жами капиталнинг етарлилик даражаси коэффициенти (CA) - банк жами капиталининг рискка тортилган жами активларига нисбати:

$$CA = E / Ar$$

бунда,

CA – жами капиталнинг етарлилик даражаси коэффициенти;

E – Банкнинг жами капитали миқдори;

Ar – Банкнинг рискка тортилган жами активлари миқдори.

Коэффициентнинг 0,1 дан кам бўлган кўрсаткичи етарли эмас деб ҳисобланади ва банкнинг рискли молиявий сиёсатидан дарак беради. 0,1 дан 0,16 гача бўлган кўрсаткич банкнинг самарали молиявий сиёсатини ифодалайди. Ушбу коэффициент кўрсаткичи банкларнинг молиявий ҳолатини

баҳолашдаги ўрнининг муҳимлигини инобатга олиб, қуйида келтирилган интервал бўйича 5 балли шкалада баҳоланади:

5.6-жадвал

Жами капиталнинг етарлилик даражаси коэффиценти

Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари	Берилиши мумкин бўлган баллар интервали
$0.13 < CA < 0.16$	3,75–5,0 балл
$0.12 < CA < 0.13$	2,5–3,74 балл
$0.16 < CA < 0.18$	2,5–3,74 балл
$0.10 < CA < 0.12$	1,25–2,49 балл
$CA > 0.18$	0–1,24 балл
$0 < CA < 0.10$	0 балл

Банк операциялари рентабеллиги коэффицентлари

Банк операцияларининг рентабеллик даражаси иккита коэффицент, капиталнинг рентабеллиги коэффиценти ва активлар рентабеллиги коэффиценти кўрсаткичлари воситасида аниқланади. ҳар бир коэффицент кўрсаткичи 1 балли шкалада баҳоланади. Кичик гуруҳ учун бериладиган энг юқори балл кўрсаткичи 2 балл.

Капиталнинг рентабеллиги коэффиценти (*ROE*) - ҳисобот даври сўнгидаги соф фойда (солиқлардан кейинги) миқдорининг жами капитал миқдorigа нисбати:

$$ROE = (NI/E) * (360/t)$$

бунда,

NI – соф фойда миқдори;

E – банк жами капитали миқдори;

t – йил бошидан кунлар ҳисобидаги ҳисобот даври.

Банк операциялари рентабеллиги коэффицентлари

Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари %	Берилиши мумкин бўлган баллар интервали
$ROE > 11$	0,9–1,0 балл
$9 < ROE < 11$	0,7–0,89 балл
$7 < ROE < 9$	0,5–0,69 балл
$5 < ROE < 7$	0,3–0,49 балл
$1 < ROE < 5$	0–0,29 балл
$0 < ROE < 1$	0 балл

Активлар рентабеллиги коэффиценти (ROA) - ҳисобот даври сўнгидаги фойда (соликлардан кейинги) миқдорининг жами активлар миқдорига нисбати:

$$ROA = (N1/A) * (360/t)$$

бунда,

$N1$ – соф фойда миқдори;

A – жами активлар миқдори;

t – йил бошидан кунлар ҳисобидаги ҳисобот даври;

Активлар рентабеллиги коэффиценти

Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари %	Берилиши мумкин бўлган баллар интервали
$0.70 < ROA < 1$	0,9–1,0 балл
$0.50 < ROA < 0.70$	0,7–0,89 балл
$0.30 < ROA < 0.50$	0,5–0,69 балл
$QAQ < ROA < 0.30$	0,3–0,49 балл
$0 < ROA < 0.10$	0–0,29 балл
$ROA > 1$	1 балл

Ликвидлик коэффиценти.

Банкнинг ликвидлиги даражаси жорий ликвидлик коэффиценти кўрсаткичи билан баҳоланади. Юқори ликвидли активлар кассадаги нақд

пуллар, вакиллик ҳисобрақамлари қолдиқлари ҳамда юқори ликвидли қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар қийматларидан иборат бўлади.

Мазкур кичик гуруҳ учун энг юқори балл кўрсаткичи 2 балл этиб белгиланади.

Жорий ликвидлик коэффиценти (LR_m) - юқори ликвидли активларнинг талаб қилиб олгунгача мажбуриятлар миқдорига нисбати:

$$LR_m = LA / L_c$$

бунда,

LR_m – жорий ликвидлик коэффиценти;

LA – юқори ликвидли активлар;

L_c – талаб қилиб олгунгача мажбуриятлар.

5.9-жадвал

Ликвидлик коэффиценти

Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари	Берилиши мумкин бўлган баллар интервали
$LR_m > 0,35$	1,7–2,0 балл
$0,30 < LR_m < 0,35$	1,3–1,69 балл
$0,25 < LR_m < 0,30$	0,9–1,29 балл
$0,20 < LR_m < 0,25$	0,5–0,89 балл
$0,15 < LR_m < 0,20$	0–0,49 балл
$0 < LR_m < 0,15$	0 балл

Активлар сифатини баҳоловчи коэффицентлар

Корреспондент-банк активларининг сифати эҳтимолий йўқотишлар бўйича яратилган захиралар ва кредитлар сифати коэффицентлари кўрсаткичлари билан баҳоланади. Мазкур коэффицентлар гуруҳи 1 балли шкалада баҳоланади.

Эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захиралар коэффиценти (QL_r) - кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захира миқдорини берилган кредитлар умумий қолдиғига нисбатининг 1 дан айрилган қиймати:

$$QL_r = 1 - R/L$$

бунда,

QL_r – эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захиралар коэффиценти;

R – кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захира;

L – берилган кредитлар умумий қолдиғи.

5.10-жадвал

Активлар сифатини баҳоловчи коэффициентлар

Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари	Берилиши мумкин бўлган баллар интервали
$0.85 < QL_r < 1.0$	0,50 балл
$0.50 < QL_r < 0.85$	0,3–0,49 балл
$0.25 < QL_r < 0.50$	0–0,29 балл
$0,25 < QL_r$	0 балл

Кредитлар сифати коэффициенти (QL) – муддати ўтган кредит қарздорлиги миқдорини берилган кредитлар умумий қолдиғига нисбатининг 1 дан айрилган киймати:

$$QL = 1 - BL/L$$

бунда,

QL – кредитлар сифати коэффициенти;

BL – муддати ўтган кредит қарздорлиги миқдори;

L – берилган кредитлар умумий қолдиғи.

5.11-жадвал

Кредитлар сифати коэффициенти

Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари	Берилиши мумкин бўлган баллар интервали
$0.95 < QL < 1.0$	0,5 балл
$0.9 < QL < 0.95$	0,3–0,49 балл
$0,85 < QL < 0.90$	0–0,29 балл
$0 < QL < 0.85$	0 балл

Корреспондент-банкнинг рейтинг таҳлили Standard and Poor's, Moody's ва FitchRatings каби халқаро рейтинг агентликлари маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда корреспондент-банкнинг ишончлилиқ даражаси бўйича гуруҳларга бўлинган инвестицион даражадаги кредит рейтинглар баҳолаш учун қабул қилинади. Таҳлил натижасига бериладиган энг юқори балл 10 баллни ташкил қилади. Инвестицион даражадан паст рейтингга эга бўлган ёки юқорида кўрсатилган рейтинг агентликларининг рейтингига эга бўлмаган банклар 0 балл билан баҳоланади.

5.12-жадвал

Корреспондент-банкнинг Standard and Poor's, Moody's ва FitchRatings халқаро рейтинг агентликлари томонидан рейтинг таҳлили

Moody's		Standard & Poor's		Fitch Ratings		Гуруҳ	Балл
Узоқ муددатли	Қисқа муددатли	Узоқ муددатли	Қисқа муددатли	Узоқ муددатли	Қисқа муددатли		
Aaa	p-1	AAA	A-1 +	AAA	F1 +	I Гуруҳ	9-10
Aa1		AA+		AA+		II Гуруҳ	6 - 8,99
Aa2		AA		AA			
Aa3		AA-		AA-			
A1		A+	A-1	F1	III Гуруҳ	2,5 - 6,99	
A2	A	A					
A3	P-2	A-	A-2	A-	F2	IV Гуруҳ	0,01 - 2,49
Baa1		BBB+		BBB+			
Baa2	P-3	BBB	A-3	BBB	F3		
Baa3		BBB-		BBB-			
Инвестицион даражадан паст рейтингга эга булган ёки рейтингга						V Гуруҳ	0

Таҳлил натижаларига кўра, ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи 10 балли шкалада баҳоланади. Корреспондент-банк молиявий ҳолатининг умумий баҳоси ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи баллари йиғиндисидан ташкил топади, яъни умумий таҳлилнинг энг юқори баҳоси 30 баллдан иборат бўлади. Бунда корреспондент-банклар молиявий ҳолатининг умумий баҳосидан келиб чиқиб, Банкнинг хорижий валютадаги активлари (ХВА) миқдорига фоизли нисбатда лимитлар чегаралари белгиланади.

5.13-жадвал

Банкнинг хорижий валютадаги активлари (ХВА) миқдорига фоизли нисбатда лимитлар чегаралари

Категория	Ишонччилик даражаси	Балл	Лимит чегараси
I Категория	Кредит лаёқати шубҳа уйғотмайдиган банклар	20-30	8–10%, ХВАдан
II Категория	Юқори кредит лаёқатига эга банклар	15- 19,99	2,6–7,9%, ХВАдан
III Категория	Ўртача кредит лаёқатига эга банклар	10-14,99	1,6–2,5%, ХВАдан
IV Категория	Қониқарли кредит лаёқатига эга банклар	9,99 гача	0–1,5%, ХВАдан

Лимитни ўрнатишда жаҳон молиявий-иқтисодий фаолияти субъектларининг аксарияти томонидан тан олинган Standard and Poor's (S&P),

Moody's va Fitch Ratings каби халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг маълумотларидан фойдаланилади.

Корреспондент-банкнинг молиявий ҳолати таҳлили натижаларига асосан лимитларни ўрнатиш бўйича тегишли хулоса Банкнинг Активлар ва пасивларни бонщариш қўмитасига тақдим қилинади.

Банкнинг Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси мазкур хулоса асосида ҳар бир корреспондент-банк учун лимит ўрнатиш бўйича таклифни Банкнинг Кредит қўмитаси муҳокамасига киритади. Лимит ушбу қўмиталар йиғилиш баёнлари асосида Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

Корреспондент-банклар учун хорижий валютадаги операциялар бўйича Банк соф активларининг 15 фоизидан юқори бўлган лимитлар Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Амалдаги лимитлар Банк томонидан ҳар чорақда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Лимит корреспондент-банкнинг бош офисига қуйида кўрсатилган молиявий инструментлар бўйича ўрнатилади:

вакиллик ҳисобварағи колдиғига;

депозит операциялар учун, шу жумладан “Овернайт” депозитлари;

ҳужжатли операцияларга;

конверсион операцияларга, шу жумладан, нақд хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ ҳамда FOREX бозоридаги операциялар учун.

Корреспондент-банк бош офисига урнатилган лимит унинг шуъба корхоналари ва филиаллари учун ҳам қулланилади.

Лимит қуйидаги тамойилларга асосан ўрнатилади:

-алоҳида ҳар бир давлатга;

-ҳар бир корреспондент-банкка;

-АҚД 1 доллари эквивалента да барча валюталар учун.

Лимит ҳар бир корреспондент-банкка Банкнинг хорижий валютадаги активларининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳамда ҳар бир давлат молиявий

муассасаларига Банкнинг хорижий валютадаги активларининг жами 30 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги инвестицияларига ўрнатилади.

Банк томонидан мониторинг ўтказиш мақсадида банклараро бозордан келиб тушаётган корреспондент-банклар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб боради. Корреспондент-банк тўғрисида салбий маълумотлар олинганда ҳамда бошқа банклар томонидан ушбу корреспондент-банк учун лимитлар ёпилганда, банк томонидан вакиллик ҳисобварағи қолдиғи бошқа вакиллик ҳисобварақларига ўтказилади ва мазкур корреспондент-банк учун лимитларни ёпиш бўйича ишлар олиб борилади.

5.3. Банк рискларини риск аппетити ва риск профили орқали баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш

Банкларда рискларни бошқаришнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш, хусусан, банкларда юзага келиши мумкин бўлган рискларга бардошлилик даражаларини ҳисобга олган ҳолда асосий риск кўрсаткичлари лимитларини ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий тузилма томонидан таваккалчиликларни бошқариш тизими, шу жумладан, риск-аппетит ва таваккалчиликларни бошқариш сиёсатининг ишлаб чиқилиши, уларга риоя этилиши ва уларнинг ўз вақтида янгилаб борилиши устидан назорат қилиш¹³⁴ белгиланганлиги банкларда риск-аппетити кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш бўйича банк ўзининг ички меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Айнан риск аппетитининг тўғри аниқланиши кўпгина банкларга глобал молиявий беқарорлик даврида банкротликдан қочишга имкон беради. Риск аппетити даражасини аниқлаб, ҳар бир банк рискларни бошқариш соҳасида ишлашнинг ўзига хос стратегиясини ишлаб чиқади.

¹³⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги 3254-сонли низом. 2020 йил 30 июнь

Риск аппетитини самарали бошқариш ҳам Регуляторнинг мажбурий меъерий талабларни бузиш рискин камайтиради, айниқса банкларни тартибга солишнинг янги стандартига ўтиш шароитида - Базел 4¹³⁵.

Халқаро стандарт шуни кўрсатадики, ҳар хил мақсадлар ҳар хил даражадаги хавфни англатади, шунинг учун ҳар бир ташкилот ўз фаолияти давомида қанча ва қандай турдаги таваккал қилишга тайёрлигини ўзи учун шакллантириши керак¹³⁶.

Ушбу ҳолатлар банкларда рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, олдини олиш ва бошқариш мақсадида ҳар бир банк риск аппетити ва риск профилини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Карл Берч “ҳар қандай компаниянинг таваккалчиликни бошқариш фалсафасининг асосий таркибий қисми унинг риск аппетитини аниқлашдир. Риск аппетити компаниянинг молиявий ва операцион имкониятларига, ўсиш суръатларига ва манфаатдор томонлар томонидан рентабеллик истиқболларига қараб, юзага келиши мумкин бўлган риск миқдорини акс эттиради¹³⁷”, деб таърифлайди.

Тарасов И. “Риск-аппетити - бу хавфни камайтириш чоралари талаб қилинишидан олдин ташкилот ўз мақсадларига эришиш йўлида қабул қилишга тайёр бўлган максимал риск даражаси. Ҳар қандай бизнес ўз моҳиятига кўра рискли бизнес бўлиб, унда фойда олиш учун таваккал қилиш зарур ва риск аппетити ташкилот учун рисклар ва олинадиган фойда ўртасидаги мақбул мувозанатни кўрсатади”¹³⁸, деб таъриф беради.

¹³⁵ Пашковская И.В., Хоткин А.В. Значимость риск-аппетита в разработке стратегии управления коммерческим банком // Экономика: вчера, сегодня, завтра. 2020. Том 10. № 3А. С. 57-64. DOI: 10.34670/AR.2020.94.4.007

¹³⁶ Rittenberg, L., Martens, F. (2012). Enterprise Risk Management – Understanding and Communicating Risk Appetite. Retrieved from: <http://www.coso.org/documents/ERM>

¹³⁷ Берч Карл. Риск Аппетит: «Не откусывайте больше, чем можете проглотить». https://www.cfin.ru/finanalysis/risk/Risk_Appetite.shtml

¹³⁸ Тарасов И. Риск Аппетит <https://upravlenie-riskami.ru/риск-аппетит/>

Банк назорати бўйича Базелда “Риск аппетити ташкилот ўз мақсадларига эришиш учун қабул қилишга тайёр бўлган риск (ноаниқлик) миқдори ва турларини акс эттиради”¹³⁹.

“Риск аппети – бизнинг минимал миқдорий кўрсаткичлар ва сифатли баёноتلар тўплами билан белгиланадиган стратегик мақсадларимизга эришиш учун биз қабул қилишга тайёр бўлган рискнинг умумий даражасини ифодалайди”¹⁴⁰.

Бошқа муаллифлар Риск-аппетитини солиқ тўлангунга қадар фойдадан ёки капиталдан улушлар асосида аниқланувчи (“юқоридан пастга” ёндашуви) ёки рисклар юзага келгандаги йўқотишларнинг тарихий таҳлиллар асосида аниқланувчи (“пастдан юқорига” ёндашуви)¹⁴¹ сифатида фикр билдиради.

Фикримизча, риск аппетити – рискларни қабул қилиш доирасида банк бизнес-режасининг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда стратегик мақсадларга эришиш учун банк томонидан олдиндан қабул қилишга ёки рад этишга рози бўлган рискларнинг умумий ҳажми ва/ёки сифати ифодасига айтилади.

Риск профили эса банк фаолиятининг асосий жиҳатларида рисклар фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қийматларининг йиғиндисидир. Риск профили кўрсаткичлари қаторига риск-аппетити кўрсаткичлари, мажбурий стандартлар, молиявий ковенантлар ва шунингдек бошқа ички кўрсаткичлар киради.

Республикамизнинг банк фаолиятига алоқадор айрим меъёрий ҳужжатларида риск аппетити мавжудлиги бўйича талаблар мавжуд, бироқ, уни ишлаб чиқиш методологиясига қўйилган талаб ва кўрсатмалар йўқлиги сабабли банклар ўзларининг тижорат фаолиятидан келиб чиқиб, риск аппети бўйича ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқади.

¹³⁹ Basel Committee on Banking Supervision. (2011). Operational Risk – Supervisory Guidelines for the Advanced Measurement Approaches. Retrieved from: <http://www.bis.org/publ/bcbs196.pdf> Игор Тарасов Риск Аппетит <https://upravlenie-riskami.ru/риск-аппетит/>

¹⁴⁰ Risk Appetite and Capacity <https://annualreport.deutsche-bank.com/2017/ar/risk-report/risk-and-capital-framework/risk-appetite-and-capacity.html>

¹⁴¹ Lamanda, G., Vöneki, Z.T. (2015). Hungry for Risk. A risk appetite framework for operational risks. Public Finance Quarterly, 2, 212-225

Банкда рискларни бошқаришнинг мақсади қонунчилик талабларига, банк акциядорлари ва инвесторларнинг кутган талабларига мувофиқ, рискларни онгли равишда қабул қилиш ва банк фаолияти давомида юзага келадиган рискларни бартараф этиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш сифатида белгиланади.

Банк бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичлардан иборат риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлаш ва муҳокама қилиш, риск профили кўрсаткичлари, рискларини камайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш тузилмаси бўйича риск-аппетитини бошқариш тадбирларини кетма-кет равишда амалга оширади.



5.1-расм. Риск аппетитини ишлаб чиқиш ва бошқариш жараёни¹⁴²

Риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлаш жараёнида жорий рискни баҳолаш, риск даражаси прогнози ва турлари ҳамда бардошлилик прогнози амалга оширилади, шунингдек, банк фаолиятининг ташқи ва ички чекловлари аниқланади ва риск қилишнинг якуний кўрсаткичлари танланади.

Банк риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлашда ўзининг ҳозирги ва келгуси даврларда рискни қабул қилиш қобилияти, банкнинг мақсадли кўрсаткичлари ва стратегик ҳамда жорий ривожланиш йўналишлари, банк қонунчилигининг ҳозирги ва келажакдаги талаблари, банкнинг инвесторлар

¹⁴² Муаллиф томонидан тайёрланган

томонидан кутаётган натижалари, шу жумладан молиявий шартномалари, банк мавжуд бўлган минтақаларда банк секторини ривожлантириш истиқболлари, банк асосий рақобатчиларининг фаолияти ва молиявий кўрсаткичлари, рейтинг агентликларининг сўнгги профессионал хулосаларида қайд этилган банкнинг кредит рейтингини қўллаб-қувватлаш ва ошириш омилларини ҳисобга олиш лозим.

Банкнинг рискларни бошқариш бўлими томонидан риск-аппетити ва риск-профили кўрсаткичларининг лимитларини бошқариш бўйича банк таркибий бўлиmlарининг ишини мувофиқлаштиради, ҳозирги ва келажакдаги даврларда, шу жумладан, йирик битимлар ва янги операциялар турларини амалга оширишда риск-аппетити ва риск-профилининг ҳолатини баҳолайди, риск-аппетити ҳамда риск-профили кўрсаткичларига риоя қилинишини назорат қилади ва банк Бошқарувига кўрсаткичларнинг бузилишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Банкнинг бизнес йўналишлари бўлиmlари операция турлари бўйича риск-аппетитининг энг юқори кўрсаткичларини белгилайди. Йирик битимлар ва янги операцияларни амалга оширишдан олдин риск-профилининг кўрсаткичлар мониторинги ва шунга мос равишда банкнинг риск-аппетити кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳар ойда ёки зарур ҳолларда тез-тез амалга оширилади.

Бузилишлар аниқланган тақдирда банк томонидан риск даражасини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Банкнинг риск-аппетитини бошқариш чора-тадбирлари 1-иловада келтирилган.

Риск-профилларини эрта аниқлаш ва риск-профилларини риск-аппетити кўрсаткичларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида Банк доимий равишда риск даражаси ва динамикасини таҳлил қилиши учун риск-профилининг кўрсаткичларидан фойдаланади.

Риск-профили кўрсаткичларини шакллантириш улардан фойдаланиш ва такомиллаштириш жараёнида Банк қуйидаги тамойилларга асосланади:

риск-профили кўрсаткичлари қаторида молиявий, йил давомида банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир муҳим рискларни ҳар томонлама баҳолайдиган кўрсаткичлар бўлиши;

риск-профилининг кўрсаткичлари асосан рискга объектив миқдорий баҳо берадиган тарзда танланиши керак. Риск-профилининг қийматлари ҳисоблаб чиқилиб, кўрсаткичлари тасдиқланган ҳисоблаш методологиясига эга бўлиши керак, бу кўрсаткичларини ҳисоблаш ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш учун ҳам қўлланилади;

риск-профилининг кўрсаткичлари белгиланган тебранишга мувофиқ мунтазам равишда баҳоланиши керак. Ҳисобот санасида барча ҳисобланган риск кўрсаткичлари учун таққосланадиган баҳолар олиниши керак, яъни битта ҳисобот тарихи ва битта тарихий давр учун риск-профилининг кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилиши керак.

Риск-профили кўрсаткичлари ҳисобот ва мониторинг мақсади учун икки гуруҳга ажратилади:

асосий кўрсаткичлар – бунинг учун риск-профилининг кўрсаткичлари банкнинг масъул бўлинмалари томонидан талаб қилинадиган чекловлар бу ҳисобот даврида бузилиши мумкин ва бу банкнинг назорат органлари, акциядорлари ва инвесторлари олдидаги мажбуриятларини бажармаслигини англатади.

асосий бўлмаган кўрсаткичлари учун риск-профили кўрсаткичлари тавсиявий чекловлар ўрнатган. Уларнинг бузилиши банк фаолияти учун бевосита салбий оқибатларга олиб келиши мумкин эмас, шунингдек, банк томонидан тарихан минимал қийматга нисбатан минимал маржани ушлаб турадиган кўрсаткичлар бу тез-тез бузилишларни келтириб чиқариши мумкин.

Банк мониторинг натижалари асосида риск-профилининг чегаравий ва назорат қилиш даражаси қийматларига риоя этилишини назорат қилади ва риск-профилининг ҳолатига қараб қуйидаги бошқарув стратегияларини қўллайди:

агар бирон-бир лимит бузилса, банкнинг таваккалчиликларни бошқариш бўлинмаси томонидан бу ҳақида Банк раҳбариятини хабардор қилади ва зарур бўлганда риск-профили кўрсаткичларининг мақсадли қийматларидан оғишларни камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

лимит бузилиш rischi мавжуд бўлганда Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси риск-профилининг кўрсаткичлари бўйича назорат сигнали қийматлари бузилишларини қайд этади ва белгиланган чекловларга риоя қилиш учун масъул бўлимни хабардор қилади ҳамда риск-профилининг чегаравий лимитларидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича таклифларни биргаликда ишлаб чиқади;

лимит бузилган тақдирда Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси бу ҳақда бошқарув коллегиял органларини ва риск-профилининг ушбу кўрсаткичи учун белгиланган чекловларга риоя қилиш учун масъул бўлган бўлимни дарҳол хабардор қилади ва тегишли риск-профили кўрсаткичининг чегарасидан ошиб кетишини ёки қайта кўриб чиқишни тезда бартараф этиш бўйича сўнги таклифларни ишлаб чиқади.

Риск аппетитининг ишлаб чиқилиши қуйида келтирилган рискларга олдини олишга қаратилган.

Стратегик риск:

Тасдиқланган стратегияга мувофиқ, Банк фаолиятини тизимли равишда ривожлантиради ва банкнинг режалаштирилган стратегик ташаббусларни ўз вақтида ва кутилган натижалар асосида амалга оширади. Унга риоя қилмаслик стратегик рискка олиб келади;

Банк стратегиясига мос келмайдиган ва тегишли ваколатларга эга бўлмаган ҳаракатлар ички тартибларни қўпол равишда бузиш деб ҳисобланади;

Банк Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиши ва равнақига ҳар томонлама ҳисса қўшиб, банк секторида етакчи мавқеъга эга бўлишга интилади. Банкнинг интилишларини рўёбга чиқариш активларнинг

ўсиш суръати, даромадлилик даражаси ва асосий рақобатчилар даражасидан паст бўлмаган кредит рейтинги билан ўлчанади;

активлар ўсиш динамикаси, фойданинг ўзгарувчанлиги, кредит рейтинги ва маблағ тўплаш Банк томонидан рискларни бошқариш сифатини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари сифатида кўриб чиқилади. Банк қуйидаги рискларни қабул қилади яъни, катта йўқотишларнинг олдини олиш, банкнинг кредит рейтингини сақлаб қолиш ва чет эллик ҳамкорлар томонидан молиялаштиришни қисқартирмаслик;

Банк стратегик рискни сценарий таҳлилидан фойдаланган ҳолда фаолият ёмонлашуви таъсирини баҳолайди. Стратегик риск натижасида йўқотишларни минималлаштириш чораларини молиявий барқарорликни тиклаш режасига киритади;

Бозор rischi:

Банк молия бозорида савдо операцияларининг минимал чегараларини амалга оширишда бозор рискларига паст аппетитли риск профилининг бозор рискни қоплаш учун капитал ҳажмини чеклаш, бозор нархидаги қимматли қоғозларга инвестициялар киритишни чеклаш, очиқ валюта позицияларини чеклаш ҳамда савдо позициялари миқдорини белгилашда қарор қабул қилишда ваколанини чегаралаш каби чекловлар тизимидан фойдаланиш;

қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек чет эл валютасида стратегик позицияларни шакллантириш рискларни баҳолаш ва мумкин бўлган молиявий натижалар асосида активлар ва пассивларни бошқариш қўмитасининг қарори билан амалга оширади. Молия бозорида спекулятив арбитражга йўл қўйилмайди.

Ликвидлилик rischi:

Банк актив ва пассивларини муддатига номуносиб бўлмаслик rischi учун ўртача аппетит ўрнатади ва бозорнинг стандарт шароитларида фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқади, шу билан бирга ликвидлик меъёрларини бузилишига йўл қўймайди;

инқирозли вазиятда, Банк етарлича ликвидли активлар захирасини шакллантириш, фоиз ставкаларини минималлаштириш ва молиявий барқарорликни тиклаш режасига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш орқали энг паст риск аппетитини ўрнатади;

Банк томонидан ликвидлилик ҳолати ҳар куни реал вақт режимида, шунингдек йирик битимларни режалаштиришда, ҳар қандай вақтда мумкин бўлган бузилишларни олдини олиш учун минимал даражадаги ликвидлилик захирасини яратади.

Капитал етарлилиги rischi:

Банк ўз капиталининг етарлилиги rischi аппетитидан паст даражада бўлса, белгиланган капиталнинг етарлилик кўрсаткичларини бузиш rischi мавжуд бўлиб, Банк молиявий барқарорликни тиклаш бўйича тасдиқланган режага мувофиқ riskларни жалб қилиш операциясидан воз кечади ёки riskли активларни камайтиради;

Банк назорат органларининг талаблари, молиявий шартнома ковенантлари, бизнесни ривожлантириш режалари ва Банк стратегияси даврида улар билан боғлиқ потенциал йўқотишларни қоплаш учун етарли миқдорда қўшимча капиталнинг мавжудлигини таъминлайди ва зарур бўлганда ташкил этишни режалаштиради;

Банк ҳар куни капитал етарлилиги меъёрларига риоя қилиниши шунингдек, йирик кредит операцияларини режалаштиришда Банк мумкин бўлган бузилишларни истисно қилиш учун минимал стандарт қийматларига мувофиқ капитал захирасини етарли даражада сақлаши керак.

Кредит rischi:

Банк кредит портфели стратегик мақсадларига эришишда кредит rischi учун ўртача аппетити ўрнатади ва мос равишда амалга оширади;

йирик кредит лойиҳаларини сотиб олиш, сотишни режалаштирмаслик, давлат органларининг қарорлари билан боғлиқ операциялар бундан мустасно;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун консерватив захира яратиш сиёсатига риоя қилиш;

Банк оқилона кредит сиёсати, қатъий мезонлар ва кредитлаш стандартлари, рискларни баҳолаш орқали юқори сифатли портфелни шакллантириш ва бу орқали кредит рискини эҳтиёткорлик билан бошқаришни амалга ошириш.

Риск концентрацияси:

Банк концентрацияси учун аппетити паст бўлган ва ўз фаолиятини диверсификация қилишни амалга ошириб, риск профилига кредитлашнинг тармоқ чегаралари, кредитлашнинг ҳудудий чегаралари, кредит портфеллар ва миждоз сегментлари бўйича чекловлари, кредитлашнинг хорижий валютада чегаралари, хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятларга чегаралари каби чекловлар тизимини жорий қилиш;

активлар сифатини чеклаш (ички хавфларни баҳолаш моделларига асосланган ҳолда) ҳамда қарз олувчининг тўлов қобилиятига асосан молиялаштириш лимитларни ўрнатиш.

Операцион риск:

Банк операцион рискларга паст даражада аппетитни белгилайди ва халқаро стандартларга, илғор банк амалиётига мувофиқ банк фаолиятининг асосий йўналишларида операцион рискларни бошқариш тизимини изчил амалга ошириб боради;

операцион риск турлари бўйича лимитлар ўрнатилади, яъни операцион рискдан бевосита йўқотишлар, операцион рискни капитал билан қопланганлиги ва бошқалар;

операцион рискнинг муҳим турлари таснифланади, бунда ушбу рискларнинг манбаларини аниқлаш, мумкин бўлган йўқотишларни баҳолаш, рискларни самарали олдини олиш ҳамда камайтириш чораларини кўриш учун синчковлик билан таҳлил қилади;

Банк ҳуқуқий риск, фирибгарлик rischi, ахборот хавфсизлиги rischi, модел rischi ва бизнеснинг узлуксизлиги рискини ўз ичига олган операцион рискнинг муҳим турларини бошқариш тартибини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Репутацион риси:

Банкда репутацияси паст риск аппетитига ўрнатилади. Банк репутациясига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган воқеалар тезда Банк раҳбариятига етказилади, фикр-мулоҳазалар олинади ва энг қисқа вақт ичида ҳал қилинади;

Банк доимий равишда янги маҳсулотларни, инцидентларни бошқариш тизимини, кузатув механизмларини, чеклаш операцияларини, автоматлаштиришни ва бошқаларни тасдиқлаш орқали репутацион риск хавфининг олдини олиш бўйича иш олиб боради;

Банк ташкилоти ичида ўрнатилган қонун ва қоидаларга қатъий риоя қилади ва ички талабларни қасддан бузишга йўл қўйилмайди;

Қонун талабларини бузиш хавфининг олдини олиш мақсадида банк санкция рўйхатига киритилган мамлакатлардаги фаолиятни амалга оширмайди, шунингдек пул ювиш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятга фаол тўсқинлик қилади.

Фирибгарлик риси:

Банк учинчи шахслар ёки унинг ходимлари томонидан амалга оширилган ҳар қандай фирибгарлик ёки коррупцияга аппетит ўрнатмайди. Банк фирибгарлик ёки коррупцияда гумон қилинган барча даъволарни қабул қилади, уларга амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилганидек тўлиқ ва адолатли жавоб беради;

фирибгарлик рисининг такрорланишига йўл қўймаслик учун Банк даъво муддати тугамасдан, Банкка қарши фирибгарлик ҳаракатларини амалга оширишда илгари қайд этилган юридик ва жисмоний шахслар билан ҳар қандай операцияларни рад этади.

Банк келажакда юқорида кўрсатилган рискларни келтириб чиқарадиган инцидентлар бўлиши мумкинлигини тан олади, аммо Банк уларни тезда йўқ қилиш учун энг фаол ҳаракатларни амалга оширишни режалаштиради ва янги, янада ривожланган бошқарув механизмларини жорий қилишни

режалаштиради, бу эса бундай ҳодисаларнинг такрорланиш эҳтимолини камайтиради.

Риск-профилининг асосий кўрсаткичлари рўйхати 2-иловада келтирилган.

Операцион бошқарув даражасида рискларни бошқариш функцияси "ҳимоя қилишнинг учта йўналиши" концепциясига мувофиқ амалга оширилади. Фронт офиснинг бўлинмалари биринчи ҳимоя чизиғи, Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси ва Комплаенс назорат бўлинмалари иккинчи ҳимоя чизиғи ҳамда Ички аудит хизмати эса учинчи ҳимоя чизиғида бўлиб, ҳар бир ҳимоя чизиғи бир-бири билан ўзаро боғланади ва қарорларни қабул қилиш "пастан юқори" тамойилига асосланиб, иш олиб боради.

Риск-аппетитининг банк учун мақбул даражасини таъминлаш банкларда риск менежментини трансформация қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Маълумки рискларни бошқариш жараёни Банкнинг бизнес жараёнларига интеграциялашган ва "учта ҳимоя чизиғи" ни таъминлаш орқали Банк Бошқаруви органлари томонидан рискларни комплекс ўрганишни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан банкнинг риск менежментини трансформация қилишда ушбу 3 та ҳимоя чизиғида турган бўлинмалар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган омилларга тўхталиб ўтиш лозим.

